

И. Кенжаев

**ПУЛ МУОМАЛАСИ
КРЕДИТ ВА МОЛИЯ**

Наманган - 2006

Ушбу маъруза матнларида пулнинг келиб чиқиши, моҳияти, вазифалари пул муомаласи қонунлари, пул айланиши ва унинг таркиби, пул бозори, кредитнинг моҳияти, кредит муносабатлари, кредит шакллари, банк тизими, молия ва молия тизими каби мавзулар ёритиб берилган.

Маъруза матнлари Наманган Давлат университети “Иқтисодиёт” кафедрасининг услубий кенгаши томонидан 2006 йил нашр этишга тавсия этилган.

Баённома № 1

Муаллиф:

Такризчи:

катта ўқитувчи И.Кенжаев

проф. О. Абдуллаев

1-маъруза: Курснинг предмети ва вазифалари.

Режа:

1. Курснинг предмети.
2. Курснинг ўрганиш услублари.
3. Курсни вазифалари.
4. Бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Таянч иборалар. Пул, кредит, молия, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, моддий ишлаб чиқариш, номоддий ишлаб чиқариш, банк, натурал хўжалик, товар хўжалиги.

Жамият бор экан, у ерда ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол мавжуд, бу жараёнлар бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, узликсиз равишда бирин-кетин юз беради. Инсонлар йиғиндисидан иборат бўлган жамиятнинг иқтисодий тизимни кишиларнинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Иқтисодий жараёнлар, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол соҳаларида юз беради. Бинобарин шу соҳаларнинг ҳар бирига ва уларнинг ҳаммасига хос бўлган иқтисодий алоқаларнинг келиб чиқиши, ушбу алоқаларнинг оқибатлари, уларни ҳаракатлантирувчи кучларини ўрганувчи фан “Пул муомаласи, кредит ва молия” фанидир.

Маълумки, жамият фаолиятининг асоси бу ишлаб чиқаришдир. “Пул муомаласи, кредит ва молия” тушунчаларининг келиб чиқиши ана шу ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ресурслар ишлатилади. Маҳсулотлар ва хизматлардан иборат ҳаётий неъматлар яратилади. Ишлаб чиқариш неъматларининг яратилиши, уларнинг пировард қандай мақсадга ишлатилишига қараб икки қисмга бўлинади.

1. Моддий ишлаб чиқариш – озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматларни яратиш, масалан юк тошиш йўл хизмати, иқтисодий ахборотларни узатиш ва бошқалар. Бу соҳага саноат, қишлоқ хўжалик, транспорт, алоқа қурилиши каби тармоқлар киради.
2. Номоддий ишлаб чиқариш – аҳоли учун зарур бўлган хизматларни ишлаб чиқариш. Бу соҳага фан, маориф, маъдания, соғлиғни сақлаш, спорт ва физкултура каби тармоқлар киради.

Моддий ишлаб чиқаришни ҳам номоддий ишлаб чиқаришни ҳам ўзаро иқтисодий муносабатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу муносабатлар заминидан пул, кредит ва банклар етади.

Тўғри ишлаб чиқариш иккита умумий шаклда юз беради: Натурал ишлаб чиқариш ва товар ишлаб чиқариш. Шунга кура натурал хўжалик ва товар хўжалиги мавжуд бўлади.

Натурал хўжалик жуда узоқ давом этган хўжалик шаклидир. Натурал хўжалик бозор иқтисодиётига қадар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий шакли бўлиб келди. Аммо натурал хўжалик ёки натурал ишлаб чиқариш иқтисодий равақини таъминлай олмайди, натижада унинг ўрнига товар

хўжалиги вужудга келди. Маълумки, товар хўжалиги бозорда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни билдиради. Товар хўжалигининг вужудга келиши ва унинг тараққий этиши пул деган тушунчани вужудга келтиради ва у умумий эквивалент сифатида товарлар айрибошлашига хизмат қила бошлади.

Товар хўжалиги бозорда сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни билдиради. Товар хўжалиги натурал хўжаликдан фарқли ўлароқ маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол қилувчиларнинг, бозор орқали товарларни олди сотдиси орқали алоқа қилишни тақозо этади. Бас, шундай экан, товар ишлаб чиқариш деганда маҳсулотни бозор учун, яъни уни пул воситасида олди-сотди қилиш учун яратилишини тушуниш керак. Товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас, балки у қонуний заруриятдир. У кишиларнинг хоши иродасидан ташқарида объектив тарзда пайдо бўлган. Товар энг аввало уз истеъмоли учун эмас, балки бошқа маҳсулотларга бозорда пул воситасида айрибошлаш учун яратилган меҳнат маҳсулидир. Демак, маҳсулот фақат истеъмолни қондириш билан товар бўлиб қолмайди, бунинг учун уни инсон меҳнати яратиши керак, аммо айрибошлаш юз бериши учун меҳнат маҳсули кафиллигини ўзи қифоя қилмайди, бунинг учун айрибошланадиган маҳсулотлар маълум миқдорий нисбатида бир-бирига тенглаштирилиши шарт. Миқдорий нисбат суъний бўлмайди албатта. Уларни асосида товарларга сарфланган меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам индивидуал меҳнат эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат ётади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, товар мужассамлашган меҳнат уни қийматини яратади. Албатта бу ерда жами ишлаб чиқариш босқичларида сарфланган меҳнатнинг ҳаммаси назарда тутилади. Хуллас, қийматнинг ички мазмуни уни ўлчов мезони меҳнатнинг миқдори ва сифатидир. Лекин амалиётда товар қийматини меҳнатни ўзи билан эмас, балки уни ифода этувчи ўлчов воситаси бўлишмиш пул билан аниқланади. Шу сабабли ҳам бозорда товар сотилаётганда ҳеч ким товар неча соат туради ёки қанча килокалория энергия сарфи туради деб эмас, балки неча сўм ёки неча пул туради деб сўралади.

Бу ерда яна шуни айтиш керакки, пул, кредит, банк ва молиявий муносабатларнинг келиб чиқишга сабаб бўлган бошқа омиллар ҳам бор. Бўларнинг ичида асосийси - ижтимоий меҳнат тақсимотидир. Тарихда чорвачилик, деҳқончилик ва хунармандчиликнинг бир-биридан ажралиб чиқиши товар-пул муносабатларини келтириб чиқарди. Бу муносабатларнинг кенгайиши кредит деган тушунчани вужудга келтиради. Кредит муносабатларининг ривожланиши банк муассасаларининг пайдо бўлишига туртки бўлди. Гарчи уларнинг ҳар бирини алоҳида мавзулар тариқасида ўрганишимизга қарамасдан пул, кредит, банк тушунчаларига таъриф бериб кетайлик:

Пул – ҳамма товарларни айрибошлашга хизмат қилувчи умумий эквивалент.

Пул инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири Платон ўзининг “Сиёсат ва давлат” асарида жамиятдаги ҳар қандай душманликни келтириб чиқарадиган ягона манба пул деб ҳисоблаган. Пул иқтисодиётнинг қон томири тизимидир. Агар у нормал айланса иқтисодиёт тараққий этади ва аксинча.

Кредит – ўз эгалари қулида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлардир. Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси яъни қарз берувчи, иккинчиси пулга мухтож яъни қарз оловчи.

Банк – кредит муассасаларининг бош бўғини. Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан иш кўриш учун тузилган ваколатлик муассасадир. Банклар пулни унинг сохибларига фоиз тўлаш шарти билан ўз қулларида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз оладилар.

Маълумки ҳар қандай фаннинг ўз предмети бўлади. Аммо “Пул муомаласи, кредит ва молия” фанидан ҳам дарслик чиқмаганлиги сабабли илмий асосланган таъриф бериш анча мушкул. Шунга карамай бу фаннинг мутахассислар тайёрлашдаги ролини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги таърифни бериш мумкин.

Жамиятдаги пул муомиласи, пул даромадлари ва пул фойдаларини ташкил этиш ҳамда фойдаланиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ўрганиш фаннинг предмети ҳисобланади.

Фаннинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятдаги ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрганиш асосларини ўрганади.
2. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг сир-асрорларини билиб олиш, уларни ўрганувчиларга етказиш асосида уларнинг иқтисодий тафаккурини кенгайтиришга ёрдам беради.
3. Фанни ўрганишда «Молия», «Бухгалтерия ҳисоби», «Статистика», «Иқтисодий таҳлил» ва бошқалар илмий услубий асос бўлиб хизмат қилади.
4. Амалий тавсиялар бериш вазифаси. Бу жараёнлар иқтисодий барқарорликни таъминлаш, бюджет танқислигини йўқотиш, пул муомиласини изга солиш, инфляцияни бартараф этиш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга молик тавсиялардан иборатдир.

Энди фаннинг таркибига келсак шуни айтиш керакки бу фанни ўрганиш тўрт бўлимдан иборат.

1.2. Пул назарияси ва тизимлари.

Бу қисмда пулнинг вужудга келиш ва зарурлиги унинг вазифалари, иқтисодиётдаги роли, пул муомаласи қонуниятлари, пул инқироzi унинг сабаблари, бартараф этиш йўллари, пул ислохотлари, уларнинг сабаблари ва оқибатлари, пул бозори, пул назарияси, тизимлари, ҳалқаро валюта муносабатлари каби мавзулар ўрганилади.

3. Кредит назарияси.

Бу қисмда кредитнинг моҳияти, шакллари, вазифалари, кредит ислохоти ва унинг мазмуни, пул кредит сиёсати механизми, ҳалқаро кредит муносабатларининг моҳияти каби мавзулар ўрганилади.

4. Банклар ва банк тизими.

Бу қисмда банкларнинг моҳияти, тизими, уларнинг операциялари, вазифалари, назорати, марказий банк ва уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари тижорат банклари фаолияти, ҳалқаро банк иши каби мавзулар ўрганилади.

Амалиёт дарсларида мисоллар ишланади, мустиқил ишларнинг бажарилиши назорат қилинади.

Назорат учун саволлар.

1. Пул муомаласи, кредит ва молия фанининг ўрганишдан мақсад нима?
2. Товар хўжалиги деганда қандай хўжалик тушунилади?
3. Фаннинг предмети нима?
4. Фаннинг вазифалари нима?
5. Фаннинг таркибини изоҳланг?
6. Натурал хўжалик қачон пайдо бўлган
7. Пул нима.
8. Кредит назарияси бўлимида нима ўргатилади .
9. Банк нима.
10. Моддий ишлаб чиқариш нима.

2-маъруза: Пулнинг моҳияти, вазифалари ва иқтисодиётда тутган ўрни.

Режа:

1. Товар ишлаб чиқариш пул мавжудлиги моддий асоси.
2. Қиймат шаклларининг ривожланиши.
3. Пулнинг вазифалари
4. Пулнинг иқтисодиётда тутган ўрни

Таянч иборалар. Товар, пул, ишлаб чиқариш, эквивалент, қиймат, муомала, тўлов, меҳнат, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, оддий ишлаб чиқариш, чек, электрон пул, кредит.

Аввалом бор биз пул деганда сўзнинг асл маъносига тушуниб етишимиз керак, чунки пул ўзи нима эканлигини билмай туриб ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида унинг тутган ўрнини, кадр-қийматини ва кучини юзаки фахмлашимиз мумкин, бу эса ўз навбатида нафақат оиламизнинг иқтисодий ахволига, балки давлатимиз иқтисодиётига, жаҳон иқтисодиёти ва унинг тараққиётига маълум даражада салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шундай экан, пул ҳақидаги тушунчага унинг келиб чиқиш сабаблари, иқтисодиётда тутган ўрни, моҳиятига тўхталиб ўтиш муҳимдир. Кудалик ҳаётимизда пул деганда қиммати кўрсатилган банкнотлар, рангли қоғоз пуллар тушунилади. Лекин аслида бундай пуллар иқтисодий адабиётларда пул тушунчасининг фақат бир қисминигина билдиради холос.

Маълумки пул дарров пайдо бўлгани йўқ, у дунёда келгунча ўзига ажратилган роль учун пишиб-етилишининг узоқ йўлини, ўз шакллари эволюцияси орқали босиб ўткан. Пул инсониятнинг энг буюк ихтиёрларидан биридир. Иқтисодиёт фаннинг энг қизиқарли ва қадимий соҳасидир. Товарлар айланиши, хизматлар кўрсатиши ва турли тўловлар бажарилиши жараёнида

накд ва накд бўлмаган пуллар айланишидан иборат бўлган пул муомаласи иқтисодиётнинг қон томири тизими ҳисобланади. Шундай экан савол туғилади, пулнинг ўзи нима, у қаердан ва нима учун келиб чиққан, кўпчилик муаллифлар ёзганларидек у одамлар устидан ғайри табиий ҳукумронликка эга?

Аввало айтиш зарурки пул ўзига хос махсус товар уни натурал шакли бўлган эквивалент шакли бирлашиб кетган. Пул алоҳида, товар сифатида ишлаб чиқариш ўртасидаги айрибошлаш жараёнининг узоқ муддат ривожланиши натижасида секин аста бошқа товарлардан ажралиб чиқан. Айрибошлаш жараёни қадим-қадимлардан тош даври жараёнлари ўртасида вужудга келган бироқ тарихий ривожланишнинг бу босқичда инсон ёки жамоа меҳнатининг айрим маҳсулотларигина бошқа бирор нарсага айлантириш мумкин бўлган товар айланган. Бунинг устига бирор товар қиймати унга карама-карши турувчи алоҳида эквивалент товарда ифодаланган. Бу, қийматнинг оддий бир шакли эди. Масалан, 1 та болта ўзи қийматига кура 20 кг донга тўғри келар эди. Унинг бундан кейинги ривожланишига дастлабки йирик меҳнат тақсимооти сабаб бўлди. Бу меҳнат тақсимооти чорвачиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқандан иборат эди. У ёки бу кабилар ехуд жамоалар уларни ўз ичини эҳтиёжларидан анча кўп ортиб қоладиган товарлар ишлаб чиқара бошлаганликлари туфайли доимий айрибошлаш эҳтиёжи вужудга келди. Шу тариқа тасодифий айрибошлаш пайдо бўлди. Бунда товар қиймати ўз алмаштирилиши мумкин бўлган ва қиймати тахминан тенг қоладиган кўплаб эквивалент товарларда ифодаланиши мумкин бўлиб қолди. Эквивалент товар қиймати кабилалари ўзилари айрибошлаган ортикча маҳсулотларни қанчалик кадрлашларига боғлиқ эди. Қийматнинг бундай шакли тулик ёки кенгайтирилган қиймат номини олди.

Меҳнат тақсимоотининг ривожланиб бориши ҳамда хусусий мулкка асосланган товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши, хусусий ва ижтимоий меҳнат ўртасида зиддият келтириб чиқаради, бу эса аввало айрибошлаш жараёнида акс этди. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи бошқа товар ишлаб чиқарувчиларнинг кўплаб меҳнат маҳсулотларига мухтож бўла бошлади. Лекин унинг ўзи ишлаб чиқараятган товар ҳам айни вақтида жамиятнинг муайян қисмига керак эди. Бевосита айрибошлашнинг имкони бўлмай қоллоблашади. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини энг кичик тарқалган ва кўп истеъмол қилинадиган истеъмол йил фасилларига ишлар мавсумийлигига боғлиқ бўлмайдиган товарларга айрибошлашга интилар эди. Шундай қилиб аста секин умумий қиймати шакли вужудга келди. Бунда барча товарлар қиймати ягона умумий эквивалентда ифодаланар эди.

Албатта пулнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши жараёнида жамиятда товар ҳамда хизматлар истеъмолининг бевосита ўсишига олиб келмиди. Чунки фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмол қилинади, ишлаб чиқариш эса меҳнат, эр, капитал ҳамда инсонлар тадбиркорлик қобилияти ўзаро ҳамжамиятликнинг пировард натижасидир. “Пул ҳосил бирлигидир” деб юнон файлосуфи Арасту бежи айтмаган. Бироқ, унинг жамият ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишига шубҳа йўқ, зеро пул умумий чиқимлар қисқаришига ёрдам беради. Бунинг сабаби шундаки одамлар ишлаб чиқаришга

килган барча ҳаражатларини пулга чака бошлайдилар, ҳамкорлар излашга тушадилар, меҳнат ихтисослашуви ривожланиши ва тегишлича унинг самадорлигини усишини фаоллаштирилади. Дастлабки вақтларда пул ролини оддий металллар ўйнаган. Аммо меҳнат тақсимоти ривожлангани бойигани сийин қиммат баҳо металлларнинг (Олтин ва кумуш) умумий эквивалент вазифасини бажаришни тобора мустахкамланаверади.

Шундай қилиб гарчи тури вақтларда пул ролини турли нодир металллар ўйнаган бўлсада айрибошлашнинг узоқ муддатли ривожланиш жараёни натижасида олтин асосий восита бўлиб қолади. Олтин узининг бир катор табиий хоссаларига кура пул вазифасини бажаришга анча мос келади. Сабаби, 1-дан, олтиннинг қиймати бошқа металлларга қараганда юқори, уни казиб олиш ва соф холга келтириш кўп меҳнат талаб қилади. 2-дан, олтин зангламайди, тупрок тагида ҳам, сув остида ҳам уз сифатини йўқотмайди. 3-дан, олтин бўлинувчан бўлиб, уни хоҳлаган вақтда майдалаш ва қайта яхлитлаш мумкин. 4-дан, олтин олиб юришга қулай, 5-дан, бир хил оғирликка эга бўлган олтин бўлаклари бир хил баҳоланади, бир хил ўлчовга эга бўлган бошқа товарлар ҳар хил баҳоланади. Масалан мўйна, тери ва бошқалар.

Бу ерда шуни айтиш кераки олтин товар айрибошлашнинг асосий воситаси бўлиб қолганига қадар турли халқларда пул ролини турли товарлар ўйнаган. Қадимги Юнонстон, Рим, Араб ва Хинд қабилаларида чорва бажарган. Африканинг баъзи бир халқларида чорва XX асрнинг бошида ҳам пул вазифасини бажариб келган эди.

Лотинлар пулни “ресиния” деб атаганлар. Лотин тилида “ресия” – “чорва” деган маънони англатади. “Капитал” сўзи ҳам пул сингари “чорва” сўзи билан боғлиқ, “Капит” – бош (чорва боши) сўзидан олинган. Тинч океан ва Африка халқларида чиғоноқлар, Африкада фил суяги, қадимги Мисрда буғдой, Хитойда туз, Муғилистонда чой, Аляскада тери, Рим давлатида асал қабил товарлар пул вазифаларини бажарган. Аммо бу товарларни кутариб юриш ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсата бошлади. Натижада аста секин метал пул пайдо бўлди.

Қиймат шакллариининг ривожланиши.

1. Қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли.

1 та қўй = 20 кг ғалла.

Бу ерда қўй ўзининг қийматини ғалланинг истеъмол ифодалаган демак қўй актив роль ўйнаган ҳолда нисбий қиймат формасида, ғалла пассив роль ўйнаган ҳолда эквивалент формасида намоён бўлган.

Йирик ижтимоий маҳсулот тақсимоти натижасида ишлаб чиқариш кенгайиб, айрибошланадиган товарлар сони кўпайган. Бунинг натижасида қийматнинг тўлиқ ёки кенгайган формаси вужудга келди.

Қийматнинг бу формасида ғалла аввало эквивалент бўлган қўйга айрибошлаш қилинади, сўнгра истеъмолчига зарур бошқа товарга айрибошлаш қилинади. Бу иқтисодий тараққиётга тускинлик қилар эди. Сабаби ҳар бир ҳудудда ўз эквивалентлари бор эди, бир ҳудудда қўй бўлса бошқасида тери мўйна. Ишлаб чиқариш тараққиёти эквивалент ролини ўйновчи қулай товар топиш заруриятини келтириб чиқарди. Бу пул бўлиб чиқди. Дастлабки

вақтларда пул ролини оддий металллар ўйнаган ва охирида олтин ҳақиқий эквивалент бўлиб чиқди, натижада қийматнинг пул шакли орада вужудга келди.

Аввалига уй-рўзгор буюмлари: болта, пичоқ, ўроқ, жуводиз, мих, камон уқиниг учи, найза, метал идишлар пул вазифасини бажарган. Кейинчалик нодир металллар мис, қўрғошин, темир, кумуш кабилар пул вазифасини ўтаган. Аммо юқорида айтилганидек охирида олтин ғалаба қозонди.

Қадимги Русда пул сўзи йўқ эди. Хазиначини – молбоқар, хазинани – молхона деб аташар эди. Рубл сўзи рубит- бўлақларга ажратиш деган маънони билдиради, бу сўз XII-XIII асрларда пайдо бўлган. Муғуллар ўз пулларини металдан ясаб уни “Танга” яни жарангловчи деб атаганлар. (XIII аср). Аста – секин бу сўз денга сўзига айланиб рус тилида деньги – пул бўлиб ўзгариб кетган.

Пул ўтган маърузамизда қисқача таъриф бериб ҳамма товарларни айрибошлашга хизмат қилувчи умумий эквивалент деган эдик.

Эквивалент – бир нарсага ҳар жихатдан тенг бўлган, у билан алмашина оладиган нарса деган маънони беради. У бошқа товар қийматларини ўлчашда мезондир. Демак пул шундай товарки, у ҳамма бошқа товарларни айрибошлашнинг умумий эквиваленти, яъни товар қийматининг ифодаси бўлиб хизмат қилади. Пул товар ишлаб чиқариш ва айрибошлаш жаренини истеъмолчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ифода этади, натижада товар пул муносабатлари пайдо бўлади. Моҳият жихатидан пул ижтимоий меҳнат сарфи ва қийматнинг миқдорини белгилаб беради. Пулнинг кучи шундаки у ҳамма нарсани сотиб олиш қудратига эга.

АҚШ лик иқтисодчи олимлар Макконель Р.К ва Брю С.Л ўзларининг “Экономика ” китобларининг I том, 264 бетидан пулга таъриф бериб шундай дейдилар. Пул одамларни сеҳрлаб қўювчи жоду хисобланади. Пул деб одамлар азоб чекадилар ва уни деб меҳнат қиладилар. Ўзларини ўқдан – чўғга урадилар. Аслида олсангиз пул ҳеч нарса эмас, у куруқ қоғоз холос, у одамни тўйдирмайди, кийинтирмайди, бошпана бермайди, вақтичоғлик учун асос бўлаолмайди. У бу вазифаларни қачонки Сиздан кетган чоғдагина , яъни сарфланган пайтдагина бажаради холос. Пул – бу мафтункор жозибадор, такрорланиб турувчи, никобини ўзгартириб турувчи жумбоқдир.

Пул ҳеч нарса эмас дедик, у куруқ қоғоз холос дедик, аслида олтинни ҳам шундай деб айтиш мумкин. Мисол: Робинзон Крузо кема халоқатидан кейин кимсасиз оролга тушиб қолади. У қулига барча олтин тангаларни оладида унга қараб “Ҳеч кимга кераксизсан, мен учун нима керагинг бор” деб хитоб қилади. Нега сабаби у яккаланиб қолди, жамиятдан чиқиб кетди, ижтимоий ишлаб чиқаришдан четда қолди, у ҳамма нарсани узига–узи ярата бошлади, товар айрибошлаш йўқолди, натижада пул керак бўлмай қолди.

Демак, пул ишлаб чиқариш бор жойда, айрибошлаш мавжуд бўлган жойдагина керак бўлади. Пулни товаар айрибошлашнинг узи яратади. Чунки меҳнат маҳсули товар сифатида бозорга айрибошлаш учун чиқарилмаса пулнинг ҳам кераги бўлмас эди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади, товар ҳўжалигининг ривожланиши товар қийматининг ифодаси бўлиши пулни

келтириб чиқарди. Пулнинг келиб чиқиши натижасида товар муомаласининг формуласи ҳам ўзгарди, у аввалги Т-Т¹ дан Т-П- Т¹га ўзгаради.

Ана шу вақтида бошлаб пул “Товарларнинг товарига, бошқа товарларнинг ҳаммасини уз ичига пинхон қилиб олган товарга, истаган бир вақтида кунгил тусаган ва орзу қилган буюмга айланиш қобилиятига эга бўлган сеҳрли нарсаси” га айланади.

Демак, пулнинг пайдо бўлиши – тарихан юз бериши зарур бўлган жараён. Оддий товар ишлаб чиқариш билан айрибошлаш муносабатларининг, меҳнат тақсмотининг ривожланиши унинг асосидир. Пул умумий эквивалент, товарлар оламининг узига хос товар сифатида ажралиб чиққанидан кейин ҳам у товарга хос икки хусусият – истеъмол (фойдалилик) ва қиймат (баҳо) хусусиятларини саклаб қолди. У ҳолда пулнинг моҳиятини нима белгилаб беради? Пул шундай бир воситаки унинг ёрдамида, қадриликнинг мазмуни тушунилади.

Пулнинг моҳияти шундаки, у барча товарларга хос хусусиятга эга бўлиб, айна пайтда уч асосий жиҳат бўйича бошқа ҳамма товарларга қарама-қаршитуради.

Биринчидан, ҳар қандай товар, кишиларнинг биров бир эҳтиёжини қондиради. Пул эса қийматнинг бевосита ва умумий муассами хизматини бажарувчи махсус товар ҳисобланади ва шу боис у бошқа барча товарларга тўғридан-тўғри айрибошланиш хусусиятига эга. Демак, у инсонларнинг товарларга бўлган барча эҳтиёжларини қондириши мумкин.

Иккинчидан, оддий товар фақат аниқ меҳнат (этикдуз, новват, олим меҳнати) маҳсули ҳисобланади. Пул касб туридан қатъий назар, ижтимоий меҳнатни бевосита бирлаштирувчи восита сифатида хизмат қила-диган ягона товардир. Пул ҳам аниқ меҳнат (зарибхона ходимлари меҳнати) маҳсули, лекин пулнинг истеъмол қиймати кишиларнинг муайян жисмоний ёки маънавий эҳтиёжларини қондира олишда эса, балки товарлар айрибошлашда ишончли восита бўла олиш қобилиятидир.

Ва ниҳоят, учинчидан, оддий товар хусусий меҳнат маҳсули бўлади, пул эса бутун жамиятнинг барча товарларга тақсимланган меҳнатини узида муассамлаштириб, ушбу ҳолатда муайян меҳнатга тўғри келувчи товарда уз ифодасини топган, хусусий меҳнатнинг ҳар бир турини мувозанатга солувчи эквивалент вазифасини бажаради.

Ўзбекистон, тарих қани маълумотларига қара, товар - пул муносабатлари энг қадимдан пайдо бўлган ва ривожланган қадим-қадим давлатлардан бири ҳисобланади. Чунки бу ерда пул ишлатила бошланганига 2 минг йилдан ошган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар ва қабилалар фойдаланган дастлабки пул белгилари ҳамда тангалар, тарихчиларнинг тадқиқотларига қара, эраиздан аввалги V-IV асрда Ахмонийлар империяси зарб қилинган, олтин қариклар ва қумуш сиклар бўлган. Биров товар – пул муносабатлари Искандар Зулқарнайн қуришдан кейинги даврда, Салавий ва Юнон-Бактрия давлати қарпо этилганидан сўнг қанақамига риволанди. Қумуш тангаларнинг аттик деб аталувчи андозаси – 17,44 грамм оғирликдаги

тетрадрахма ва 4,36 грамм огирликдаги драхма пул тизимига асос қилиб олинган. Муомулада майда кумуш ва бронза тангалари ҳам бўлган, бу даврда олтин тангалар чиқарилмаган.

Эрамиздан аввалги III-II асрлар охирига бориб, Шимолий Бактрия, Суғд, Бухоро, Хоразмда кумуш ва субэратли (бронза утида юпка кумуш копланган). “Ухшатма” тангалар зарб қилина бошлади. Бу – мустакил танга зарб қилишга утиш шакли эди.

Эрамиздан аввалги I асрда давлатнинг ўуз кумуш ва мис тангалари зарб қилина бошлади. Танганинг олди томонидан маҳаллий ҳукумдор сурати, орқа томонида турли тасвирлар ва белгилар, Суғдча ва Хоразмча, кейинроқ эса Бактрийча ёзувлар бўлган. Суғд ва Хоразм давлатларида эрамизнинг I асрида кумуш ва мис қулланилган қаттиқ андозасининг Ўрта Осиёга хос тури сақланиб қолган.

Ўзбекистон билан Туркменистоннинг жанубий қисмида яшаган кучманчи халқ – тоҳарлар барпо этган улкан Кушон империясида пул тизими узгача эди. Кушон подшоси Кадфиз II ҳукумронлиги даврида буерда пул ислоҳоти утказилган. Янги пул тизими кумушга эмас, балки турли номиналлардаги олтинга асосланади. Бозор савдосида эса диаметри 23-25 мм ва огирлиги 16-17 грамм бўлган йирик мис тангаларидан фойда- ланилади.

Эрамизнинг III асри биринчи ярмида Кушон подшолиги парчаланиб кетишибилан икки дарё оралигидаги қатор Ўрта Осиё вилоятларида пул тизими тангалиги юз берди: танга сифати ёмонлашди, вазни енгиллашиб кетди. бунга қулдорлик тизимининг тангликка учраш, шунингдек кучманчи қабилаларнинг ботириб кириши сабаб бўлди. Шундай қабилалардан бири – эфталитлар V-VI асрларда ҳозирги Ўзбекистоннинг қатта ҳудудини қамраб олган давлат барпо этдилар. Бу ерда ягона пул тизими йўқ эди. Ҳар бир вилоят уз тангасини зарб қиларди.

Кейинроқ V-VIII асрларда Ўзбекистоннинг турли минтақаларида Шаркнинг қудратли давлатларида – эфталит, сомонийлар, турк хоконли- ги, Аббосийлар халифалиги таъсирида бўлган. Уларнинг ҳар бири пул муомаласига уз ўзгартиришларнинг киритди, янги тангалар зарб қилдилар. Бироқ айна пайтда бу жойларнинг уз танга типи шаклланди. Бу туртбурчак тешикли, қадимги турк руний хатлари битилган доира шаклида танга эди.

Юқорида айтиб утилганидек, ўрта асрлар бошларида Ўрта Осиё давлатларида олтин тангалар зарб қилинмаган. Бу даврда кумуш тангаларни номлаш учун юнонча “драхма” атамаси қулланиларди бронза тангалар эса Суғд тилидаги “Пани” ва узимизга таниш “Танга” (“денги”) сўзлари билан атала бошлаган.

Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келиши бу ердаги танга зарб қилиш ишларини тубдан ўзгартирди. Бу даврда Ўрта Осиё давлатларида пул муомаласи мусулмонча пул юритиш ишлари қоидалари ва меъёрларига тула - тўқис мослаштирилиди. Олтин динарлар (Римдаги “Динарий” сўзидан), кумуш, дирҳамлар (юнонча “драхма” сўзидан) ва мис фулуслар чиқарила бошланди.

Дастлабки мусулмон фулуслари Ўзбекистон худудида хижрий 133 йилда (760-761 йиллар) Самаркандда, 5 йилдан кейин Бухоро, Ахсикент (Фаргона), Термизда чиқарилди.

Маълумки, IX аср охирига келиб, Мовароунахрда амалда мустикал Сомонийлар давлати вужудга келди. Бухоро унинг маркази бўлиб қолди. Деярли бутун Ўрта Осиёни қамраб олган Сомоний давлати даври пул чиқариш иши айниқса юксак ривожланди. Кумуш тангалар, айниқса, таркибида кумуш жуда кўп бўлган синик деб аталувчи дхрамига шикасталар доналаб ёки вазни буйича муомилада бўлади. Мовароунахр билан кенг савдо алоқалари урнатган шар-кий Словян қабилалари бу тангаларни жуда юқори баҳолашади. Маскур савдо алоқалари кенгайиши натижасида кумуш оммовий тарзда Европага утиб кета бошлади. Архелогикларни Уралдан то Анеглия ва Норвегиягача бўлган ниятда катта ҳудуддан топаётган ҳазиналари шундан далолат беради.

XI аср бошларида Сомоний давлати ўрнида турк қабилалари сулоласи пайдо бўлди. Натижада пул муомаласида ҳам ўзгаришлар юз берди. Шундай қилиб, кумуш билан олтин пул муомаласида ҳам ўзгаришлар юз берди. Бирок, Европада XVIII-XIX асрларга келиб олтин ва кумуш тангалар билан бир қаторда қоғоз пуллар ҳам муомалада бўла бошлади. Қоғоз пулларни (анча шартли равишда) қадимги Хитой савдогарлари ихтиро қилган, деб ҳисоблашади. Дастлабки сақлаш учун товар қабул қилинган, солиқлар туланган ва кредит берилган тўғрисидаги тилхатлар қўшимча айрибошлаш воситалари вазифасини бажарган. Бундай тилхатларни яъни қоғоз пулларнинг “Қадимий аждодларини” заргар усталар беришган. Заргарларнинг турли ҳаридордаги, савдогарларга тегишли олтин захиралари тошиб кетиш ҳавфидан муҳофаза этилган ҳолда сақланадиган ертулалари ва махсус омборлари бўлган. Усталар олтин қўйма софлигига қанолат беришган. Заргар олтин қабул қилганда тартибда патта (квитанция) лар ҳажми берган. Анашу ҳужжат қоғоз пулларнинг дастлабки вакиллари ва аждодлари, шунингдек иринчи шакли бўлган...

Эрамиздан аввалги V-IV асрларда Ахмонийлар империяси даврида зарб қилинган олтин пул дарик деб аталган.

Эрамиздан аввалги I асрда (Суғд, Хоразм, Давя) кумуш ва мис пуллари чиқарилган ва улар аттик деб юритилган.

Эрамизнинг бошларида пул драхма, пани, танга деб юритилган. Араблар ҳукумронлиги даврида динар (олтин) ва дирҳам (кумуш), одулус (мис) деб юритилган. IX-XI асрда Сомонийлар даврида кумуш пуллар муомалага чиқди ва синик деб айтишган.

Натурал хўжалик умуминсоний иқтисоднинг тарихи биринчи шакл бўлиб, бунда меҳнат маҳсуллари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган эди. Натурал хўжалик шароитда маҳсулот айрибошланмайди ва ишлаб чиқарувчининг ўзи учун ҳаётий воситага айланади, шу сабабли ҳам айрибошлашнинг умумий эквиваленти бўлган пулга умумий эҳтиёж бўлмайди. Қадимги Юнон давлат арбоби Платон ўзининг “Сиёсат ва давлат” асосида натурал хўжаликни еклаб, жамиятдаги ҳар қандай душманликни келтириб чиқарадиган манба – пул деб ҳисобланган, унинг

фикрича натурал хўжалик жамият аъзолари ўртасидаги иқтисодий табакаланишга чек қўйяди. Аммо натурал хўжалик бир катор камчиликларга эга, улар

1-дан, барча иқтисодий жараёнлар тор доирада чекланган бўлади;

2-дан, натурал хўжалик консерватив ҳарактерга эга яъни эскиликка мойил бўлиб, янгилик ярата олмайди;

3-дан, иш кучи ва моддий ресурслар лиграцияси бу хўжаликка мутока ей бўлади;

4-дан, меҳнат унумдорлигининг усишигоят паст даражада бўлади;

Бўлардан ташқари, натурал хўжаликка хос белги шундаки унда иқтисодий автаркизим ҳукумрон бўлади, бу дегани узини таъминлаб, бошқалар билан камдан-кам алоқага киришишидир.

Пулнинг пайдо бўлиши тарихан юз бериши зарур бўлган жараёндир. Оддий товар ишлаб чиқариш билан айрибошлаш муносабатларининг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимооти ва унинг кенгайиши унга асос бўлди. Пул товарлар айрибошланишнинг умумий эквиваленти бўлиши билан барча товар оламининг узига хос товари сифатида хизмат қилиб келмокда. Пул иқтисодиётнинг муҳим қуролига айланди. Ҳозирги иқтисодий ҳаётни пулсиз тасаввур этиб бўлмай. Пул пайдо бўлиши билан жамиятда пулга доир иқтисодий муносабатлар келиб чиқади ва кенгайиб боради. Пул муомаласини уюштириш, пулларни айрибошлаш, уларни сақлаш, тақсимлаш, бўш тўрган пулни қарзга бериш, яъни уни сотиш, пул воситасида жамғармани ташкил этиш, давлат бюджетини шакллантириш малияни ташкил этиш каби иқтисодий алоқалар юзага келади. Айниқса бозор иқтисодиёти пул билан тирик, пул бўлмаган ёки ривожланмаган жойда бозор иқтисодиёти йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти товарлар ва товарлашган хизматларни ишлаб чиқаришдан бошлаб, то истеъмолчига етгунча қадар ҳаракатидан иборатки, бу ҳаракат пул воситасида амалга ошади. Ишлаб чиқариш ресурслари бозорда пулга харид қилинади, ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан товарлар яратилади ва улар пулга айрибошланиб истеъмолга утади, демак ишлаб чиқаришнинг такрорланишига хизмат қилади, иқтисодий усишга кумаклашади.

Юқорида пул махсус товар дедик. Маълумки, ҳар бир товарга хос икки хусусият бўлади, яъни истеъмол қиймат ва қиймат. Ҳар қандай товар, одатда, кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондиради. Пул ҳам товар экан унинг ҳам истеъмол қиймати ва қиймати мавжуд. Пулнинг истеъмол қиймати қийматбаҳо такинчоклар, тиш копламалари тайёрлаш, саноатда фойдаланишда намоен бўлса, унинг қиймати ҳар қандай товарга айрибошланиш қобилиятидир. Маълумки тоарни истеъмол қийматини аниқ меҳнат яратади. Мисол: стол ва стулда дурадгорнинг газламада тўқувчининг кийим-кечакда тикувчининг ва бошқалар. У сотиш учун бозорга чиқрилган тақдирдагина қийматига эга бўлади. Пулнинг истеъмол қийматини ҳам аниқ меҳнат яратади, танга пулларни ҳам, қоғоз пулларни ҳам зарб хона ходимлари аниқ меҳнатлари натижасида яратадилар. Пул ҳам қачонки бозорга умумий эквивалент сифатида чиқарилар экан айрибошлаш жараёнида унинг қиймати намоен бўлади. Демак, ҳар қандай товарнинг истеъмол қийматини аниқ меҳнат қратса, унинг қийматини ижтимоий

меҳнат, буюмлашган (абстракт) меҳнат яратади. Пулнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини у бажарадиган вазифалар белгилаб беради. Пул назариячилари айрим оқимлари пулнинг бешта вазифаси борлигини кўрсатиб берганлар:

1. Қиймат ўлчови.
2. Муомала воситаси.
3. Жамғариш воситаси.
4. Тўлов воситаси.
5. Жаҳон пули.

Қиймат ўлчов – пул умумий эквивалент бўлиши товар экан, узида ижтимоий меҳнатни мужассамлаштиради ва шу сабабли товарлар қийматини ўлчай олади. Товар қийматининг пулдаги ифодаси баҳо (нарх) деб айтилади. Товарнинг қанча туришини пул билан белгилаб, у 100 сўм, 100 доллар, 100 жн, 100 фунт стерлинг ва ҳоказолар деб айтамыз. Демак товарларга муайян баҳо қуйилади, аммо бозорда баҳо билан қиймат бир-бирига боимо ҳам тенг бўлавермайди, чунки товарлар баҳоси бозорда талаб ва таклиф таъсири остида ўзгариб туради. ҳар бир мамлактнинг уз ўлчами бор, у унинг миллий пул бирлиги ҳисобланади. Ўлчов бирлиги баҳо (нарх) масштаби деб айтилади. Бирлик қилиб АКШ да доллар, Германияда марка, Японияда иен, Англияда фунт стерлин, Туркияда лира, Саудия Арибистонда риёл, Италияда лира, Францияда франк, Козогистонда танга, Россияда рубль олинган. Гарчи ҳозир бирор давлатнинг пул бирлигида 1970 йил олтин ифодаси, бўлмасада маълум даврларда қоғоз пулда олтин оғирлиги асос қилиб олинади. Масалан: 1961 йилдан 90 йилларга қадар 1 рубльнинг асоси қилиб 0,987412 грамм олтин олинган эди. Англиянинг 1 фунт стерлинлигида 2,13281 грамм олтин ифодаланган АКШ доллари 1968 йилда 889671 грамм олтин ифодаланган бўлса, 1971 йилдан 0,307 граммни кейинчалик эса 0,741 граммни ташкил этган.

Ўлчаш осон бўлишлиги учун пул бирликлари хийла майда бўлакларга бўлинади. Масалан: 1 сўм=100 тийинга, 1 доллар=100 центга ва ҳақозолар. Моллий пул бирлиги кадрсизланиб кетганда товарлар баҳоси бошқа жаҳон бозорида кадрлирок бўлган куя бирлиги билан, масалан доллар билан ўлчанади.

2. Муомала воситаси. Пул ёрдамида товарни сотиб олиш, яъни пулга товар айрибошлаш мумкин, бунда Пул Тартиби жараёни юз беради. Иккинчи ҳолатда товарни пулга айрибошлаш мумкин, бунда Пул Тартиби жараёни юз беради. Ҳар икки ҳолатда ҳам пул муомала воситаси бўлиб хизмат қилади. Муомалада товар бошқа бирон-бир товарга айрибошлаш- ланиши мумкин, у батер усулида товар айрибошлаш деб юритилади ва пул иштирок этмади. Бертер бозор иқтисодиётига тўғри келмайди, у пул кадрсизланган шароитда пайдо бўлади. Пул ҳамма товарга айрибошлан- ганида, айрибошлашга кетадиган вақтни тежайди, муомала харажатларини камайтиради.

Муомала воситаси вазифасини рел пул бажаради. Муомала воситасисифатида қоғоз нуллар ва тангалар хизмат қилади. Бугунги кунда муомалада аник, ҳақиқий қийматга эга бўлган пуллар ва уларнинг муомаладаги қуйидаги белгилар мавжуд:

1. Танга пул.
2. Қоғоз пул.

3. Кредитшаклидаги пул.
4. Чек шаклидаги пул.
5. Электрон пул.

Агар бирор мамлакатда товарлар бозорида утатокчилик юз бериб, иқтисодий алоқалар бузилган тақдирда муомалага талонлар ва кўпонлар чиқарилади. Улар пул сифатида чиқарилмайди, аммо муомалада катнашади.

3. Жамғариш воситаси. Пул қоғоз ёки танга бўлгани учун бойлик эмас, оддий қоғоз ва оддий металдир. Пул узида ижтимоий меҳнатни мужассамлаштиргани, удан ҳам нарсани ҳарит этиш ёки жамлаб қуйиш мумкин бўлганлиги учун ҳам юйликдир. Пул бойликнинг бир кўриниши холос, чунки унда бошқа шаклдаги кўринишдаги бойликлар ҳам бор. Масалан, уй-жой, ер-сув урмонлар, кон, озиқ-овқат, кийим-кечак, машина укуна, акция, сертификатлар, обликациялар ва бошқалар. Лекин пулда ликвидитлик бор, яъни пулни тўлов учун ҳамма ерда унга боғланган номиналга (100 доллар)га қараб тўлов учун қабул қилинади. Бошқа кўринишдаги бойликларда ҳам ликвидитлик бор, аммо уларнинг кадр-қиймати ўзгариб туради. Аммо инфляция даврида пулни сақлаш ва умуман бошқа шароитда ҳам пулни сақлаш беманиликдир. Пул дойим оборотда бўлиши ва эгасига фойда келтириш керак. Жамғарма бориб ҳарит қобилятини сакловчи барча пул воситалари пулагригати деб аталади. Бунга тақд пуллар маълум муддатга ёки муддатсиз бойликка қуйилган пуллар сертификатлар ва бошқалар киради.

4. Тўлов воситаси вазифаси. Товар айрибошлашнинг тараққий этиши ва муълум товар турларининг таклиф талабига нисбатан ортиб кетиши натижасида айрим товарларни маълум муддатга қарзга сотиш ҳам вужудга келади. Қарздор маълум муддатдан сўнг товар эгасига уз қарзини қайтариб беради. Аншунда пул тўлов вазифасини бажаради. Солиқлар, фоизлар, иш ҳаққи туланганида ҳам пул тўлов вазифасини бажаради.

5. Жаҳон пул. Пул ҳалқаро иқтисодий муносабатлар ва айрибошлашнинг мавжудлиги сабабли жаҳон пул вазифасини бажаради. XX асрнинг яримигача олтин жаҳон пул вазифасини бошқарган эди, яъни мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб китоблар товар ва хизматлар учун тўловбир мамлакатдан иккинчисидан соф қуйилма шаклида олтин қучириш йўли билан амалга оширилган. Ҳозирги пул назарияларида пулнинг тўлов вазифаси муомала воситаси билан қушилиб юборилади, олтин қуйилмалар шаклидаги жаҳон пуллари, умуман олтин пуллар муомаладан чиқарилиб, жаҳон пул вазифаларини айрим кадрли валюталар бажара бошлаганлиги сабабли олтиннинг жаҳон пул вазифаси амалда йўқ деб қораланмоқда. Бугунги кунда пул вазифаларини АКШ нинг долларлари, Германиянинг маркаси, Япониянинг йони, Англияни фунт стерлингги бажармоқда. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики пул қандай шаклда бўлмасин у биз учун қуриб чиқан вазифаларни тулик бажаради.

Маълумки ҳар қандай иқтисодиёт яъни у бир марказдан туриб бошқаришнинг маъмурий буйруқвонлик услубига асосланган соф режали иқтисодиёт бўладими ёки моддий рағбатлантириш услубига асосланган соф

бозор иқтисодиёти бўламдими доимо янгилашиб, узлуксиз равишда фуқаровий ҳарактерда бўлади.

Иқтисодиёт-фирмалар (корхоналар) ва уй хўжаликлари фаолият-ларидан иборат бўлган икки таркибий қисмдан ташкил топади. Фирмалар (корхоналар) яъни завод, фабрикалар, бирлашмалар, акционерлар жамиятлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, жамоа хўжаликлари ва товарлар ва хизматлар яратадилар. Иқтисодиётни иккинчи томонида уй хўжаликлари туради. Улар жамиятнинг кичик ячейкаси ҳисобланган оилаларга бирлашган истеъмолчилардан ташкил топади. Яратилган товарлар ва хизматлар энг аввало ишлаб чиқаришнинг узида истеъмол қилинади, сабаб ишлаб чиқаришнинг узи катта истеъмолчи ҳисобланади, қолган оилаларда истеъмол этилган, уларнинг ҳаракати туғалланиб, жараёни яна янгидан бошланади. Истеъмол этиш учун товарлар ва хизматлар ҳар бир хўжаликнинг ва ҳар бир оиланинг пул даромадларига айрибош этилади. Истеъмол-яратилган турли – туман товарлар кишилар томонидан уз эҳтиёжларини қондиришу учун ишлатилишини билдиради. Ишлаб чиқариш билан истеъмолчилар ўртасидаги аълокалар узлуксиз давом этади. Унда тўхташ, ҳатто иккиланиш мумкин эмас, сабаб инсон ишлаб чиқаришсиз ҳам истеъмолчисиз ҳам яшй олмайди. Энди ишлаб ишлаб чиқаришнинг натижасига кура ишчи ва хизматчилар иш ҳаққи, ер эгаси рента, савдогар фойда олади деб фарас қилайлик. Улар олган пулнинг бир қисми уз истеъмолчиларини қондириш учун кетади, яни истеъмол товарлари ва хизматларини ҳарид этиш учун сарфланади. Мазкур пулга товар ва хизматлар сотиб олишгач у ишлаб чиқариш воситаларининг пул тушумларига (даромадларига) айланади. Ишлаб чиқаришни янгидан бошлаш зарурияти шу пулга русурс (товарлар) сотиб олишни тақозо этади. Демак ишлаб чиқаришнинг ҳаркати янгидан бошланади. Микроиқтисодиётнинг ва микроиқтисодиётнинг узлуксиз доиравий ҳаракати юзага келади. Бундай ҳулоса шуки ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг бошланиш нуктаси пул ҳаракатидан бошланади.

Агар янгидан яратилган қийматнинг ҳаммаси (120 доллар) истеъмолга сарфланса такрор ишлаб чиқариш, агар унинг маълум қисми ишлаб чиқаришга янгитдан қуйилган кенг тарқалган ишлаб чиқариш жараёни юз беради, демак, пулнинг ишлаб чиқаришга янгитдан тайин-ланиши иқтисодий усишга туртки бўлади. Маълумки ижтимоий ишлаб чиқаришнинг якуний натижасида ЯММ яратилади. Кишиларни ЯММ дан уз хиссасини пул шаклида оладилар, сўнгра бу пулни бозорда товарга айрибошлаб чирикчилик қиладилар. Иқтисодий усиш юз бериши учун барча даромадлар, товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланиши керак акс ҳолда товарларнинг бир қисми ортиб қолади. Амалиётда ҳам шундай бўлиб туради, даромадларнинг бир қисми жамғарилади, шу сабабли жамғарилган молия бозори орқали капиталга айлантирилади, демак жамғармалар инвентизацияга айлантирилади, бунда банклар ва тадбиркорлар асосий роль ўйнайдилар. Айниқса бозор иқтисодиёти даврида ЯММ нинг ҳаракати пул оқими воситаси ҳаркати воситасида юз беради. Шу сабабли пул массаси билан товарлар ва хизматлар массаси ўртасида мувозанат бўлиши керак. Пул массаси ҳар доим товарлар массаси билан таъминланиши керак. Агар пул массаси ортиб кетса ёки товарлар массаси ортиб кетса

номутоносиблик аужудга келади ва иқтисодиёт издан чиқади. Маълумки ЯММ маълум бир давр ичида одатда бир йил ичида жамиятда пиравард натижасида яратилган шахслар ва хизматлар йиғиндисидир. Ана шу йиғинди, пиравард натижа бўлган ЯММ дан истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати чиқариб ташланса жамиятнинг МД қолади. МД жамият микесидаги барча даромадлар йиғиндисидир. МД моддий соҳада, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо соҳаларида яратилди. Солик, кредит, банк, соғлиқни сақлаш, маданий ва маърифий маиший хизматлар кўрсатиш каби соҳаларда миллий даромад яратилмайди, аммо унинг яратилишига ижобий таъсир кўрсатилади. Миллий даромад тақсимланади ва қайтарилади. Қайта тақсимлаш деб атаймиз. Унинг тақсимланиши ҳар соҳанинг МД нинг яратилишига қушимча хиссасига қараб амалга оширилади. Қайта тақсимланиши жаренида корхонанинг фойдасининг бир қисми ишчи ва хизматчилар ойлик иш ҳақларидан даромад солиғи сифатида бир қисми давлат ихтиёрига утади. Бу жареннинг барчасида пул актив роль ўйнайди. Демак, пул ердамида МД шаклланади, тақсимланади ва қайта таъминланади. Маълумки давлатнинг иқтисодий сиёсатиҳалқ манфаатлари йўлида амалга ошириладиган иқтисодий тадбир тизимидир. Давлат иқтисодий сиёсатини иқтисодиётга фаол аралашуви орқали амалга оширилади. Аралашувининг зарурати шундаки, иқтисодиётда шундай соҳалар борки, уларнинг умуммиллий, хавтто ҳалқаро аҳамият катта бўлсада бу саҳа пул сарфлаш ҳар қандай тадбирлар учун қулай бўлмайди, сабаб ундан тез орада катта фойда олиб бўлмайди, Сарфлар узини тезда оклаймайди, бу соҳаларга гоят катта маблағ талаб қилинади ва шу билан бирга бу иш ута хатарли хисобланади. Бу соҳалар почта, аълока , электр – энергетика, газ саноати, нефть саноати, кумир саноати, темир йўллар таранспорти, йўл қурилиш патроллари, аэропортлари ва бошқалар. Ана шу шароитда катта пул сарфи хатарини давлат уз зиммасига олади, чунки у юқоридаги сарфларни тарккиетсиз, актив фаолиятсиз умумиқтисодий усишини таъминлаб бўлмайди. Иқтисодиёт соҳасида давлат истеъмолчи сифатида ҳам бозорга чиқади. Давлат буюртма бериб, керакли товарларни катъий ёки келишилган баҳолардан остиб олади ва бу билан бозор ҳажмига тоаъсир этади. Давлат буюртмасини бажариш ишлаб чиқариш воситалари учун қулай ишга айланади, чунки товарларнинг сотилиши кафолатланганлиги туфайли фойда олиш ҳам кафолатланади, натижада тадбиркорлик хатари кам бўлади. Бу бозорни кенгайтиради, чунки қушимча пул харид воситаси сифатида бозорга ташланади. Давлат иқтисодиётини тартиблашда бюджет маблағларидан фойдаланилади. Бу субсидия бериш орқали амалга оширилади. Субсидия давлат бюджетидан тадбиркорларга аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун бериладиган маблағдир. Иқтисодий усиш учун зарур аммо фирмалар учун қулай бўлмаган тадбирларни утказиш, масалан янги техналогияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш экологик мувозанат таъминлаш узок даврда узини окловчи ишларга пул сарфлаш фундаментал тадқиқот ишларни утказиш учун давлат томонидан субсидиялар ажратилади. Субсидия двалатнинг молиявий ердами бўлиб, бюджетга қайтарилмайди. Давлатни иқтисодий сиёсати монетар сиёсат орқали ҳам тартибгна солинади. Маълумки давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифини

ўзгартириш борасидаги сиёсати монетар сиёсат деб аталади. Муомалага чиқарилаётган пул сўммаси талаб ва таклиф натижасида давлат томонидан тартибга солиниб турилади. Республикамизда иқтисодий сиёсатни амалга ошириш борасидаги пулнинг роли тўғрисидаги нимани айтиш мумкин деган савол туғилади. Бозор иқтисодиётига ўтган ҳар бир мамлакат хос хусусиятлар бор деб мумкин. Ўзбекистондаги даврида бу борада зиддиятли фактлар бор деб айтиш мумкин. Бир томондан пул таклиф қилинишининг пулга талабадан умумий ортиқчалиги мавжуд бу эса инфляция суратлар пул массасининг уша суратларидан илдамлашганидан далолат беради. Иккинчи томондан мамлакат иқтисодиётининг айрим томонларидан пулга талабнинг таркибий ортиқчалиги ёки пул таклиф қилишда тақчиллик мавжудки реал даромадларнинг намоёниши муддати ўтказиб юборилган қарзларнинг ўсиши шундан далолат беради. Иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун давлатнинг қилиши керак ?

Давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш чоғида пулнинг таркибий тақчиллигини бартараф қилишга интиломи керак. Бу дегани пулга талаб ва таклиф мувозанати ўрнатилиш керакки муомалага кам ҳам керагидан ортиқча ҳам пул массаси чиқарилишига йўл қўймаслиги керак. Бунга 1 дан қўшимча пул эмиссии усуллари билан эмас балки моддий соҳаларни айланиш соат ва қўшимча қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сиёсатини аниқ дастурини ишлаб чиқиш керак. 2 дан юқори ўнумли меҳнатни рағбатлантиришни қўлайлаштириш керак (солиқни қўйиштириш, зарур ҳолларда субсидияларни ажратиш, турли имтиёзлар бериш, чет – элга чиқишни таъминлаш ва бошқалар). 3 дан ишлаб танилган даромадларни тасарруф этишда реал эркинлик бериш; 4 дан норентабел корхоналарни саниациялаш ва тугатиш тадбирларини қўлайлаштириш йўли билан эришмоқ керак. 5 дан ишлаб чиқариш соҳаси ва сармоя муомаласи соҳасининг рағбатлашиб ишлашини ташкил этиш керак, сармоя эгаси гегемон бўлиб қолмаслиги керак. 6 дан хилма-хил солиқ имтиёзларини тугатиш сиёсати юргизмаслиги керак. Ана шу тадбирлар амалга ошса иқтисодиётнинг пулга бўлган талаби барқарорлашади, миллат ва ўннинг айрим қўроқлари реал даромади ошади, ўмуман жамиятда аҳоли тўқ фаровон яшаш имкониятига эга бўлади. Ҳамда давлатнинг жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўброси ортиб боради.

Назорат ўчун саволлар.

1. Пулга таъриф бериш.
2. Қийматнинг оддий ёки тасодифий шакли деганда нимани тушунасиш?
3. Қийматнинг ўмумий ёки қенгайтирилган шаклини изоҳланг.
4. Пулнинг вазифаларини айтиш.
5. Пулнинг иқтисодиётда тугган ўрни нималардан ўз ифодасини топади?
6. Эквивалент нима?
7. Дастлабки тангалар Ўрта Осиёда қачон ва қаянда зарб этилган?
8. Муомалада пулнинг қандай турлари мавжуд?

9. Пулнинг муомала восита вазифасини изоҳланг?
10. Пулнинг қиймат ўлчови вазифаси деганда нимани тушунаси?

3-маъруза: Пулнинг айланиши ва унинг таркиби.

РЕЖА:

1. Товар айланиши пул айланишининг асоси.
2. Пул массаси айланиш тезлиги.
3. Пул муомаласи қонуни.

Таянч иборалар. Товар хўжалиги, пул муомаласи, пул айланиши, пул массаси, нарх, нақд пул, нақд пулсиз, ижтимоий маҳсулот, даромад, банк, квари пул, пул агрегати.

Ўтган маърузалардан маълум бўлдики пул товар хўжалиги маҳсули экан товар хўжалигининг ривожланиши билан пул муомаласида ҳам катта ўзгаришлар ҳам содир бўлади. Пул муомаласини ўстириш, пулларни айрибошлаш, бўш турган пулларни кредит орқали ҳаракатга келтириш, пулнинг айланишини тезлаштириш, пулнинг айланиш устидан назорат қилиш каби иқтисодий алоқалар юзага келади. Демак, пул доимо ҳаракатда бўлади, у кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Жамиятдаги пулнинг айланиши моддий айланишни яъни яратилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳаракатини билдиради. Пулнинг айланиши билан моддий айланиш ўртасидаги нисбатни қуйидагича кўринишда ифодалаш мумкин.

$$ПМ*ПО=Н*МХ$$

Бу ерда:

1. *ПМ* пул массаси.
2. *ПО* пул айланиш тезлиги.
3. *Н* нарх даражаси.
4. *МХ* = яратилган маҳсулот ва бажарилган хизматлар миқдори.

Товарларни сотиш ва сотиб олиш, хизмат ҳақларини тўлаш, турли мажбуриятларни бажариш жараёнида вужудга келадиган ўзаро пул ва нақд пулсиз ҳисоб китоблар йиғиндиси пул ҳаракатини ташкил қилади. Буни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$ПО=НПКХК+НПХК$$

Бу ерда:

1. *ПО* пул айланиш.
2. *НПКХК* нақд пул қуланилаган ҳисоб китоблар.
3. *НПХК* нақд пулсиз ҳисоб китоблар.

Шуни ҳам айтиш керакки айрим ҳолларда товар муомаласида ташқари ҳам пул муносабатлари ва ҳисоб китоблар содир бўлади. Улар қуйидаги ҳолларда содир бўлади:

- ижтимоий маҳсулотни яратиш тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларида;

- корхона ва ташкилотлар пул даромадларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларида;
- банк муассасалари, аҳоли ва хўжаликлар ўртасидаги кредит муносабатларда;
- қишлоқ хўжалик тармоқларини молиялаштириш ва давлат суғўрта муассасалари фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларда;
- аҳолининг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро тўловларида;

Пул билан боғлиқ муносабатларининг ичида энг асосий товар моддий бойликларни айрибошлаш ҳисобланади, сабаби у бошқа пул муносабатларини вужудга келишига замин яратади. Масалан: иш ҳақини тўлаш, банк кредитларини қайтариш, давлатига бюджетига ажратмалар ажратиш каби унлаб пул муносабатлари товар айрибошлашдан сўнг амалга ошади.

Пул айланиш узининг ҳаракат доирасида бир неча кўринишларда бўлади. Пул айланиш пулсиз муносабатларнинг турига қараб иккига бўлинади:

1. Товар моддий бойликларининг айрибошлаш жараёнидаги пул айланиш;
2. Товар ҳаракатига эга бўлмаган пулли ҳисоб китобларини амалга ошириш жараёнида содир бўладиган пул айланиш;

Тўлов усулларига қараб ҳам пул ҳаракати 2 га бўлинади.

1. Нақд пулли пул айланиш;
2. Нақд пулсиз пул айланиш;

Иштирокчиларнинг жойлашувига қараб пул айланиш:

1. Шаҳар (туман) ичидаги пул айланиш;
2. Шаҳарлараро пул айланишларга бўлинади.

Пул айланишнинг турлари доимий равишда ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлади. Пул айланиш актив ва пассив бўлиш мумкин. Тўлов жараёнларида бевосита иштирок этган ҳаракатдаги пул массаси актив пул айланиш деб юритилади. Маълум пул массаси жуда қисқа вақт давомида, вақтинча муомалада иштирок этади. Корхона ва муассасаларнинг аҳолининг жамғармаларининг ҳаркти буйича бунга мисол бўлади ва улар пассив пул айланиш деб аталади.

Пул агрегати деб жамғарилаётган ва ҳарид қобилиятини ҳамма вақт сакловчи барча пул воситаларига айтилади. Бунга нақд пуллар, маълум муддатга ёки муддатсиз банкка қуйилган пуллар вексел сифатли акция қоғозлари ва бўлар киради. Пул агрегатларининг сони мамлакатда иқтисодийнинг ахволига қараб турли бўлади. Мамлакатимизда якин вақтларгача пул агрегатлари ҳисоб билан эмас ва молия-кредит муассасаларининг амалий фаолиятида улардан фойдаланилмас эди. Аҳолилар ҳам пул агрегатлари билан таниш эмас эди. Сабаби пул назариясига кура нақд ва квазипулларни бирлаштириб бўлмайди деган тушунча бор эди, ваҳоланки: пул бозори инвестиция бозори ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини бир – биридан ажратиш бўлмайди, улар бир-бирлари ҳам-час боғлиқ сабабли пул агрегати деган тушунча анализга кенгрок сингиб бормокда. Бозор иқтисодийнинг энг муҳим унумдорларидан (элемент) бири пул агрегатларини бошқаришидир. Ривожланган мамлакатларда пул

агрегатларини бошқариш асосан Марказий банклар зиммасига юклатилган, шу жумладан бизнинг мамлакатда ҳам пул агрегатларини бошқаришда Марказий банк томонидан қуйидаги пул кредит сиёсатидан фойдаланилади:

1.Дискант (фоиз) сиёсати. Дискант деганда векселларни хисобга олиш нарх чегирмалари, чегирма фоизлари тушунилади. Дискант сиёсатини амалга ошириш натижасида марказий банк хисоб-китоб фоизларини пулга бўлган талаб ва таклифига қараб ошириш ва тушириш сиёсатини олиб боради.

2.Очиқ бозордаги операциялар сиёсати. Марказий банк тижорат банкларида қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш ёки уларга давлатнинг қимматбаҳо қоғозларни сотиш орқали пул талаби ва таклифига ҳамда пул массасига таъсир этади. Республикамизда пул массасининг қуйидаги таркиби қабул қилинган.

МО-муамаладаги нақд пул миқдори .

$M1 = MO + \text{тегишли хисоб} - \text{китоб варакаларидаги пул колдиклари} + \text{махаллий бюджетлар маблағлари} + \text{бюджет, жамоа ва бошқа ташкилотларининг маблағлари.}$

$M2 = M1 + \text{жамғарма банклар(ҳалқ банклари) муддатли омонатлар.}$

$M3 = M2 + \text{чиқарилаётган сертификатлардан аниқ мақсадли заём аблигациялари} + \text{давлат заём аблигациялари} + \text{хазина мажбуриятлари.}$ Пул массаси таркибий қисмларига квази пуллар (лотинча ухшаш) ни ҳам киритиш мумкин. Квази – пуллар тўғри маънода пул бўлмасда, ликвид ативлар яъни қийматини йўқотма осонгина пулга айлантирса бўладиган активлар хисобланади. Қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар санъат асарлари пул билан бир хил даражада туради. Бинолар, ускуналар машиналар ва бошқалар ликвидитлиги камроқ одатда бойликларнинг бу тоифаси «музлатилган» деб аталувчи активларга киради.

Пулнинг миқдори иқтисодиётнинг муомала маблағлари ва тўлов маблағларига бўлган ҳақиқий эҳтиёжларига мувофиқ бўлган тақдирда пул умумий эквивалент ролини нормал бажара олади. Бозор иқтисодиети шароитида муомала учун зарур бўлган пул миқдори қандай аниқланади. Муомала учун зарур бўлган пулнинг миқдори муомалада бўлган товарлар умумий баҳосининг пул айланиши тезлигига бўлинган сўммаси билан белгиланади. Пул муомаласини тартибга тартибга солиб туриш давлатнинг асосий иқтисодий вазифалардан бир хисобланади. Маълумки муомалада бўлган товарлар массасининг сўммаси қанчалик катта бўлса муомала учун шунчалик кўп пул массаси керак бўлади. Айтиш керакки пул қанчалик тез айланса, муомала учун шунчалик кам миқдорда пул талаб қилинади ва аксинча муамала учун зарур бўлган кўп миқдордаги. Уч омилга боғлиқ: Бўлар

1. Товар миқдори (ТМ)
2. Товар баҳоси (ТБ)
3. Пул айланишининг тезлиги (ПАТ)

Бу боғлиқни формулага солсак, унинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$ПМ = \frac{ТМ * ТБ}{ПАТ};$$

Ривожланган мамлакатларда муамала учун зарур бўлган пул миқдорининг (ПМ) тулик формуласи қўйдагича бўлади:

$$\text{ПМ} = \frac{\text{ТМ} * \text{ТБ} - \text{Кр} + \text{Тл}}{\text{ПАТекиПО}};$$

Бу ерда Кр – кредитга сотилган товарлар бахосининг сўммаси; Тл – муддати келган тўловлар сўммаси. Биз юқорида пул қанчалик тез айланса муомала учун шунчалик кам миқдорда пул талаб қилинади ва аксинча ддеб айтган эдик. Бу пул муаммоси қонуни деб айтилади. Муомала учун яна бир формула борки, у муайян даврда муомалага зарур бўлган пул миқдорини тўлароқ аниқлашга ердм беради.

$$\text{ЗПМ} = \frac{\text{НП} - \text{Кр} + \text{МПТ} - \text{ЗП} - \text{ЮТ} + \text{ПР}}{\text{ПО}}$$

Бу ерда:

1. ЗПМ – муайян даврда муомалага зарур бўлган пул миқдори;
2. НП – нақд пулга сотиладиган товарлар бахосининг умумий сўммаси;
3. Кр - кредитга сотиладиган товарлар бахосининг сўммаси;
4. МПТ – нақд пул билан туланадиган, муддати келган мажбурий пул тўловлари сўммаси;
5. ЗТ - заемлар учун тўловлари сўммаси;
6. ЮТ – турли ютўқлар учун тўловлари сўммаси;
7. ПР – хўжаликлар ва аҳоли қулидаги нақд пул захиралари сўммаси;
8. ПО – муайян даврдаги пул бирлигининг айланиш сони;

Керагидан ортикча пул чиқариш бахоларининг кутарилишига олиб келаи, кам ул чиқариш тарланинг стилмай қилишига сабаб бўлади.

Демак, товарлар умумий бахосининг сўммаси билан муомаладаги пулнинг миқдори ўртасида мувофиклик бўлишига эришиши – мамлакат иқтисодиётни баркароор ривожлантиришнинг мухим шартларидан биридир.

Банклардан иш ҳақи ва бошқа турли хил мақсадларга берилган нақд пуллар муомалада бўлиб яна савдо тушуми бошқа йуналишлар орқали маълум даври ичида банкка қайтиб келади. Уни пул муомалада бўлиш даври деб аталади. Пулнинг айланиши тезлиги эса унинг неча марта олди-сотдидаги воситачилик килганлиги билдиради. Маълум давр (чорак, ярим йил, йил) кунларининг пул муомалада иштирок этган кунларига бўлган нисбати шу даврдаги пулнинг айланиш тезлигини ифодалайди. Масалан пулнинг айланиш даври 15 кунни ташкил этса, у чоракдаги айланиши тезлиги ($90*15=6$) 6 мартани ташкил этади. Шу давр мобайнида муомалага 60 млн. сўмлик товар маҳсулотлари чиқарилган бўлса ($60*6=10$) 10 млн. сўмлик муомалага товар маҳсулотларидан ярими нақд пулсиз ҳисоб-котиблар орқали сотилса унда муомалага ҳаммаси бўлиб 5 млн. сўмлик нақд пул чиқарилади. Демак бундан шундай хулоса келиб чиқадики пул қанчалик тез айланиб турса пулга талаб шунчалик камаяди.

Назорат учун саволлар.

1. Пул айланиши деганда нимани тушунализ?
2. Пул айланиши узининг ҳаракат доирасида неча кўринишда бўлади?
3. Пул агрегати нима?
4. Пул агрегати қандай бошқарилади?
5. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори қандай аникланади?
6. Товар муомаласидан ташқари пул муносабатлари ва ҳисоб китоблар қайси ҳолларда содир бўлади?
7. Пул айланиш узининг ҳаракат доирасида неча кўринишда бўлади?
8. Пул айланиши тўлов усулига қараб қандай турларга бўлинади?
9. Пул айланиш иштирокчиларнинг жойлашувига қура қандай пулларга ажратилади?
10. Муомалага керагидан ортиқча пул чиқариш қандай салбий оқибатларга олиб келади?

4 -маъруза: Нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб китоблар.

Режа:

1. Нақд пулсиз оборотни таркиби.
2. Нақд пулсиз ҳисоб китобларни шакллари.
3. Нақд пулли оборотни хусусиятлари.

Таянч ибора. Нақд пулсиз оборот, ссуда, бюджет, инвестиция, чек, акцепт, тўловталабномаси аккредитив, тўлов топшириқномаси, инкасса, лимит.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда корхона ва ташкалотлар томонидан товар айрибошлаш хизматлар кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бири-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини ҳисоб-китоб рақамига утказиш орқали амалга оширилиши тушунилади. Соддарок атганда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бу нақд пул иштирокисиз сотувчи ва сотиб олувчининг ҳисоб-китоб рақамларида езув орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китобидир. Уни жорий этишдан асосий мақсад нақд пул тақсимлигига барҳам беришдир. Иқтисодиёт ривожланиб борган сари пул айланишда ва муомалада пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳиссаси доимо ортиб боради. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг жорий этиш заруриятини келтириб чиқариувчи бир қатор сабаблар бор, бўлар.

1. Жами мил. Шахс ва миллий даромат ҳажимининг ортиб бориши;
2. Саонат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг усиши;
3. Товар обарот ҳажмининг усиши;
4. Баени кредитининг айрибошлаш жараёнидаги ролини усиши;

5. Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ва ҳисоб китобларда электрон ҳисоблаш техникаси ва компьютерлардан фойдаланишнинг усиб борганлиги ва ҳақозолар.

Ҳозирги кунда пул айланишининг асосий қисмида одамзоддан ортиги нақд пул иштироксиз ҳисоблардан ҳисобларга ўтказиш орқали амалга оширилади.

Нақд пулсиз пул ҳаракати ҳажмининг доимий усиб бориши ҳалқ хўжалигид а жуда катта аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти шундаки:

1. Ҳалқ хўжалигида нақд пулга бўлган эҳтиёж кескин камаяди.
2. Ўзаро ҳисоб китобларни амалга ошириш учун сарф- ланадиган муамала ҳаракатларида тежалади.
3. Пул маблағларининг ҳавфсизлиги таъминланади.
4. Хўжаликлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди, товар ва пул маблағларини ҳаракатларини тезлаштиради.
5. Солиқ тизими фаолиятини яхшилашга ердан беради.

Фирма (корхона), ташкилот ва муассасалар ўртасида амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб китоблар уларнинг мақсади, объекти (макони) тўлов усулига қараб бир неча турларга бўлинади.

1. Ҳисоб китоб объекти ёки тўловнинг қандай мақсадга қаратилганлигига қараб:
 - А) товар ва хизматлар учун ҳисоб китоблар.
 - Б) товарсиз операцилар.
2. Ҳисоб китобларни ўтказиш жойига қараб:
 - А) бир ҳудудда амалга ошириладиган ҳисоб китоблар.
 - Б) ҳудудлараро ҳисоб китоблар.
 - В) мамлакатлараро ҳисоб китоблар.
3. Тўловни амалга ошириш усулларига қараб:
 - А) қафолатланган ёки қафолатланмаган ҳисоб китоблар.
 - Б) ўзаро қарзлардан кечикиши орқали бўладиган ҳисоб китоблар.
 - В) тўлов кечиктириладиган ҳисоб китоблар.
4. Маҳсулотни сотиш усулига қараб:
 - А) сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги тўғридан-тўғри ҳисоб китоблар.
 - Б) транзит операцилари орқали амалга ошириладиган ҳисоб китоблар.

Маълумки нақд пулсиз ҳисоб китобларни ташкил этиш ва амалга ошириш ишларини банк олиб боради. У ларнинг вазифалари бу борада ҳар хилдир. Махсус банклар ҳалқ хўжалиги тармоқлари корхоналарга ҳисоб китоб хизматини кўрсатади. Марказий банк бу ҳисоб китобларни юритиш бўйича тартиб қоидаларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши устидан назорат юргизади.

Корхона ва ташкилотларнинг аризаларига биноан махсус банклар уларга нақд пулсиз ҳисоб китоблар операциларини амалга ошириш учун:

1. Ҳисоб китоб раками.
 2. Жорий раками.
 3. Ссуд раками.
 4. Бюжет раками ва бошқа ракам очади .
- Бу ракамлардан қайси бирининг очилиши:

1. Хўжалик ва ташкилотларнинг фаолияти турига.
2. Молиялаштириш манбайига.
3. Фойдаланиш мақсадига инвестиция сарфланган ва бошқаларга қараб белгиланади.

Хисоб – китоб ракамлари ҳуқуқкий жихатдан мустакил балансга ва уз айланма маблағларига эга бўлган хўжалик ҳисоби асосида иш юритадиган корхона ва ташкилотларга очилади. Ҳуқуқий жихатидан мустакил бўлмаган ташкилотлар ва муассасаларга жорий ракамлар очилади.

Бюджет кассасини ижро этиш операция ларини бажариш, тўловларнинг тушуми ва ҳаражатларини акс этириш учун бюджет ракамлари очилади. Корхона ва ташкилотлар банк муассасаларида уз ракамларини очиш учун қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. Ракам очиш тўғрисидаги аризаю.
2. Корхона ёки ташкилот ташкил қилинганлиги тўғрисида юқори ташкилотларнинг қароридан кучирма.
3. Корхона ёки ташкилот низомининг нусхаси.
4. Имзолар намунаси ва рамзли муҳри туширилган иккита махсус каточка.

Бу ҳужжатлар банкга топширилгандан сўнг уни тўғрилигини банк бошқарувчиси куриб чиқади ва бош бухгалтерга ракам очиш мумкинлиги тўғрисида кўрсатма беради. Амалиётда нақд пулсиз ҳисоб -китобларнинг қуйидаги шакллари қулланилади:

1. Акцент шакли.
2. Тўлов топширикномалари билан ҳисоб-китоблар.
3. Акредит шакли .
4. Чеклар билан ҳисоб-китоблар.
5. Ўзаро тўлов ва мажбуриятларни кечишасосидаги ҳисоб-китоблар.
6. Режали тўловлар ва бошқалар.

1. Акцепт – бу тўлашга розилик деган бўлибтўловчи корхона томонидан тўлов талабномаси тўлаш учун қабул қилинганлигини билдиради.

Маълум қилиш шартига қараб акцент ижобий ёки салбий бўлади. Ижобий акцептда тўловчининг розилиги ёзма равишда билдирилади. Салбий акцептда тўловчининг тўловларини амалга оширишга розилиги сукут сақлаш орқали билдирилади, яъни акцент муддати ичида тўловчи корхона акцептдан бош тортмаса, езам равишда розилик билдирмаса банк томонидан тўловлар амалга оширилади. Амалиётда акцепт шакли нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг 45 – 50 % ни ташкил этади. Бундай ҳисоб-китобларга кўпроқ камунал ва маиший хизматлар, телефон, газ, сув, эдлектр, иссиқлик энергияси учун тўловлар киради.

2. Тўлов топширикномалари билан ҳисоб-китоблар шакли асосан маҳаллий ҳудудларда товарларни жунатишда қулланилади.

Пулни тўловчи банк муассасасига белгиланган муддатдаги сўммани уз шчетига товар сотувчи ёки бу корхонанинг банкдаги шчетига утказиш тўғрисидаги топширикномани тақдим этади. Сотиб олувчи товарни олганадан сўнг кейинги иш кунига кечиктирмасдан тўлов топширигини банк

муассасасига топшириши керак. Ҳар бир кечиккан куни учун 0.04 % товар сўммасига нисбатан миқдорида жарима туланади.

3. Чек – бу товар олиш учун кассага пул ўрнига бериладиган ҳужжатдир. Пулсиз ҳисоб-китобларнинг будай шаклида банк корхона ва ташкилотларга чек дафтарчасини езиб беради. Демак чек корхона ва ташкилотларнинг банкида пул борлигидан далолат берувчи ишонч қоғози.

Пул ҳаракати банкдан бошланади. Нақд пул банкдан чиққач, корхона фирма, ташкилот ва муассасаларнинг кассасига ва ундан аҳоли қулига утади. Олди сотди жараёни ва тўлов мажбуриятлари бажарилганч яна банкка қайтади, албатта ҳаммаси эмас. Нақд пул қулланиладиган пул айланиш қуйидаги субъектлар ўртасида бўладиган пул ҳисобларида намоён бўлади:

1. Давлат ва корхона, ташкилотлар, муассасалар ўртасида (иш ҳақи, мукофотлар бериш, товарлар сотиб олиш, хизматлар кўрсатиш учун тўловлар).
2. Давлат ва аҳоли ўртасида (пенсия, стипендия, нафақа, ютўқли пуллар тўлаш, бюджетга турли тўловлар, солиқлар ва бошқалар).
3. Кредит тизими билан аҳоли ўртасида (Қарз олиш ва қайтариш, жамғарма қуйиш ва уни олиш ва бошқалар).

Пул доимо айланишда ҳаракатда экан муомалада нақд пул массаси (миқдори) вужудга келади. Муомаладаги нақд пул массаси деганда маълум бир вақтда муомалада мавжуд бўлган нақд пулларнинг йиғиндиси тушунилади. У қуйидагилардан ташкил топади:

1. Иш юритувчи барча субъектлар ҳамда жамоа ташкилотларининг касса колдиклари.
2. Барча банкларнинг кассаларидаги нақд пул колдиклари.
3. Аҳоли қулидаги нақд пуллар.

Маълумки муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг колдиклари лимид билан чегараланади. Лимиддан ортиқча пул колдиклари банкларга топширилади. Банклар эса бу ортиқча нақд пул маблағларини резерв фондида утказишади. Муомаладаги нақд пул массасининг аҳоли қулида қолган қисмини ҳисоблаш ва тартибга солиш нихоятда қийин жараёндир, сабаби аҳоли уни хоҳлаган вақтда ишлатиши мумкин. Бундан ташқари муомалада нақд пул массасига таъсир этувчи омиллар мавжуд. Аҳоли қулидаги нақд пул массасига аҳолининг истеъмол товарларига бўлган товарининг қондириш даражаси, вақтинча бўш турган жамғармаларнинг банк айланмасига жалб этиш даражаси таъсир кўрсатади. Арағ муайян ҳудудда аҳоли истеъмолини қондириш учун товар ва хизматлар етишмасе пул массаси бошқа жойга «Окиб» кетади. Бу «Окиб» юриш бозор иқтисодиётига утиши даврида барча мамлакатлар шароитида пул кадрсизланишини жиловлаш мақсадида мамлакатимизда узига хос пул кредит сиёсати утказилмоқда, бунинг маъноси нақд пуллар фақат иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни (нафақа, пенсия, стипендия) бериш учун ишлатилмоқда. Аммо иш ҳақиға натура формасида маҳсулотлар бериш ҳам йўқ эмас.

Бозор иқтисодиётига утиш шароитида хўжаликларда нақд пул айланишини ташкил этишни қуйидаги тамоиллари мавжуд:

1. Барча иш юритувчи субъектлар (корхона, фирма, ташкилот ва муассасалар) узларининг пул маблағларини банклардаги хисоб китоб ракамларида сақлашлари шарт. Агар шунда, пул маблағларида тезкорлик билан фойдаланишга бошқа иш юритувчиларнинг пакд пулга бўлган талабининг кондирилишига эришилади. Бундан ташқари, мамлакатда пул ҳаракатининг тезлашувига эришилади ва ҳалқ хўжалигига микиесида хўжаликлараро тўлов интизоми мустахкамланади.
2. Хўжаликлараро нақд пул айланиши ва нақд пулсиз хисоб-китоб шартлари махсус кон ва коидалар билан катъий чегараланган.
3. Нақд пул маблағлари банклар томонидан хўжаликларга маълум мақсадлар учун берилади ва уларни амалга ошириш учун ишлатилади.
Хўжаликларда кассанинг кимим ва чиқим операциялари ҳаракдаги коидаларга риоя қилинган холда аниқ равшан ва уз вақтида амалга оширилиши шартдир.

Назорат учун саволлар.

1. Нақд пулсиз оборот нима?
2. Нақд пулсиз хисоблашувларни қандай турларини биласиз.
3. Нақд пулсиз хисоблашувларни иқтисодиётга қандай таъсири бор?
4. Тўлов талабномаси билан хисоблашувларни иқтисодиётга қандай таъсири бор.
5. Чек билан хисоблашувлар қандай амалга оширилади?
6. Нақд пулсиз хисоб китобларни ташкил этиш ва амалга ошириш ишларини ким амалга оширади?
7. Хисоб-китоб ва жорий счетлар кимлар учун очилади?
8. Корхона ва ташкилотлар банкларда уз счетларини очиш учун қандай хужжатларни топширишлари керак?
9. Нақд пулсиз хисоб-китобларни ташкил этишда қандай тамойилларга амал қилинади?
10. Нақд пулсиз хисоб китобларда инкасса сўзининг маъноси нима?

5-маъруза: Пул бозори.

Режа:

1. Пул бозори – молия бозорининг таркибий қисми сифатида.
2. Қисқа муддатли хазина мажбуриятлари ёки хазина векселлари.
3. Пул бозорига доир операцияларни ташкил этиш.
4. Ўзбекистон Республикасида пул бозорининг шаклланиши ва уни такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари.

Таянч ибора. Пул, эквивалент, пулга талаб, пул таклифи, пул бозори, молия бозори, сармоя, қимматли қоғозлар, вексел, утказма вексел, инвестор, облигация, акция, дивидент.

Бозор иқтисодиёти мавжуд экан уни пул бозорсиз тасаввур этиб бўлмай. Маълумки пул бор экан уни қарзга олиш ёки қарзга бериш табиий хол ҳисобланади, бундан ташқари фойда олиш мақсадида пулни валюта сифатида бошқа давлат пул бирлигига айрибошлаш кенг ривожланган бўлади. Демак, ҳозирги бозор иқтисодиётида қарзга пул олиш одатдаги иқтисодий воқеага айланган. Масалан: фирмалар ускуналар, машина, хом аше, ёкилги сотиб олиш, иш ҳақи тўлаш учун, фермерлар уруглик, угит ва техника сотиб олиш учун, давлат уз сарфини коплаш учун, жисмоний шахслар кушимча даромат олиш учун қарз оладилар ехуд пул сотиб оладилар. Бундан хулоса шуки пулга талаб бор.

Айник вақтида бошқа юридик ва жисмоний шахсларда ортикча пул захираси мавжуд бўлади, бундан хулоса пуо таклифи бор. Пулга талаб ва пул таклифи пул бозори мавжудлигининг асоси ҳисобланади. Агар оддий хулоса қилинса, пул бозори билан кредит муносаглари ўртасида ухшашлик бордай туюлади, аслида ундай эмас, улар ўртасида катта фарқ бор. Агар пул бозорида барча субъекитларнинг узларига тегишли пул маблағлари иштирок этса, кредит узга мулки бўлган пулни қарзга олиб, ишлатиш борасидаги муносаглари англатади. Пул бозори билан кредитнинг умумийлиги шундаки, уларнинг ҳар иккаласида ҳам пул маблағлари юзасидан бўладиган муносаглари етади, уларнинг фарқи эса пул маблағларини жамлаш ва ишлатиш усулининг ҳар хил бўлиши билан ҳарактерланади. Пул бозорида пул эгасиуз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир ҳаражатсиз ишлатиши мумкин. Мавзунинг 1-саволи пул бозори-молия бозорининг таркибий қисми сифатида деб аталган. Бунинг сабаби пул бозорисиз тулик маънодаги молия бозорини тасаввур этиб бўлмайди. Чунки мамлакатнинг молия бозори пул бозори, қимматли қоғозлар бозори ва сармоялар бозоридан ташкил топади.

Пул бозори ҳам, қимматли қоғозлар бозори ҳам, самоялар бозори ҳам расмий ва норасмий равишда фаолият кўрсатади. Расмий бозорлар қонун доирасида амал килса, норасмий бозорлар инфляция жараёнлари давом этиб товар – пул муносабатлари бузилган даврларда қонундан ташқари фаолият кўрсатади.

Молия бозори иштирокчилари мулк эгаси сифатида уз бойлигидан узлари билганларича фойдаланишлари мумкин, шу сабабли улар пул юзасидан эркин муносабат асосида битимга келадилар. Молия бозорида пулга қимматбаҳо қоғозлар – облигация ва акциялар сотиб олинади. Молия бозорида вексель ва сертификат каби ҳужжатлар ҳам пул сингари муомалада бўлади, улар ҳам олди-сотди қилинади. Молия бозори амалиётда расмий равишда тижорат банклари, суғўрта, инвестиция, молия компанентлари, фойд биржалар, аукционлар орқали фаолият кўрсатади. Молия бозоридаги операциялар махсус воситачилар димрлар, брокер фирмалар орқали амалга оширилади.

Молия бозорининг энг аҳамиятли жойи шундаки, у аҳоли қулидаги улик, ҳаракатсиз пулни жонли, даромат келтирувчи пулга айлантради. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, молия бозори миллий ва ҳалқаро хўжалик доирасида пул маблағлари эркин ҳаракатининг махсус шакли ҳисобланади.

Энди бевосита пул бозорининг узига қайталиқ. Жаҳон пул бозори амлиетидан маълумки қисқа муддатли хазина мажбуриятлари ёки хазина веселлари (улар хазина билетлари ҳам аталади) пул бозорининг асосий ҳаракатлантирувчи воситаларидан бири ҳисобланади.

Вексель – немисча айирбош сўзданолиган бўлиб, муайян миқдордаги қарзга олинган пулни белгиланган муддатда катъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тулдириб расмийлаштирилган қарздорлик ҳужжатидир. Уларни ҳар қандай тўлашга лаёқатли корхона чиқариш ҳуқуқига эга. Веселни сотиш, кредит сифатида бериш ва аниқ олди-сотди битимида тўлов воситаси сифатида ишлатиш мумкин. Векселлар асосан қисқа муддатга (бир йилгача) берилади, унинг оддий ва утказма турлари мавжуд. Хазина векселлари инвесторларни жуда кизиқтиради, чунки улар ишончли, ликвидли ва даромадлари кафолатланган. Одатда янги чиқрилган векселлар дастлаб ким ошди савдосида (аукционда) сотилади, буерда сотувчи сифатида молия муассасининг узи, ҳаридорлар сифатида эса махсус диллерлар, банклар ишлаб чиқариш тузилмалари иштирок этади. Хазина векселлари буйича туланадиган фоизлар дисконт (ҳисобга олиш) шаклида туланади. Масалан: агар хазина билетининг номинал қиймати 100 сўм бўлса, очиқ савдода у 96 сўмлик дисконт нархида сотилади. Аншу арқ унинг даромадлигини белгилайди. Вексел буйича даромаат қуйидаги формула буйича ҳисобланади:

$$[(100-\text{нарх}):\text{нарх}]*[360*100:\text{қайтариш муддати}].$$

Бизнинг мисолимизда, агар қатариш муддатигача қолган 94 кун бўлса, даромаат қуйидагини ташкил қилади:

$$[(100-96):96]*[360*100:94]=16,0 \%$$

Хазина векселлари энг қисқа муддатли давлат қоғози бўлганлиги учун, одатда улар буйича фоизлар узоқ муддатли ва ўрта муддатли қоғозларникига нисбатан паст бўлади. Хазина векселлари – давлат учун энг малол келадиган қарз мажбуриятлари ҳисобланади. Бунга сабаб шуки, қисқа муддат мобайнида уларнинг эгалари кўплаб миқдордаги векселларни қайтаришлари мумкин. Кўпинча, қарз мажбуриятларининг ушбу хили буйича қарздорлик давлат қарзининг асосий қисмини ташкил қилади. Хазина билетларининг такомиллаштирилган тури – жамғарма облигацияларидир. Улар облигация эгаси номига қайд қилинади ва уларни сотиб бўлмайди, шунинг учун уларни “Бозордан ташқари” деб аташади. Уларни фақат айрим шахслар ва баъзи инвестиция фоизлари чекланган миқдорда сотиб олиши мумкин. Уларнинг ёзилган қийматини облигация эгаси истаган пайтида қайтариб олиши мумкин, бу эса уларни юқори ликвидли қилади. Жамғарма облигациялари бир йилда бир марта чиқарилади, уни иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан ёки нақд пулга ҳарид қилиш мумкин. Хазина векселлари билан бўладиган операцияларни фьючерс битимларисиз тулик таввур этиш мумкин эмас. Фьючерс битимлари буйича операциянинг мақсади фоиз ставкалари ўзгаришидан чайков қилиш ва бу ставкаларнинг ўзгариши билан боғлиқ таваккалдан сакланишдир. Соддарок қилиб айтилса фьючерс битими тузилганида қимматбаҳо қоғозлар нархи

ўзгарса ҳам (маълум муддат ўтганидан кейин) шартномада кўрсатилган баҳо буйича туланади.

Банк вексели – пул бозорининг навбатдаги воситаси ҳисобланади. У кенг тарқалган бўлиб, келгусида маълум муддатда тўлаш шарти билан товарга ҳақ тўлаш учун фирма ёзиб берадиган чекдан иборат. Бундай векселда “Акцептланган” деган банк белгиси бўлади, бу белги тўлаш буйругини ифодалаб, чек топшириладиган банкка уз-уздан қафолат вазифасини утайди. Бундай вексель фирма билан яхши таниш бўлмаган, лекин банкка мутлоқ даражада ишонадиган хорижий миждозларга жуда қул келади. Банкларнинг вексель операциялари қисқа муддатли тижорат кредити билан бевосита боғлиқ. Ҳаридор товар ҳақини узи тулай олмаса, векселларни нақд пулга айлантириш эҳтиёжи туғилади ва бўлиш вексель операциялари ердамида бажарилади, яъни банк муддати келмаган векселни сотиб олади ёки улар юзасидан пул ссудалари беради. Ссуда берилганида векселлар банк ихтиёрига утади, ссуда қайтариб берилиши билан векселлар эгасига қайтарилади. Векселлар юзасидан берилган ссудалар муддатли (қайтариш муддати кўрсатилган) ва муддатсиз яъни онкол (банк томонидан исталган пайтда қайтариб олинладиган) хилларга бўлинади. Улар одатда 1 ойдан 3 ой муддатгача берилади.

Пул бозорининг яна бир унсури – депозит сертификати (банкнинг корздорлиги ҳақидаги ҳужжат) деб айтилади. ДС – кредит муассасаси бўлган банкнинг омонатчини депозит кредит муассасаларига сақлаш учун жойлаштирилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар (банк жамғармаси) олиш ҳуқуқини тасдиқловчи, пул маблағларини депонентга утказилганлигини билдирувчи езма гувоҳномаси ҳисобланади. ДС нинг икки шакли мавжуд: талаб қилиб олинладиган (сертификатни кўрсатиб маълум сўммани олиш ҳуқуқини берадиган) ва муддатли (муддати тулганидан сўнг туланиладиган) сертификатларга бўлинади. ДС ҳам юқори ликвид ҳисобланади. Агар уларни обрули йирик банклар чиқарган бўлса, улар муомала ва тўлов воситаси сифатида пулнинг ўрнини босади. Аммо бу иқтисодий юксалган, ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган.

Пул бозорини гапирганимизда сармояларбозорининг мазмунига тўхтаб ўтиш фойдадан хли бўлмайди. Сармоялар бозори мамлакат учун муҳим бўлган вазифа – йирик давлат муаммоларини хал қилиш учун сармояларини туплаш ва уларни мақсадли йуналтиришга хизмат қилади.

Сармоялар бозорининг асосий молиявий воситалари – карпарциялар ва махаллий ҳукумат облигациялари, акциялар, қафолат кредити, ўрта ва узок муддатли хази́на мажбуриятлари, заемлар ҳисобланади.

Сармоялаш – қимматли қоғозлар бозоридаги ва умуман иқтисодиётдаги куламини ифодаладиган кўрсаткич. Сармоялар бозорида энг кенг тарқалган қимматбаҳо қоғоз турларидан бири облигациялардир.

Облигация – унинг эга пул маблағлари туланганлигини билдирадиган ва унга катъий белгиланган муддатда уз наминал қийматини коплаш мажбуриятини тасдиқладиган қимматли қоғоз. Облигацияни чиқарган ташкилот (эмитент) пул қарз олувчи ва сотиб олувчи (инвестор) қарз берувчи яъни кредитор сифатида номаен бўлади.

Улар оддий ва ютўкли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада бўладиган ва муомала доираси чекланган бўлиши мумкин.

Облигацияларнинг номинал (узига езилган) нархи, қайтариб олиш нархи ва бозор нархи бўлади.

Сармоялар бозорининг яна бир унсури – акциялар хисобланади. Акция – акционерлик жамияти чиқарадиган ва унинг эгасига жамият оладиган фойдадан дивидент тариқасида маълум миқдорда даромат олиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоздир.

Акциядан фарқлироқ облигациялар фақат қарздорликни билдиради. Акциялар икки хил бўлади: оддий ва имтиезли.

Оддий акция шундай акцияки, унга тегадиган дивидент фойдага қараб ҳар хил бўлади, унинг миқдори катъий қафолатланмайди, аммо у эгасига акционер жамият йиғинида овоз бериб, унинг ишини хал этишда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Оддий акцияда дивидентни олмай қолиш хавф-хатари ҳам мавжуд бўлади.

Имтиезли акция шундай акцияки, унга тегадиган даромат катъий фоиз шаклида олдиндан белгиланади ва албатта у берилади, жорий йилда тегмай қолган дароматни келажакда олишни қафолатламайди, аммо уз эгасига акционерлар йиғинида бериш ҳуқуқини таъминламайди.

Молия бозорида оддий акционерга нибатан имтиезли акциялар ҳардоргир бўлади. Акцияларда кўрсатилган қиймат унинг номинал қиймати бўлади, аммо унинг бозор баҳоси ундан паст ёки баланд бўлиши мумкин. Бозор баҳоси бозор курси деб аталади. бозор баҳоси қимматбаҳо қоғоз катировкаси деб аталади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик шарофати билан молия бозори хусусан пул бозори астасекин таркиб топиб, ривожланиб бормокда. Давлат қисқа муддатли облигациялари (ДКМО) муомалага чиқарилиши натижасида сармоялар бозорида энг юқори ликвидли, юз фоиз ишонли молия воситаси пайдо бўлди. ДКМО инвесторлар учун ҳам, оддий фуқаролар учун ҳам анча фойдали хисобланади, сабаби, унинг даромадлари соликка тартилмайди. Республикамизда уч ойлик қисқа муддатли заем облигациялари буйича биринчи савдолар 1996 йил 28 мартда бўлиб ўтди. Жамғарма облигациялари ва фьючерс битимлари Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида хали унча ривожланмаган.

Банк векселлари Ўзбекистонда анча кенг ривожланган. Республика банклари қимматли қоғозлар эмиссиясининг умумий ҳажмида улар нофоизга яқинни ташкил этади. Ҳозирги кунда республика тижорат банкларининг деярли ярми векселлар чиқариш билан шугулланади. бу векселларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти шундаки, уларнинг ҳар бир сўми Республикани XIX асридаги ўзаро қарзларнинг 6 сўмдан ортигини ўзди. Агар депозит сертификатларига келсак мазкур молиявий восита Ўзбекистонда эндигина пайдо бўлмокда, республика тижорат банклари қимматли қоғозла умумий миқдорида улар 2% дан ошмайди (1997 йилга). Ўзбекистонда пул бозори ривожланаётганлигига яна бир мисол 1996 йилдан бошлаб пулларнинг янги энг замонавий хилларидан бири – пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Унинг афзаллиги шундаки унинг

эгаси биринчидан, карточкани қабул қилувчи банклар ва банк бўлимларида нақд пул олиш, иккинчидан, хизматлар ва товарларга ҳақ тўлашлари мумкин.

Шундай қилиб мустакил Ўзбекистон Республикасида ҳам молиявий бозор ва унинг унсурлари ривожланиб бормокда.

Назорат учун саволлар.

1. Нима учун пул бозорини молия бозорининг таркибий қисми дейилади?
2. Хазина векселлари нима?
3. Облигация ва акцияни бир биридан фарқи нима?
4. Пул бозорига доир операциялар қандай ташкил этилади?
5. Ўзбекистонда ҳозирги кунда пул бозорини ривожлантириш учун қандай ишлар амалга оширилмокда?
6. Вексел ва унинг аҳамияти нима?
7. Банк векселлар билан қандай операцияларни бажаради?
8. Векселларни муомилага киритиш тартиби қандай?
9. Векселни дисконт ва сотиладиган тури борми?
10. Имтиёзли акцияни қандай афзалликлари бор?

6-маъруза: Пул тизими ва унинг таркиби.

Режа:

1. Пул тизимининг таркибий қисмлари.
2. Биметализм.
3. Манометализм.
4. Республикада мустакил пул тизимини шаклланиши ва ривожланиши.

Таянч ибора. Товар, пул тизими, пул бирлиги, баҳо масштаби, эмиссия, пул массаси, электрон пул, биметализм, монометализм, кредит пул, чек.

Пул тўғрисида умумий тушунчага эга бўлдик, пул бозори молия бозорининг ажралмас қисми эканлигини билиб олдик. Иқтисодий адабиётларда тўғри ишловчи пул тизими даромад ва харажатлар айланма ҳаракатига ҳаётли куч бағишлайди деган ибора бор. Да ҳақиқат тўғри ишловчи пул тизими мамлакат ер шарининг қаерида жойлашган бўлишидан катъий назар, унинг бутун иқтисодиётини узида намоён этади. Самарали ишловчи пул тизими жамиятнинг барча имкониятларидан тула фойдаланишга ердам беради. Ва аксинча, еман ишловчи пул тизими ишлар, иш билан таъминлаш ва иқтисодиётдаги нарх-наво даражасининг кескин ўзгариб туришига асосий сабаба бўлиб, миллий пул бирлигининг харид қобилиятини заифлаштиради. Шундай экан пул тизими нима деган савол тузилади. Пул тизими-турли мамлакатда тарихан вужудга келган ва одатда қонун ҳужатлари билан мустаҳкамлаб қуйилган пул муомаласининг ташкилий шакллари ҳисобланади. Ҳозирги пул тизими XVI-XVII асрларда вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси эса 1992 йилдан бошлаб узининг мустакил миллий пул тизимига

эга бўлди. Агар пул тизимини тавсифласак унинг энг мухим таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат эканлиги маълум бўлади:

1.Товарлар ва хизматлар нархларини ифадоловчи миллий пул бирлиги;

2.Нақд оборотда қонуний тўлов воситаси вазифасини бажарувчи кредит ва қоғоз пуллар, майда тангалар тизими.

3.Пул эмиссияси тизими, қонуний тарзда мустахкаланган яъни муомалага пул чиқаришнинг тартиби.

4.Пул муамоласи масалаларини тартибга солувчи муассасалар.

Демак тавсифдан хулоса шуки пул тизими қисқа маънода қуйидаги асосий унсурлари (элементлари) мавжуд:

1.Пул бирлиги.

2.Баҳо масштаби.

3.Пул турлари.

4.Эмиссия тизими.

5.Муомаладаги пул массасини

тартибга солувчи давлат муассасаси.

Энди бўларнинг ҳар бирига қисқача тушунча бериб кетайлик.

Пул бирлиги-мамлакатдаги тўлов воситаси бирлиги бўлиб, асосан товарлар қийматини ўлчаш ва муамола воситаси сифатида хизмат қилади. Ҳар бир мамлакатнинг уз мустақил пул бирлиги бўлади, масалан, АКШда доллар, Буюк Британияда - фунт стерлинг, Германияда - марка, Японияда - иен ва бошқалар, Республикамизда сўм пул бирлиги ваз. бажаради.

Баҳо масштаби - мамлакат пул бирлигининг олтин ёки кумушдаги ифодаси. М:1 АКШ доллари 0,88 г олтин асосига, собик СССР рубли эса 0,98 г олтин асосига эга эди. Ҳалқаро валюта фондининг Ямайкада бўлиб ўтган сессиясида 1976 йилдан бошлаб олтиннинг катъий белгиланган жаҳон баҳоси бекор қилинди, аммо миллий валюталарнинг олтин захираси билан биевосита боғлиқлиги сакланиб қолади.

Пул турлари - қоғоз пуллар (1,3,5,10,25,50,100,200) кредит пуллар (Давлат банки билетлари)

Тангалар - икки хил - никель ва бронзадан тайёрланади қоғоз пулларга эркин алмаштирилади.

Электрон пуллар.

Эмиссия тизими - бу муомалага банк билетлари, хазина билетлари, қоғоз пуллар ва қимматбаҳо қоғозларни чиқаришдир. Пул эмиссиясини давлатнинг Марказий (эмиссия) банклари амалга оширади. Қимматбаҳо қоғозларни давлат, банклар, акционер жамиятлар чиқаради. Эмиссия чиқарувчи идора ёки корхона эмитент деб аталади.

Муомаладаги пул массасини тартибга солувчи давлат муассасаси бўлиб Марказий банк ҳисобланади.

Муомаладаги пул турларига қараб, вақт утиши билан пул муомаласининг икки тизими ажралиб чиқди.

1. металл тангаларнинг муомаладаги тизими.

2. кредит ва қоғоз пуллар тизими.

Металл пуллар тизими уз навбатида икки турга бўлинади.

1. Биметализм

2. Манометализм

Биметализм – бу пул тизимида мустакил унсур бўлиб, бунда икки метага: олтин ва кумушга қонуний тартибда умумий эквивалент роли бириктириб қўйилади. Бу металллардан эркин равишда тангалар зарб қилинади ва улар муомалада эркин ҳаракатда бўлади.

Тарихан Биметализмни 3 та кўриниши мавжуд бўлган.

1. Параллел валюталар тизими. Бунда олтин ва кумуш тангалар ўртасидаги нисбат бозор баҳоларига мос равишда стихияли тарзда урнатилган.
2. Икки еклама валюталар тизими. Бунда олтин кумуш тангалар ўртасидаги нисбат давлат томонидан белгилаб қўйилди.
3. Оксокланувчи валюта тизими. Бунда олтин кумуш тангалар қонуний тўлов воситалари ҳисобланган бўлсаларда кумуш тангаларни зарб этиш епик тарзда, олтин тангаларни зарб этиш эса эркин ҳолда амалга оширишган ёки тадбир жоиз бўлса Биметализм узининг кумуш оегида оксакланиб қолган.

2. Иккиеклама вамоталар тизими. Бунда олтин ва кумуш тангалар ўртасидаги нисбат давлат томонидан белгилаб қўйилган.

3. "Оксокланувчи" валюта тизими. Бунда олтин ва кумуш тангалар қонуний тўлов воситалари бўлсада, кумуш тангалар епик ҳолда, олтин валюталар (тангалар) эса очик ҳолда зарб этилган.

Монометаллизм - бу ҳам пул тизимида мустакил элемент бўлиб, бунда битта металлга барча товар қийматини узида акс этдирувчи умумий эквивалент роли берилади. Бу металл албатта олтиндир.

Олтин менометаллиزمни биринчи марта XVIII асрнинг охирида юртимизда жорий этилган эди (1816 й).

Пул тузимлари ҳақида гапирар эканмиз. Томас грехэм (XVI асрда яшаган ангиялик банкир) қонуни ҳақида фикр юритиш фойдадан холи бўлмайди. Бу қонуннинг моҳияти шундаки саноат эндигина пайдо бўлиб ривожлана бошлаган даврданок пул "ёмон" ва "яхши" пулларга бўлинган. Бу қонунга мувофик "ёмон" пуллар "яхши" пулларни четга суриб чиқаради. Демак инфляция натижасида муомалага қушимча пулларнинг чиқарилиши "яхши" пулларнинг пинхоний (хуфия) иқтисодиётга утиб кетишига, банк синфларига яшириб қўйилишига, фуқораларнинг қулида тупланиб қолишига сабаб бўлади. Т. Грехэм қонуни бугунги кунда ҳам уз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айниқса мустакилликка эришган давлатларда муомалага қушимча пулларнинг чиқарилиши "яхши" ва "омон" пулларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Энди кредит ва қоғоз пуллар тизимининг таҳлилига утамиз.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий танглиги пул тизим-ларининг янги тури - кредит вақоғоз пуллар тизимининг шаклланишига асос бўлди. Бу тизимнинг таркибий элементлари қўйдагилардан иборат:

1. Кредит пулларнинг устивор мавкеи;
2. Олтиннинг муомаладан чиқиб кетиши, банклар қарзининг олтин билан ўлчанишини бекор қилиниши;
3. Давлат тамонидан тадбиркорлик соҳасини кенг кредитлаш мақсадида пул эмиссиялигини қўпайтирилиши;

4. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларининг сезиларли даражада кенгайиши;

5. Пул муомаласини давлат тамонидан тартибланиши ва берилиши.

Маълумки, муомала жараёнидан ташқарида қоғоз пуллар ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган варақчалар бўлиб қолади. Пул босиш дасгохларидан чиқаётган банклар хали пул эмас. Улар оборотга чиқарилганидан кейингина том маънодаги пулга айланади.

У ёки бу мамлакатда ишчилар кучлари ривожлангани сайин муомаладаги қоғоз пуллар тавари камайиб, улар ўрнига кредит пуллар эғаллай бошлайди.

Кредит пулларнинг уч асосий тури бор: вексиль, банк, ва чек.

Вексил тўғрисида аввалги маърузаларимизда тавсиф берган эдик.

Вексиллар нақд пул иштирокисиз ўзаро ҳисоб-китоблар йўли билан копланати деган эдик.

Унга кушимча тарзда айтиш мумкинки вексил муомаласининг ҳам уз чегараси бор.

1-дан, у товар обаротининг фақат бир қисмини, асосан улгуржи савдони камраб олади;

2-дан, ўзаро ҳисоб-китоблар ўртасидаги фарқ барибир нақд пул туланишни талаб қилади;

3-дан, вексиллар чекланган соҳаларда айланади;

4-дан, вексиллар айланиши унинг муддати билан чеклаб қуйилади.

Шу сабабли муомала чегараси банкнотлар ёрдамида бетараф этилади. Банкнотлар банк билетлари, марказий эмиссия банклари тамонидан чиқариладиган пул белгилари (асосан қоғоз пуллар) бўлиб, улар товарлар массаси ва давлатнинг олтин захираси билан таъминланган бўлади.

(Ўзбекистон Республикасида 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, сўм қийматида муомалага чакирилади). Аслида Банкнотлар қоғоз пуллардан фарқ қилади. Қоғоз пуллар муомалага хазинасидан чиқарилса, Банкнотлар тижорат банклари тамонидан чиқарилади, қоғоз пуллар ҳеч нарса билан таъминланмаган бўлади. Ҳозирги вақтда Банкнотлар билан қоғоз пуллар ўртасидаги фарқлар йўқолиб бормокда.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги ҳисоб-китоб ишларида чеклар кўп тарқалган. Чек - махсус пул хужжати бўлиб, чекни имзолаган юридик ёки жисмоний шахснинг жорий ҳисобидан муайян сўммани бериш ёки бошқа ҳисобга утказиш ҳақида банкка берилган ёзма фармойишдир. Соддарок айтсак: чек - мижознинг (банкдаги ҳисобнинг) банка унда кўрсатилган маблағни нақд пулда берилиши ёки бошқа бир кўрсатилган ҳисобга утказилиши тўғрисидаги буйруғидир.

Чек турлари: муайян бир шахс номига ёзиб бериладиган чеклар, лимитланган ва лимитланмаган чеклар, кафолатланган ва кафолатланмаган чеклар.

Чеклар билан ҳақ тўлаш айниқса мамлакатимизнинг ички тўлов оборотида кўп ривожланган, бироқ, улардан экспорт ва импорт, чет эл саёҳлиги буйича ҳисоб-китоблар ҳамда носавда тўловлари чоғида ташки тўлов оборотида ҳам фойдаланилади.

Гарб иқтисодиётчилари келажакда Банкнот ва чеклар бутунлай йўқолиб кетади ҳамда улар ўрнини электрон банкларо трансакциялар эгаллайди деб айтишмоқда. Бу гапда жон бор. Бундай ҳолатда пул йўқолиб кетмайди, лекин у "қуринмас" ва "чаккон" бўлиб қолади.

Ўзбекистон бу соҳада катта ютўқларга эришмоқда. Республикамизда барча тижорат банклари электрон тўловлар тизимига қушилган.

Олтин монета стандарти қуйидаги бешта иқтисодий ҳолатнинг намоён бўлишини аниқлатади:

1. Олтин тангалар муомаладада экинчи ҳаракатда бўлади.
2. Олтин пулнинг барча вазифаларини буйнига олади.
3. Олтин тангалар эркин зарб этилади.
4. Қийматнинг барча белгилари олтинга бемалол алмаштирилади.
5. Юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлатлар ўртасида чекланмаган миқдорда ҳаракат қила олади.

Демонетизация нима?

Олтинни демонетизация қилиш деганда уни пулнинг барча вазифаларини бажаришдан маҳрум этиш тушунилади. 1976 йил 1-январдан бошлаб Ҳалқаро Валюта фонди тамонидан (ХВФ-1944 йилда, 180 дан ортиқ мамлакатлар аъзо) олтиннинг катъий белгиланган жаҳон баҳосининг бекор қилди. Унинг қамчиликлари, 1-дан, валютанинг хавф-хатарини кучайтирди;

2-дан, халқаро кредитларни тўлаш анча қийинлашмай қолди.

3-дан, давлатлар бирин-кетин тўловга ноқобиллигини эълон қила ошладилар.

Республикамиз пул тизимининг асосий усуллари қуйидагилардан иборат.

1. Пул бирлиги - сўм.
2. Сўмнинг номинал қиймати 1,3,5,10,25,50,100,200 сўмлик кўпюрала-ридан иборат.
3. Баҳо масштаби-1 сўм 100 тийиндан иборат.
4. Муомаладаги пул турлари-қоғоз пуллар ва метал тангалар.
5. Эмиссия тизими. Муомаладаги пул икки поганали банк тизими шароитида чиқарилади. Фақатгина Марказий банк эмиссия қилиш ҳуқуқига эга.

Марказий банк чиқарилган пулни тижорат банкларига кредитга бериш йўли билан муомалага чиқаради.

6. Муомаладаги пул массасини тартибига солувчи давлат муассасига бўлиб расмий равишда Марказий банк ҳисобланади.

Назорат учун саволлар.

1. Пул тизими деганда нимани тушунасиш?
2. Биметализм ва монометализм нима?
3. Олтин монета стандарти деганда нимани тушунасиш?
4. Эмиссия тизими нима?
5. Ўзбекистон Республикаси пул тизими қандай?
6. Биметализм қандай кўринишлари мавжуд?
7. Параллел валюта тизими деганда нимани тушунасиш?
8. Оксикланувчи ва люта тизими нима?

9. Демонетизация нима?

10. Кредит пулларни қандай турлари мавжуд?

7-март: Ҳалқаро валюта муносабатлари.

Режа:

1. Ҳалқаро валюта тизими.
2. Валюта курси ва унга таъсир этувчи омиллар.
3. Ҳалқаро ҳисоб-китобларнинг асосий шакли.
4. Ҳисоб-китоб операциялари.

Таянч ибора. Валюта, миллий валюта, валюта тизими, валюта курси конвертация, бозор иқтисодиёти, ЭКЮ, олтин андоза тизими, эркин конвертирланган олтин поритети.

Бозор иқтисодиёти очиқ, эркин иқтисодиёт бўлганлиги учун мамлакатларо иқтисодий ҳамкорликни талаб қилади ва миллий тор доирадаги ҳаракатни инкор этади. Бундай ҳамкорликнинг асосий меҳнат тақсимооти ташкил этади.

Ҳалқаро меҳнат тақсимооти иқтисодий нафлик қонунидан келиб чиқади. Мамлакат учун қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш қулай бўлса шу маҳсулот бошқаларга етказиб берилади, қайси қайси товарни мамлакат ичида ишлаб чиқариш ўрнига уни ташқаридан келтириш арзонга тушса, шу товар импорт қилинади. Масалан: Кувайт учун нефтни, Россия учун ёғочни, Япония учун турли машиналарни, Ўзбекистон учун пахтани, Хиндистон учун чойни, Канада, АКШ учун бугдойни, Бразилия учун кофени экспорт қилиш фойдали экан, улар шуни афзал кўришади.

Ихтисослашув мамлакатнинг катта кичигига боғлиқ бўлмайди, ҳалқаро ихтисослашув тобора кенгайиб чуқурлашиб боради. Дастлаб у тор доирада яъни бирон бир соҳада, масалан, озиқ-овқат ишлаб чиқаришда юз берса, кийинчалик турли тармоқларни қамраб олади, ундан хизмат соҳасига утади ва ҳақозо. Ҳалқаро миқёсида алоқалар қанчалик чуқурлашса, мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлиги мулкчилик кучаяди, унинг ҳамкорлиги доираси кенгайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, иқтисодий алоқалар давлатлар аро доирага чиқиб, байналмилаллашиб боради, натижада пул иқтисодий муносабатлар воситасига айланади.

Бу бир мамлакат пулини иккинчи бир мамлакат пулига айлантиришни тақозо этади, ягона жаҳон пулини талаб этмайди, талаб этган вақтда ҳам у йўқ. Масалан: Ўзбекистон Россия билан савдо-сотиқ ишларини амалга оширганида қандайдир янги пулнинг зарурати йўқ. Бунинг учун ҳар иккала мамлакатнинг пули долларга таққосланади ва шу орқали ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Миллий доирадаги амал қилувчи, кадр-қиймати шу мамлакат бойлиги билан таъминланган пул валюта деб айтилади. Валюталар бир-бирига таққослаш йўли билан айирбошлаганида валюта муносабати пайдо бўлади. Жаҳон ҳўжалигида бу ҳалқаро валюта муносабатларини вужудга келтиради. Юқорида ягона жаҳон пул йўқ дедик, аммо жаҳон миқёсида ягона тўлов воситаси бўлмаса, турли муносабатларни амалга ошириб бўлмайди, шу сабабли

ҳам расман бўлмасада АКШ долларлари жаҳон пули доимий бажаради. Сабаби доллар жаҳон мамлакатлари валюталари ичида энг барқарор валюта ҳисобланади. Аммо айрим ҳолларда бу вазифани Япония иени, Германиянинг дойч маркаси, Англиянинг фунт стерлини ҳам бажариши мумкин, сабаби бу мамлакатларнинг валюталари ҳам мамлакат бошлиги билан таминлашган.

Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган 15 мамлакатда (Франция, Герердия, Англия, Белгия, Голландия, Люксэмбург, Дания, Греландия, Португалия, Испания ва бошқалар) умумий ҳисоб-китоб бирлиги сифатида эю пул бирлиги қабул қилинган эди, (у ўзаро ҳисоб-китобларда АКШ долларларининг ҳукмронлигига қарши чора сифатида амал қилади) аммо эю долларлардан фарқли тўлароқ момиланинг барча соҳасининг қамраб оладиган валюта эмас, эю Европа, ИКТ. ҳамжамиятига аъзо бўлиб юрган мамлакатлар ўртасидаги умумий ҳисоб-китобларда фойдаланилар эди. Европа мамлакатлари уни умумий ҳисоб-китоб воситаси бўлганлиги учун шу ҳамжамиятга қирувчи мамлакатлар воситаларининг курсин белгилаб беради. 2000 йилдан бошлаб ЕВРО. иқтисодиёт ҳамжамиятига аъзо мамлакатларда ягона бюджет, солиқ, кредит ва молия тизими урнатилади.

Эю ўрнига, ягона пул - "ЕВРО" деган валюта қиритилади. 1 евро 1999 йилдан бошлаб 11 мамлакат доирасида амал қила бошлади. Демак ҳалқаро меҳнат тақсимооти қенгайиб борган сари жаҳон иқтисодий алоқаларининг турли-туман шакллари-товарлар ва хизматлар билан савдо-сотик қилиш ссуда сармояси ва инвестицияларнинг ҳаракати, ишлаш ва оқим техника борасидаги ҳамкорлик, ишчи қучларининг қучиши (миграция) ва ҳалқаро туризм вужудга келади ҳамда уларни ҳаммаси мамлакат пул бирлигига нисбатан ҳалқаро ҳаритадаги талаб ва таклифни шакллантиради. Шундай қилиб пул валютага айланади ва у ҳалқаро миқёсида умумий эквивалентлик вазифасини бажаради.

Юқорида айтилган фикрлардан маълум бўладики ҳалқаро валюта тизими мамлакатларда барча ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш жараёнида шаклланади.

Ундан фарқли ўлароқ жаҳон валюта тизими товарлар билан савдо-сотик қилиш, хизматлар қўрсатиш, сармояларни ҳаракати шаклидаги ташки иқтисодий алоқаларга хизмат қўрсатиш билан боғлиқ ҳалқаро валюта муносабатларининг ташкил қилишга доир давлатлар аро битимни мажмуасидан иборат.

Ҳалқаро валюта тизими уз тараккиётида бир неча таракқий босқичларни босиб утди. Ҳалқаро валюта тизимининг энг биринчи шакли олтин андоза тизими бўлган. У 1840 йилдан 1914 йилгача давом этган бу тизим талабларига қура ҳар бир мамлакат валютаси узининг олтин миқдорига яъни грамлардаги олтин массасига эга бўлган. Мамлакатлар ўртасидаги савдо белгисининг натижаларига қура фарқлар олтин билан ҳисоб-китоб қилинган, бу эса олтиннинг мамлакатдан мамлакатга оқиб юришига олиб келган.

Олтин андоза тизимининг афзаллик ва қамчилик буни қиддий нуқсон деб атаса ҳам бўладиган қамонлари бор. Афзалликлари:

1. олтин андоза валюта курсларининг маълум даражада барқарорлиги ва уни олдиндан билиб туриш мумкинлигига кумаклашди, натижада ҳалқаро савдонинг ривожланишига асос бўлди.
2. олтин андоза механизми фақат қисқа муддатга вужудга келиши мумкин бўлган тўлов баланси такчилларини йўқотишга ёрдам берган.

Камчиликлари:

1. Пул массаси ва олтин захираси орасидаги нисбат коидаларига тусиклар пайдо бўлган.
2. Олтин паритети ва алмашув курси барқарорлигини сақлаб туриш учун давлат ихтиёрида олтин ва чет эл валютасидаги меквидли доимо мавжуд бўлиши лозим эди.

Олтин андоза тизимидан сўнг олтин доллар тизими майдонга келади. Бу тизим доллар ҳалқаро резерв валиюта сифатидаги алмаштирилуви чанлишга асосланган эди. Бунда давлатларни ички пул тизимлари АКШ долларига нисбатан эркин айирбошланиш тамоилига асосланган эди.

Ҳозирги замон иксодиётида бошқариладиган валюта курслари деб аташ мумкун бўлган ҳар хил валюта тизимлари мавжуд.

Энди ҳалқаро валюта муносабатларида ҳалқаро валюта муносабатларида ҳалқаро валюта фондининг (ХВФ) тутган ўрнинига тўхтатилиб утамыз. ХВФ - ҳалқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида этган ҳалқаро валюта-кредит ташкилоти. ГМТ нинг ихтисослаштирилган муассаси. 1944йилда ташкил топган. Бугунки кунда 180 дан ортик мамлакат бу ташкилотга аъзо бўлган. ХВФ нинг 2та асосий вазифаси бор:

1. Ўзбекистон аъзолари булмиш мамлакатнинг валюта алоқаларининг бошқариб туради;
2. Умумий кредит маблағларидан аъзо мамлакатларга қарз бериш орқали уларнинг тараккиётига кумаклашади.

ХВФ нинг капитали унга аъзо мамлакатларнинг бадал пулидан ташкил топади. Унинг усиши янги аъзоларнинг бадал пули ва колдик учун олинган фоизлари хисобига юз беради. Масалан: Ўзбекистон Республикаси 1992 йил сентябридан бери ХВФ нинг тула ҳуқуқли аъзоси хисобланилади. ХВФ нинг захираларига аъзолик бадаллари: валюта қисмига 70.324.000 доллар (46.816000 СДР, 1 СДР=1,5 АКШ доллари), рубль қисмига 229.026.000. доллар тўлашган. Бу фонднинг аҳамияти шундаки, 1996-1997 йилларда республикаимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш учун 259 минг АКШ доллари миқдорида мадад олди.

Валюта фондига қуйилган давлатлар уз валюталари курсини ҳалқаро валюталарга нисбатан белгиламайди ва бу курс маълум чегарада ўзгаради. Бунинг натижасида давлатлараро бир-бирига пул тўлашда валюта курсининг ўзгариши катта салбий оқибатларга олиб келмайди. Валюта фондининг кредити умумий капитал хисобидан ва асосан маълум учун берилади. Кредит олувчи давлат унинг малум қисмини % хисобида ҳар йили тулаб туради. Кредит миллий валютага хорижий валютани сотиш тарзида берилади. Кредит қайтаришганда қарздор мамлакат хорижий валютага қайтадан уз валютасини

сотиб олади. Валюта фонди аъзолари айни вақтида ҳалқаро даканструкция ва тараккиёт банкининг аъзолари ҳисобланади ва шу банкдан кредит оладилар. Жаҳонда 100 дан ортик ҳар-хил пул бирликлари мавжуд. Барча миллий пул бирликлари мавжуд давлатлар ичида товарлар ва хизматларнинг олди сотди, кредит беришлар буйича хўжалик келишувларига хизмат кўрсатади. Бирок, товарлар ва хизматлар сотиб олинадиган ва сотиладиган ёки пул ва сармоялар оқими давлат чегараларини кесиб утадиган ҳалқаро иқтисодий алоқалар жараёнида миллий пул бирликлари тўлов утказиш учун зарур валютанинг эҳтиёжини таъминлайди. Шулардан хўжалик вакиллари узлари учун зарур воситани тегишли курс буйича керакли хажмида сотиб олишлари мумкин бўлган валюта бозорига мурожат қилади. Валютани сотиб олиш ёки сотиш зарар кўриш таваккали билан боғлиқ.

Валюта бозори молия бозорининг бир тури бўлиб, хўжалик вакилларининг ташки иқтисодий операцияларига хизмат кўрсатишга ундайди. Маълумки, имконият чет эл валютасига талабини келтириб чиқаради, экспорт эса, уз навбатида, унинг таклифини яратади.

Чет эл валютасига талаб ва таклиф бир-бири билан валюта бозорида мужассамлашда. Хўжалик субъектлари зарур миқдордаги чет эл валютасини сотиб олиш мақсадини билдириб махсус банкларга мурожат қилади. Банклар жорий валюта курси буйича уларга чет эл валютасини сотиш имконияти чексиз эмас, уларнинг активидаги миллий ва чет эл валютасининг миқдори лимитланган бўлади. Рухсат этилган тижорат банклари ҳалқаро валюта бозорида доимо олди-сотди жараёнида иштирок этадилар валюта бозорининг энг йирик марказлари Лондон, Нью-йорк, Франция-Монет ва Токио шаҳарлари ҳисобланади. Бундан ташқари Сингапур, Ганконг, Бахрайин давлатларида ҳам ҳалқ, вал бозорлари тизими суратлар билан ривожланмокда.

Демак, валюта бозори - чет эл валютаси чек вексили у кредити ва бошқа қимматбохо қоғозларини сотиш, сотиб олиш ва алмаштириш мижозидир уни миллий ва ҳалқаро банклар, шунингдек биржалар амалга оширади, турли мамлакатларнинг банклари ўртасидаги алоқалар воситасида вужудга келган жаҳон бозори ташки савдо, инвестиция, туризм ва бошқа муносабат билан боғлиқ валюта ҳисоб-китобларни олиб боришга хизмат қилади. Валюта бозорида муоммолар валютани ҳалқга етказиб бериш (ҳалқаро тилда спорт деб айтилади) ёки ва матнни таъминлаш вақтидаги курс буйича маълум муддатда (фарвон) утказиб бериш шаклларида амалга оширилади бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси валюта курси деб айтилади валюта курсининг катъий қайт этилган ва ўзгариб турадиган (пулга бўлган талаб ва таклифга қараб) турлари мавжуд. Валюта амалётида валюта юқорирок курс (сотувчи курси) қулланилади. Валюта курсининг икки даражаси ўртасидаги фарқ (маржа) банкининг валюта муомаласидан олинадиган фойдасини ташкил этади чет эл валютаси курсининг валюта биржасидан махсус муассаса тамонидан белгиланиши ва махсус бюджетларда нашр қилиниши валюта катеровкаси деб аталади. Мамлакатимизда чет эл валютаси курси Ўзбекистон Республикаси банки тамонидан белгиланади. Валюта курси талаб ва талабининг жорий нисбати

асосида доимо ўзгариб турадиган бирлигидир. Бир катор мамлакатларида бўғинги кунда белгиланган вақтда курс сакланмокда. Миллий валюта нархи умумий қабул қилинган андозага, (асосан АКШ доллари) нисбатан белгиланади ва давлат тамонидан қўллаб-қувватлаб туради. Бу давлат кўп миқдордаги валюта захираларига эга бўлиши, уни тулдириб туришга ва ундан фойдаланиши, имкониятини чеклаш ва экспортни раҳбарлантириш чораларини кўриш зарур. Агар давлат мана шу чора-талабларини кура олмаса валютани сотиш ва сотиб олиш бўйича "хуфия" бозори деб аталадиган бозор пайдо бўлади, расмий тизимларида коррупция ва порахурлик авж олади. Аммо шуни айтиш керакки, жаҳондаги бирон-бир мамлакат бундан анча кутила олмаган. Валюта курсининг узоқ муддат оптимал нисбатида туриши 1-дан иши унимдорлигига, 2-дан иқтисодий усиши суратларига, 3-дан, молия тузимининг самарадорлигига, 4-дан, мамлакат ишчи ресурсларининг даражасига боғлиқ бўлади. Демак, валюта курсини белгилашчи асосий омил турли молиялаштиришлардаги ваколатларининг ҳарид курби, кадр-қиммати ҳисобланади. Бу эса уз навбатида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Юксак ривожланган мамлакатлар валютасининг курси юқори бўлади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, валюта курсининг пасайиши товар экспортининг, кутарилиши эса импортни қулай қилади. Айрим ҳолларда товарларни четга сотишдан катта даромад олиш мумкин. Масалан: кастюм ички бозорда 5000 сўм туради, ташки ташки бозорда шундай кастюм баҳоси 100 доллар. Валюта курсига кура $1 \text{ доллар} = 100 \text{ сўм}$. Демак, доллар ҳисобида ички бозордаги баҳо $5000:100=50$ доллар.

Юқорида айтилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки валюта курси икки турга бўлиниши мумкин экан:

1. Катъий ўзгармайдиган курс-валюталар нархи барқарор туради;
2. Сўзиб юрувчи курс-валюталар курси валютага бўлган талаб ва тақлиф таъсирида ўзгариб туради, аммо бу ўзгариш маълум чегарада юз беради.

Демак валюта курси пул кадрини белгилайди ёки ифодалайди.

Ҳалқаро миқёсидаги уз кадрига ва обру-эътиборига қараб, валюталар икки гуруҳга бўлинади:

1. Конвертирланган валюта-бошқа валюталарга эркин алмаша оладиган пул.
2. Конвертирланмаган валюта-бошқа валюталарга алмаштириш учун қабул қилинмайдиган пул.

Мамлакат валютасининг қайси гуруҳига кириши унинг барқарорлигига боғлиқ. Масалан, немис маркаси эркин конвертирланган, руснинг рубли конвертирланмаган пул. Немис маркаси ҳамма жойда бошқа валюталарга эркин алмаштирилади, рубль эса бундай имкониятдан маҳрум. Рубль МДХ (мустиқил давлатлар ҳамдустлиги) мамлакатлари ички бозорида бошқа валюталарга алмашади, аммо чекланган ҳолда.

Валюта уз мамлакати доирасида айрибош қилинса у ички конвертирланган валюта ҳисобланади. Мамлакатнинг иқтисодий қудрати ривожланиб борган сари пулнинг ҳам қудрати ушиб боради, бу эса аста секин унинг эркин конвертирланган валютага айланиш имкониятини вужудга келтиради.

Конвертирланган валютанинг узи икки хил бўлади:

1. Эркин конвертирланган валюта-бу чекланмаган миқдорда ва ҳамма пул операцияларини бажариш учун ҳам валюталарга эркин алмашадиган пул. Бундай хусусият кадр-қиймати барқарор, ишонч ва етарли даражада бойлик билан таъминланган пулларга хосдир. Улар жумласига АКШ доллари, Англия фунт стерлини, герман маркаси, Япония иени, Швецария франки каби пуллар киради. Бу пуллар амалда жаҳон пуллари ҳисобланади.
2. Одатдаги конвертирланган валюта - бу фақат маълум пул операцияларини утказиш учун, чекланмаган миқдорда бошқа валютага алмашадиган пул. Бу пул жаҳон пули ролини ўйнай олмайди, сабаби амал қилиш доираси чекланган. Бўлар, Франция франки, Италия лираси, Филландия маркаси ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига утаётган мамлакатларда, жаҳондан Ўзбекистонда конвертирланган валютанинг бўлмаслиги, унинг жаҳон бозорига чиқишига тускинлик қилади. Конвертирланган валюта йўқ жойга чет эл капитали ошиқмайди, яъни эркин оқиб крмайди. Бозор иқтисодиётига утишнинг энг зарур шартларидан бири аввало пул бирлигини хорижий валютага мамлакат ичкерарисида эркин айрибошлашни таъминлашдир. Ана шундагина пулни ташки валюта бозорида конвертирлаш имконияти вужудга келади. Бу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига кушилишининг муҳим шрти ҳисобланади.

Конвертирланган валюта изчил равишда экспорт-импорт операция ларини утказишни кафолатлайди, бу эса товарлар ва пул оқимини мослаштириб, бозорда мувозанат бўлишини таъминлайди.

Назорат учун саволлар.

1. Ҳалқаро валюта тизими деганда нимани тушунаси?
2. Олтин партети нима?
3. Ҳалқаро валюта фонди қачон ташкил қилинган.
4. Валюта курсининг ўзгариши иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади.
5. Конвертирланган валюта деганда нимани тушунаси?
6. Валюта курси нима?
7. Валюта курсини ўзгаришига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
8. Ҳалқаро валюта фонди қандай вазифани бажаради?
9. Валюта бозори нима?
10. Миллий валютани кадрини кутариш учун нима қилиш керак?

8-маъруза: Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва иқтисодиётдаги роли.

Режа:

I. Кредитнинг моҳияти.

1. Кредитнинг зарурияти
2. Кредитнинг таркиби.
3. Кредитни ҳаракат босқичлари.

II. Кредитнинг иқтисодийдаги роли.

1. Кредитнинг вазифалари.
2. Кредитни бошқа иқтисодий категориялари билан ўзаро боғлиқлиги.
3. Ссуда фонди ва уни мазмуни.

Таянч ибора. Кредит, кредит муносабатлари, бўш пул, ишлаб чиқариш, кредит объекти, кредит субъекти, ссуда, кредитор, банк, молия.

Кредит муносабатлари бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этиб, мавжуд ресурсларда самарали фойдаланиш қуроли сифатида катта рол ўйнайди.

Кредит муносабатлари вужудга келиши узоқ тарихга эга бўлиб, у судхурлик капиталини вужудга келиши ва ривожланиши натижасида қарор топди. Бунда маълум шахслар ўз пулларини маълум ҳақ (процент) эвазига узгаларга яъни пулга эҳтиежи бор кишиларга қарзга берганлар.

Ҳозирги даврда кредитнинг зарурлиги қуйидагилар билан белгиланади:

1. Такрор _____ жараёнида маҳсулотни сотиш билан _____ни амалга оширишни яъни корхоналар ўз маҳсулотларини сотиб олгунга қадар яна узлуксиз _____ни амалга ошириш учун пул маблағларига эҳтиеж сезадилар.
2. Кредитлаштирилган такрор _____ни амалга оширишда қушимча капитал маблағлар ҳамиша ҳам корхонада ўз маблағлари ҳисобига копланмайди. Бунда шароитда қушимча маблағларга бўлган эҳтиеж вужудга келади.
3. Корхона ва алоҳида шахсларда ўз иқтисодий фаолиятлари натижасида вақтинча бўш пул маблағлари вужудга келади ва бу пул маблағларини бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга қарзга бериш мумкин бўлади.

Кредит муносабатларда мавжуд бўлишини муҳим шарт-шароитларидан бири кредит берувчи ва кредит олувчиларда манфаатларини ўзаро мос келишидир.

Кредит иқтисодий категория сифатида қуйидагича таърифланади: Кредит – бу қарз олувчига процент кўринишидаги ҳақ эвазига қайтариб бериш шarti билан бериладиган ссуда капиталининг ҳаракат шаклидир. Кредитнинг муҳим хусусиятларини унинг қайтариб беришини шартлилиги, муҳим ҳақ эвазига ҳамда маълум муддатга берилишидир.

Кредитнинг моҳиятини тушунишда кредитнинг таркибини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Кредитнинг таркиби – бу ундаги бир қарор ўзгармас элементлардир. Шундай элементлардан бир кредитнинг субъектларидир. Кредит субъектлари ҳудудий жихатдан бир биридан турлича узоқлашган бўлиши мумкин, лекин бу ҳолат уларнинг ўзаро мажбуриятлари ҳарактерига таъсир этмайди.

Кредит алоқаларида субъектлар муносабатлари қарз берувчи (кредитор) ва қарз олувчи (қарздор) шаклида юзага чиқади. Кредитор ва қарздор энг аввало товар муомаласи доирасида қарор топади. Товарларни олиш сотиш жараёни ҳамиша ҳам сотувчи томонидан сотган товари қиймати эквивалентини

бирданига олиш имконинин бермайди. Балки маълум даврдан кейингина уни олишга мувафакт бўлади. Бошқача айтганда сотувчи уз товарини олувчига маълум муддатга қарзга сотади.

Шундай қилиб, кредитор – бу кредит алоқаларининг бир томони бўлиб, у ссуда беради. Бошқача айтганди ссуда берувчи ёки реал мавжуд нарсани вақтинча фойдаланиш учун бериб турувчи ҳар қандай субъект кредитор бўла олади.

Ссуда бериш учун эса кредитор маълум маблағларга эга бўлиши лозим. Бу маблағларнинг манбаълари хилма-хил бўлиши мумкин. Жумладан, уз маблағлари, ресурслари, шунингдек, бошқалардан вақтинча, қайтариб бериш шарти билан жалб қилган маблағлар.

Ҳозирги кунда банк-кредитор ссуда беришда нафақат уз молиявий ресурсларидан балки ундан ҳисоб-счётларида сакланаётган ҳамда акция ва облигацияларни чиқариш орқали жалб этилган маблағлардан ҳам фойдаланиш.

Банкларнинг ташкил топиши билан кредиторларнинг концентрациялашуви юз берди ва натижада банклар барча кредиторларнинг вакилларига айландилар. Кредиторлар коллективи вакили сифатида банклар ҳалқ ҳўжалигидаги барча вақтинча бўш маблағларни кредит эҳтиёжларига жалб қилиши мумкин.

Айрим ҳоллардак муносабатларига вақтинча бўш бўлмаган ресурслар ҳам жалб этилиши мумкин. Бунда кредитор (сотувчи) қарз олувчига сотилиши лозим бўлган товарларни такдим этади.

Кредиторнинг ссуда маблағларига нисбатан муносабати икки екламадир. Кредиторнинг кредит шаклида бериладиган уз ресурслари унинг мулки сифатида сакланиб қолади. Четдан жалб қилинган, лекин кредитор томонидан кредит шаклида жойлаштириладиган ресурсларининг мулкдор сифатида эгаси корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли ҳисобланади. Шунинг учун банклар (кредитор) кредитлаш механизмини шундай ташкил этишлари лозимки, бунда жалб қилинган маблағларни ҳақиқий эгалари талабқилган тақдирда, уларни уз вақтида қайтариб бериш имконияти мавжуд булсин.

Қарз олувчи – бу кредит муносабатларининг бир томони бўлиб, у кредит олади ва олган ссуда қайтариб бериш мажбуриятига эга бўлади.

Тарихан қарз олувчи кушимча кун ресурсларига эҳтиёжи сезган алоҳида шахслар бўлган. Ҳозирги даврда эса қарз олувчи сифатида банклардан ташқари ҳўжалик ташкилотлари ва катта давлатлар майдонга чиқмоқда. Аҳоли ҳам ананавий кредит олувчилардан ҳисобланади.

Қарз олувчи кредитордан қуйидагилар билан фарқ қилади:

1. Қарз олувчи ссудага олинган маблағларининг мулкдор сифатида эгаси эмас, балки бу ресурсларнинг вақтинча эгаси сифатида майдонга чиқади. Қарз олувчи унга тегишли бўлмаган бегона ресурслардан фойдаланади.
2. Қарз олувчи ссудага олинган маблағлардан муомала соҳасида ҳам ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фойдаланади. Кредитор эса ундан фақат муомала соҳасида фойдаланади.
3. Қарз олувчи уз ҳўжалигида кругооборотни тугатган маблағлар ҳисобидан ссудага олинган маблағларни қайтаради.

4. Қарз олувчи нафақат ссудага олинган сўммани балки маълум кушимчаси билан қайтаради ёки у ссуда процентини тўловчи ҳисобланади.
5. Қарз олувчи ҳамиша кредиторга буйсунади, кредитор эса ҳамиша унга уз шартларини утказишга ҳаракат қилади.

Кредитор билан қарз олувчи орасидаги муносабатлар, уларнинг ўзаро бир-бири билан алоқаси ҳақиқатда такрор ишлаб чиқариш ички объекти ўртасидаги муносабатдир.

Бу муносабатлар, биринчидан уларнинг ҳар бири мустакил ҳуқуқий шахс эканлигини, иккинчидан, уларнинг бир-бири олдида мулкий жавобгар эканлигини ва учунчидан, ўзаро бир-биридан иқтисодий манфаатдор бўлган субъектлар эканлигини ифодалайди.

Шуни такидалаш лозимки, ҳар қандай ссуда олишни хоҳловчи қарз олувчи бўла олмайди. Қарз олувчи нафақат ҳуқуқий ва жисмоний шахс бўлиши. Балки олинган кредитни қайтаришни гарантияловчи тегишли мол-мулкка ҳам эга бўлиши лозим.

Кредит ҳаракатини босқичлари:

Кредитнинг хусусияти нафақат уни таркиби билан билки уни ҳаракатини босқичари билан ҳам ҳарактрланади.

Ссуда қийматини ҳаракатини қуйидагича ифодалаш мумкин

$$K_{\text{ж}} - K_{\text{ко}} - K_{\text{и}} \dots P_{\text{б}} \dots K_{\text{к}} - K_{\text{кко}}$$

$K_{\text{ж}}$ – кредитни жойлаштирилиши

$K_{\text{ко}}$ – кредитни қарз олувчи томонидан олиними.

$K_{\text{и}}$ – кредитни ишлатилиши

$P_{\text{б}}$ – Республикани бўшаши

$K_{\text{к}}$ – кредитни қайтариш

$K_{\text{кко}}$ – кредит шаклида жойлаштирилган маблағларни кредитор томонидан қайтариб олиними.

Кредитни жойлаштириш аалиетда муҳим урин тутади. Кредитор уз маблағларини кушимча ресурсларга эҳтиежи бўлган ҳар қандай ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга осик куллик билан таркатиб бермайди. Бунда ҳар бир ҳолатда кредитор кредит маблағларидан рационал ва самарали фойдаланиш ҳамда бу маблағларни қайтарилишига кафолот борлигини эътиборга олади.

Кредитни қарз олувчи томонидан олиними унга вақтинча пул маблағлари бўлган вақтинча эҳтиежини қондириш имкониятини беради. Кредит қийматида қарз олувчи эғалигига утиши унга кредит истемол қийматини амалга ошириш имконичтини беради. Бунга эса кредитдан фойдаланиш натижасида эришилади. Кредитни ишлатилиш йуналиши қарз олувчини уз олдида қўйган мақсадлари билан белгиланади.

Кредит ресурсларини бўшатилиши қарз олувчи хўжалигида қийматлар доиравий айланишини тугагини ҳарактерлайди. Бу фаза кейинги кредитни қайтариш босқичи учун моддий асос яратади. Кредитни қайтариш босқичи қарз олувчи томонидан вақтинчи қарзга олинган қийматларни кредиторга утишини ҳарактерлайди, яъни қарз олувчи хўжалигида вақтинча «маълум иш бажарган қиймат узини вақтинчалик эгасидан кредиторга қайти утади». Кредитни қайтарилиши реал ёки формал бўлиши мумкин. Агар кредит

ресурслар – бу ресурсларни хўжалик фаолиятида бўшатилиши натижасида қайтарилса бунга кредитни реал қайтарилиши дейилади.

Агар кредит ресурслари – бу ресурслархўжалик фаолиятидан бўшамаган ҳолатда, бошқа манбалар ҳисобидан қайтарилса, бу кредитни формал қайтарилиши дейилади. Кредитни формал қайтарилиши кредит ресурсларидан самарасиз фойдаланилганлигини ифодалайди.

Кредит ҳаракатини тугалловчи босқич – кредит шаклида жойлаштирилган маблағларни кредитор томонидан қайтариб олиниши. Бу босқич вақт жихатдан кредитни қайтариш билан бир хил бўлиши мумкин.

Кредит 4 хил вазифани адо этади.

Биринчидан, пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан вексел, чек сиртификат ва х.к) эзага чиқариб, уларни хўжалик обаротига жалб қилади.

Иккинчидан, у бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб пулни топади деган коидани амалга оширади.

Учинчидан, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан ишлаб чиқариш ресурсларининг кучиб туришини таъминлаш.

Туртинчидан, қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий усишни рағбатлантириш.

Кредит ва ундан фойдаланиш натижасида турли натижаларга эришилади. Бу натижалар салбий ёки ижобий бўлиши мумкин.

Ижобий натижалар деганда кредитдан самарали фойдаланиш натижасида кулга киритилган ютўқлар тушунилади. Масалан Андижонни Асака шаҳрида асосан банк кредити ҳисобидан курилган янги автомобил заводи республиканинг енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини маълум даражада кондириса ва жаҳон бозорида муносиб урин эғалласа бу кредитнинг ижобий ютуғи (роли) ҳисобланади.

Кредитни салбий роли асосан қуйидаги икки ҳолатда намоён бўлади.

1. Кредит х/х га турли йўллар билан асоссиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб, миллий пул кадрсизоланса.
2. Агар олинган ҳалқаро кредитлардан самарали фойдаланилмаса ва мамлакат узининг бошқа даромад манбалари масалан олтинни сотиш ҳисобидан кредитни қайтарса.

Кредитнинг бошқа иқтисодий категориялари билан ўзаро алоқаси.

Кредитнинг бошқа иқтисодий категория сифатида бошқа иқтисодий категориялар, жумладан, пул, молия, баҳо, хўжалик ҳисоби билан узвий алоқада бўлади. Бунга асосий сабаблар:

Биринчидан, бу категориялар умумий асосга эгадир, яъни қийматнинг ҳаракати билан боғлиқдир. Шунинг учун бу категориялар қиймат категориялари деб ҳам юритилади.

Иккинчдан, бу қиймат категорияларининг ўзаро боғлиқлигига сабаб, улар ҳаракат қиладиган тоқроқ ишлаб чиқариш жараёнини ягоналигидир. Чунки ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истъмол жараёнини бир-бири билан боғлиқдир, шунинг учун бу босқичларга хос бўлган иқтисодий категориялар ҳам умумий боғлиқликка эга бўлади.

Учунчидан, бу иқтисодий категориялар ягона иқтисодий асосга эгадир, яъни улар бозор муносабатлари доирасида амал қиладилар ва бозор иқтисодиёти қонунларига бўйсундилар.

Шу билан бирга билан иқтисодий категориялар мазмунан бир-биридан фарқ қилиб, турли иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Кредит ва пул. Кредит кўп ҳолларда пул шаклида берилсада, кредит ва пул музунан бир-биридан фарқ қиладир. Кредит тақидлаганимиздек субъектлар ўртасидаги узига хос муносабат шаклидир. Бу категориялар ўртасидаги хусусият энг аввало иштроқчиларнинг таркиби билан боғлиқ. Бизга маълумки пул умумий эквивалент сифатида сотувчи ва ҳаридор ўртасидаги муносабатлар натижасида юзага келди. Бунда қиймат ҳамиша ҳаракатда бўлади, товар сотувчидан ҳаридорга утади, пул эса ҳаридордан сотувчига утади.

Кредит муносабатларида эса кредитор ва қарз олувчи иштроқ этади. Лекин бунда қиймат қарама-қарши ҳаракатда бўлмайди, яъни кредитор берган пулни қарз олувчи маълум муддат ўтгандан сўнггина қайтаради. Кредит ва пул ўртасидаги муҳим фарқлардан бири уларнинг ҳаракат шаклидир. Чунки кредит нафақат пул шаклида балки бошқа хилма-хил товарлар шаклида ҳам амал қилиши мумкин.

Кредит ва молия. Бу иқтисодий категориялар ўзаро бир-биридан иқтисодий муносабатларнинг субъектлари билан фарқ қиладир. Агар молия маблағлари тўловчилар билан уни олувчилар ўртасидаги муносабатларни ифодаласа, кредит эса кредитор билан қарз олувчи ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Бунда ташқари кредит ва молия қиймат категориялар сифатида уз манбаларига қура ҳам фарқ қиладир.

Агар кредит маблағларининг манбаъси вақтинча бўш тўрган ва уз навбатида қарзга олинган маблағлардан ташкил бўлса, молия маблағлари эса вақтинча бўш маблағлар ва уларнинг ишлатилиши билан боғлиқ бўлмайди масалан: давлат бюджетига солиқ тўловчилар бу маблағлар уз хўжаликлари учун керак бўлган тақдирда ҳам солиқ тўлашга мажбурдирлар.

Кредит муносабатларида берилаётган маблағларнинг эгаси ўзгармайди, яъни кредитор мулкдор сифатида сақланиб қолди. Лекин молия муносабатларида берилаётган маблағларнинг эгаси ўзгаради, яъни энди бу маблағлар давлатнинг мулки ҳисобланади.

Кредит ва молия бир-биридан уз ҳаракат босқичлари билан ҳам фарқ қиладир. Агар молиянинг ҳаракат босқичи турли фондларни (марказлашган ва марказлашмаган) ташкил этишдан бошланса, кредит ҳаракати маблағларни бошқаларга қарз беришдан бошланади. Чунки кредит муносабатларида маблағларнинг тулланиши ҳали кредит бўла олмайди.

Кредитнинг муҳим фарқларидан бири уни қайтариб беришнинг шартлилигидир. Бу хусусият кредитнинг ҳамма шаклларида хосдир.

Кредит ва молия юқорида таъкидлангандек бир-биридан фарқ қилсада, шу билан бирга иккиси ҳам ҳалқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фондларини вужудга келтиришнинг ишлаб чиқариш фондларини вужудга келтиришнинг манбаълари бўлиб хизмат қилади ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида фойдаланилади.

Кредит ва баҳо. Бизга маълумки баҳо – бу қийматнинг пулда ифодаланишидир. Лекин кредит – қийматнинг ҳаракат шаклидир. Шу билан бирга баҳо – қийматнинг ифодаси сифатида кредит хажмини ҳисоблашда муҳим урин тутади.

Ссуда фонди ва уни мазмуни.

Кредитни асосини ссуда фонди ташкилэтади. Бошқача айтганда кредит бу ссуда фондининг ҳаракат шаклидир. Ссуда фонди бу жамиятдаги қарзга берилувчи қийматнинг мақсадга йуналтирилган ҳаракат борасида юзага келадиги ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуасини характерлайди.

Ссуда фондининг мазмуни унинг қуйидаги белгилари билан характерланади:

1. Ссуда фонди аввало мулкӣ муносабатларни ифодалайди. Чунки у уз ҳаракатида доимо усиб боради ва уз эгасига даромад келтиради. Лекин у шу билан бирга умуммиллий, ижтимоий бойликни кўпайтиришни моддий асосларни яратиши орқали ижтимоий манфаатларга ҳам хизмат қилади. Кредит муносабатлари турли тармоқлардаги турли мулкчиликка асосланган корхона ва ташкилотларни, шунингдек давлат ва аҳолини камраб олади. Шу сабабли ссуда фонди унинг таркиб топиши ва ишлатилиши борасида юзага келадиган хилма-хил муносабатларни характерлайди.
2. Ссуда фонди мақсадга йуналтирилганлик характерига эга бўлади. Бу мақсадга йуналтирилган бозор механизми ссуда фонди маблағларини жамият эҳтиежлари мавжуд бўлган соҳаларга йуналтиради.
3. Ссуда фондининг муҳим белгиларидан бири унинг пул шаклида мавжуд бўлишидир. Бошқача айтганда кредит моддий қийматликларнинг пул шаклидаги ҳаракатидир.
4. Ссуда фонди моддий жараёнларга боғлиқ бўлганлиги сабабли, у жамият хўжалиги ресурслари билан ҳам узвий боғлиқдир. Бошқача айтганда ссуда фонди жамият жами ресурсларининг бир қисми ёки жамият иқтисодий потенциалининг элементи ҳисобланади.
5. Ссуда фондининг эгаси энг аввало кредит муассаси ҳисобланади, энг аввало банклар, кредиторлар ва қарз олувчилар сифатида ссуд фондининг энг йирик эгалари ҳисобланади шу билан бирга банклардан ташқари такрор ишлаб чиқариш жараёнинг бошқа субъектлари, жумладан, хўжалик ташкилотлари, аҳоли ҳамда акционерлик, коператив асосида ташкил этган ссуда фондаларига эгалик қилиши мумкин.
6. Ссуда фонди ҳудудий тарқалган бўлади. Масалан: кредит масалаларида ссуда фонди марказий бўлимда ёки унинг жойларидаги бўлимларига жойлаштирилиши мумкин.

7. Ссуда фонди бу йигилган қийматларнинг котиб колган массаси эмас, балкиуларнинг ҳаракатидир.

Назорат учун саволлар.

1. Кредит нима?
2. Кредит объекти ва субъекти деганда нимани тушунаси?
3. Кредит қандай вазифаларни бажаради?
4. Ссуда фонди қандай ташкил қилинади?
5. Кредитни ҳаракат босқичларини изоҳланг?
6. Кредитга бўлган эҳтиёж қачон пайдо бўлган?
7. Ссуда фонди мазмуни қандай ҳарактерланади?
8. Кредит бошқа иқтисодий котегориялар билан қандай алоқада бўлади?
9. Кредит маблағларини манбаи нима?
10. Кредитни таркибини изоҳланг?

9-маъруза: Кредитнинг асосий шакллари ва уларнинг моҳиятлари.

РЕЖА:

I Кредитнинг асосий шакллари.

1. Тижорат кредити.
2. Истеъмолчилар кредити.
3. Ҳалқаро кредит.
4. Давлат кредити ва уни амалга ошириш механизми.

II. Банк кредити ва унинг асосий шакллари:

1. Ишонч кредити.
2. Контокоррент кредити.
3. Очиқ счетлар буйича кредитлаш.

Таянч ибора. Кредит, тижорат кредити, банк кредити, истемолчи кредит, кредит муносабатлари, вексел, консигнация, буюртма датбиркор, контокоррент.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар тула хўжалик ҳисобига утиши муносабати билан, ҳамда мавжуд иқтисодий рақобат курашининг таъсири остида ерга ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияни жорий этишни талаб этади. Бу эса корхоналарнинг қушимча пул маблағларига бўлган талабни оширади. Бу маблағларига бўлган қушимча эҳтиёжлар асосан кредит муносабатлар доирасида қондирилади.

Кредит муносабатлар деб суда фоизини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш вақтида, яъни маблағларни жамғариш уларни қайтариш ҳамда фоиз тўлаш шарти билан маълум муддатга бериш вақтида жамият, меҳнат коллективини ва алоҳида граждaнлар ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларга айтилади.

Кредит муносабатлари жуда турли туман бўлиб, кенг таъсир доирасига эгадир. Улар банклар билан турли корхоналар, меҳнаткашлар ҳамда чет мамлакатлари ва уларни банклар ўртасидаги муносабатларни уз ичга олади. Кредитни қуйидаги асосий шакллар мавжуддир:

1. Тижорат кредити.
2. Банк кредити.
3. Истъемолчилар кредити.
4. Ҳалқаро кредит.
5. Давлат кредити.

Тижорат кредити - бу сотувчиларнинг ҳаридорга тавор шаклида берадиган кредитидир.

Бунда таворлар маълум муддатда пулини тўлаш шарти билан насияга берилади.

Тижорат кредити олувчилар унинг эгасига вексил (қарзини мажбурятномаси) ни беради.

Насияга олиш орқали берилган қарз йиғиндиси таворнинг эл катори нархи ва миқдорига боғлиқ бўлади. Масалан: 1000 метр духоба гесилга ҳар бир метр 2 доллардан берилади. Бундан духоба эгасига ҳаридорга берган қарзи 2000 долларни ташкил этади. Тижорат кредитида фоиз насияга сотилган духоба нархига устама шаклини олади шу сабабли духоба насия катори нархдан юқори нархда берилади. Масалан: духоба нақд пулга ҳар бир метри 2 доллардан сотилса насияга 2.5 доллардан берилади. Мана шу 0.5 доллар устама фоиз бўлади.

Бизнинг мисолимизда 1000 метр духоба устама 500 долларни ташкил этади.

$$(1000 \cdot 2.5 = 2500; 2500 - 2000 = 500)$$

Бевосита кредитнинг оммавий кўринишларидан бири қиммат баҳо таварни (автомашина, уй, телевизор, компьютер, яхта, видеоманитавон в.х) аҳолига насияга сотишдир. Бундай кредит товарларни булғуси даромад ҳисобига сотиш учун қулланилади. У туйинган таварлар етарлар, бинобарин такчиллик йўқ бозор қулланилади. Кредитнинг бу тури ҳозирги шароитда Япония ва Францияда кенг тарқалгандир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиздаги корхона, хўжалик мустиқиллигини мустиқкамланиши ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг улғуржи савдосига муносабати билан тижорат кредитидан фойдаланиш имконияти туғилади. Бундай шароитда корхонада етишмаган маблагларига фақат банк кредитлари балки мол етказиб берувчи корхона маблаглари (тавор шаклида) ҳисобига ҳам тулдирилиши мумкин.

Тижорат кредити беришнинг асосан 5 та усули мавжуд:

1. Вексил усули.
2. Очиқ счёти орқали бериш.
3. Тўловни маълум белгиланган муддатда амалга оширган шароитда чегирма бериш.
4. Мавсумий кредит.
5. Консигнация.

Вексил усулида тавар етказиб берилгандан сўнг сотувчи ҳаридорга траттани такдим этади, ҳаридор уз навбатида акцентлайди яъни траттада кўрсатилган йиғиндини уз вақтида тўлашга розилик беради. Очиқ счёти орқали

тижорат кредитини беришни мазмуни шундайки харидор таворга бюртма бериши биланок, у юклаб жунатилади.

Тўлов эса урнатилган муддатларда вақти-вақти билан амалга оширилиб борилади. Бунда харидор ҳар гал тавар олишда кредитга расмийлаштириб утирмайди яъни кредитга мурожат қилмайди. Чегирма бериш усулида агар харидор тўлов хужжатлари ёзилгандан сўнг, шартномада келишилган маълум давр ичида тўловни амалга оширса тўлов йиғиндисидан чегирма берилади. Агар ушбу давр ичида тўловни тулай олмаса унда тўловни белгиланган муддатда тулик амалга оширади.

Мавсумий кредит - одатда уйинчоклар, сувенирлар, ва бошқа кен истемол молларини сотишда кенг қулланилади.

Масалан чакана савдо ташкилотлари йил давомида арча уйинчокларини сотиб оладилар ва шу йўл билан катта уйинчоклар учун захира туплайдилар. Уйинчоклар ҳақини янги йил байрами уткандан сўнг тулайдилар. Ишлаб чиқарувчилар учун бундай усулнинг қулайлиги шундаки уйинчокларни омборда сақлаш харажатидан холис бўлади.

Консигнация - бу шундай усулки бунда сотиб олувчилар товарларни мажбурятсиз сотиб оладилар, яъни товар сотилгандан сўнг пули туланади. Агар товар сотилмай колса унда у эгасига қайтариб берилади.

Банк кредити - кредит муносабатларни асосий етакчиси ва устун формаси сифатида майдонга чиқади. У қисқа муддатни ўрта муддатли ва узоқ муддатли бўлади.

Банк кредити қуйидаги асосий йуналишларда ҳаракатланиши мумкин.

- 1) Корхоналарни жорий фаолиятини кредитлаш.
- 2) Корхоналарни инвестицион фаолиятини кредитлаш.
- 3) Хусусий шахсларни кредитлаш, (истемолчи кредити бериш, кредит карточкалари эгаларини кредитлаш, уй жой қурилиши учун кредитлар бериш).

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулни унинг сохибларига фоиз тўлаш шарти билан уз қулида жамлайдилар ва уз номидан қарзга бериб фоиз оладилар. Бунда 3 та субъект 1) пул эгаси. 2) кредит ташкилоти 3) қарз олувчилар, кредит алоқаси пайдо бўлади. Банклар қарзни ишончли, пулни самарали ишлатишга кодир хўжалик субъектига қарз берадилар. Улар уз навбатида бу пулни инвестиция учун сарфлаб иқтисодиётни ўстиришга эришадилар. Банк ишончли мижозларни танлаган холда, қарзни учун мол-мулки ёхуд бошқа бойлиги гаровга қуйилган шароитдагина берилади.

Масалан. Банк фермерга 15000 доллар қарз берса унинг гаровга қуйилган мулки қиймати шу йиғиндидан кам бўлмайди.

Тижорат банклари тадбиркорлар учун фирмаларга қарз берса истемолчи товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида истемолчи кредити пайдо бўлади. Масалан: АКШ да банклар истемолчиларга кредит карточкалари беради, уларни нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади харид пули банклар магазинларга берган счетга қараб туланади. Банк орқали кредитлаштиришнинг қўйдагича асосий шакллари мавжуд.

1. Форфейтинг - бу ташки савдони вексилни сотиб олиш орқали молиялаштиришдир. Бунда вексилни сотиб олувчи тўловчининг тулай олмаслик хавфхатарини тулик уз зиммасига олади. Масалан тижорат банки уз мижози бўлган тавор сотувчи вексилни сотиб олади. Тўлов муддати келган сотувчи вексилда кўрсатилган йиғиндини тулай олмайди. Бунда банк вексилни сотган корхонага уз этирозини билдира олмайди. Чунки вексил форфейтинг шаклида тулик сотиб олинган эди.
2. Контокоррент кредити - банкнинг уз мижозига берадиган кредити бўлиб, бу кредит мижознинг эҳтиёжига қараб турли хажмда, аммо шартномада кўрсатилган максимал йиғиндидан ошиб кетмаган холда берилиши мумкин. Контокоррент кредити мижозга турли шаклларда нақд пул шаклида, пул утказмалар шаклида, вексилларни тўлаш яъни қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва бошқа шаклларда берилади.
3. Хисобли кредит - вексилни тижорат банкига сотиш йўли билан олинадиган кредит хисобли кредит дейилади. Вексилни сотиб олиш баҳоси вексилда кўрсатилган, йиғиндидан фоизларни, комисион тулувларининг айириб ташлаш йўли билан аникланади.

Вексил банк номига махсус ёзув индоссаминт орқали утказилади шу билан вексил буйича мавжуд барча ҳуқуқлар банкка утади. Мазмунига кура бу кредит операциясидир. Чунки тижорат банки вексилни эгасига вексилда кўрсатилган муддатга кредит беради. Ломбардли кредит - қимматбаҳо осон ва тез сотиш мумкин бўлган буюмларни гаровга олиб кредит беришдир. Ломбардли кредит қисқа муддатли, миқдори катий белгиланган ссуда хисобланади. Ломбардли кредит берилаётганда гаровга қуйилган мол-мулк тулик баҳоланмайди. Ломбардли кредит муомала соҳасини қисқа муддатли кредитларлашда кенг қулланилади. Кўпинча овердрафт ёки мавсимий кредитлаш шаклида ишлатилади. Авалъ кредити - бунда банк мижозининг мажбуряти учун жавобгарликни уз зиммасига олади. Авалъ кредитини олган мижоз тўловни амалга ошира олмай колса банк кафолатдор шахс сифатида тўловни амалга оширади. Авалъ кредити узоқ ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. Акцентли кредит - бу кредитни шундай шаклидиркибунда банк унга мижоз тамонидан қуйилган утказилувчан вексилни маълум шарт билан атцеплайди. Бу шартга биноан мижоз вексилни коплаш йиғиндисини вексилда кўрсатилган тўлов муддати тугагунга қадар банкка утказиш керак. Банк эса бу шарт асосида вексилни акцентласагина бу кредитни акцентли кредит дейиш мумкин.

Рамбурсли кредит - деганда акредитивни акцентли кредит билан уйғунлашивуга айтилади. Экспортёр хужжатларни банка топширган пайтда товарлар қиймати ўрнига пул эмас балки банк акцентини олади ва экспортёр ушбу банк акцентини тўлов муддати келгунга қадар саклаб туриши мумкин ёки банка маълум дисконт билан топшириши мумкин.

Банк акценнти - импортер банки тамонидан улардан вексилни акцепт ланишига айтилади. Кредит гоят имтиёзли бўлади унинг фоизи бошқага қарз фоизидан кам бўлади хатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин. Талабалар укиш ҳақини тўлашлари учун махсус қарз берилади. Бу қарз учун фоиз энг кўп

бўлганда 8% белгиланади қарз йилига 2500 доллар охириги курсда эса 5000 доллар миқдорида берилади. Бундай қарзни талаба укишини тугатиб пул топгач узади. Истемолчи кредити аҳолини истемол эҳтиёжларини қондиришга мулжалланган, у товар ва пул шаклида бўлиши мумкин хусусан якка тартибда уй-жой кўриш мақсадларига бериладиган узоқ муддатли кредитлар пул шаклидаги истемолчи кредитдир.

Давлат кредити.

Давлат кредити узига хос кредит муносабатларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, булда қарз олувчи сифатида давлат ва унинг органлари майдонга чиқади. Кредитор сифатида эса жисмоний ва ҳуқуқий шахслар майдонга чиқади. Давлат кредити шароитида камдан-кам ҳолларда қарз берувчилар банклар бўлади.

Давлат қарзни турли шаклда, энг аввал давлат заёмлари шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганда қайтариб олиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди.

Заёмларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Заёмлар қарз ҳақи тўлаш жаҳатидан фоиз туламайдиган ютўқ чиқадиган ҳам фоиз бермайдиган ва баъзан фоизсиз бўлади.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини утамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат уз маблағларини ҳисобига банкда қарз фондини ташкил этади ҳазинадан қарз ҳам беради. Ҳазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларни молиявий санацияси соғламлаштириш учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бери ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Аммо фоиз гоят имтиёзли бўлади ва даромат олишни кузламайди. Давлат уз қарзидан воз кечиши мумкин.

Ҳалқаро кредит.

Ҳалқаро кредит - узига хос кредит муносабатларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, бунда бир мамлакатдан товар ёки пул ресурслари бошқа бир мамлакат тамонидан ижтимоий иқтисодий ривожланишни тезлаштириш ҳалқаро меҳнат тақсмотини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни жаҳондаги фан-техника ютўқлари асосида ташкил этиш мақсадида ишлатилади. Бунда кредит муносабатларни субъектлари сифатида давлат, банклар, ҳалқаро валюта-кредит ташкилотлари ва алоҳида ҳуқуқий шахслар майдонга чиқади.

Ҳалқаро кредитлар асосий шакллари сифатида Фирмавий кредит, акцентли кредит, акцентли рамбурсли кредитидларни айтиш мумкин.

Фирмавий кредит-бу бир мамлакат фирмаси тамонидан иккинчи мамлакатдаги фирмага берилган кредитдир. Унинг энг кўп тарқалган тури - бу экспортернинг импортёрга товарларни тўлов муддатини кечиктириш асосида сотишга асосланган кредитдир.

Акцентли кредит - бу йирик банк тамонидан тартталарни акцепт лаш шаклида бериладиган кредитдир. Агар экспорт қилувчи импорт қилувчининг

тўловга қобилиятдан шубҳа қилса ёки тўлов йиғиндисини тезда хоҳласа, ушбу кредитдан фойдаланилади.

Акцептли - рамбурсли кредитнинг маъноси шундаки, экспорт қилувчининг векесили мамлакат банки тамонидан акцентланади ва импортёр вексилда кўрсатилган йиғиндини акцентланган банка утказди.

Бизнинг шароитимизда Банк томонидан миқдорларга бериш алоҳида ссуда ҳисобларидан, контаккоррент ҳисобидан ва овердрафт ҳисобидан амалга оширилиши мумкин ҳисоб кредитнинг мақсади ва мазмунига мувофиқ очилади. Кредит берилганда миқдордан муддатли мажбуриятнома олиниб (корхона раҳбари ва бош бухгалтер ишлари имзолари ва корхона муҳри билан) унда кредит қайтарилиши лозим бўлган муддатга корхона банкидаги узининг тегишли ҳисобидан белгиланган сўммани сўзсиз талаб бериши мажбурияти расмийлаштирилган бўлади. Муддатли мажбуриятнома банкда балансдан ташқари 91809 ҳисобига қилинади. Кредитни қайтариш муддати етиб келганда қарз олувчи ҳисобида кредитни қайтариш учун маблағ бўлмаса, кредит муддати ўтган кредитлар ҳисобига утказилади. Кредит бўйича муддатли мажбуриятнома 2-картотекага олинади ва календар навбат тартибида туланиши лозим.

а) Ишонч кредит

Моддий таъминлаганлиги талаб этилмасдан берилган кредит ишонч кредити ёки бланк кредити деб юритилади. Бундай кредит берилиши банк ун қатта таваккалчиликни билдиради ва шунинг учун у тўловга лаёқатлилигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаган ва банк билан мунтазам алоқадаги хўжалик юритиш субъектларига берилиши мумкин (қ. қобилият №). Ишонч кредити қарз олувчи томонидан тақдим этилган илтимоснома ва аризага мувофиқ кредит қамитети қарори билан берилиб, тегишли равишда кредит шартномаси тузилади (гаров ёки қаролат талаб этилмайди). Қарз олувчи кредитни уз муддатида қайтариш ҳақида банкка муддатли мажбуриятнома топширади.

б) Алоҳида ссуда ҳисоби бўйича кредитлаш

Алоҳида ссуда ҳисоби орқали кредитлаш «кредит линияси» очмасдан ва кредит линияси очган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Кредит қарз олувчининг асосий фаолияти билан боғлиқ товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлашга 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга аккредитивлар очишга берилиши мумкин.

«Кредит линияси» очмасдан кредит берилганда банк алоҳида ссуда ҳисоби орқали бир марталик кредитлар беради. Ҳар бир кредит бўйича алоҳида ҳужжатлар пакети қолида мувофиқ расмийлаштирилади. Ҳар бир кредит учун кредит қамитетининг алоҳида ҳулосалари зарур бўлади. Кредит линияси очилган ҳолда кредит бериш бериладиган кредит энг юқори сўммасини (кредит линияси) олдиндан. Кредит пакети ҳужжатлари мана шу сўммага расмийлаштирилади. Кредит линияси бўйича кредит одатда, қишлоқ хўжалик

махсулотини қайта ишловчи, тайёрловчи, савдо ва таъминот ташкилотларига улар барқарор молиявий ахволига эга бўлганда бўлади.

Очилган кредит линияси сўммасига банкдан қарз олувчи олдиндан гарантияли мажбуриятномаси расмийлаштирилади. У икки нусхада тузилиб, бир нусхаси банк бухгалтериясида 91809 ҳисобда ҳисобга олиниб, иккинчи нусхаси қарз олувчига юритилган йиғма жилдда сақланади.

Кредит линияси очилиши банк томонидан қарз олувчига банк вакиллик ҳисоби ахволдан катий назар кредит шартномасида кайд этилган сўмма доирасида ва муддатда кредит бериш мажбурияти олинганлигини билдиради. Кредит линияси очилган иш билан банк унинг жами сўммасига нисбатан ишлатилиши даражасидан катий назар фоиз ҳисоблаш ҳуқуқига эга бўлади ва бу кредит шартномасида кайд этилади.

Алоҳида ссуда ҳисоби бўйича берилган кредитларнинг қайтарилиши кредит шартномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Кредит шартномасида кредитни қайтаришнинг қуйидаги усуллари белгиланиши мумкин.

1. Қарз олувчининг ҳисоб-китоб ҳисобидан муддати етиб келган қарзларни муддатли мажбуриятномаларга биноан ундириб олиш.
2. Муддатдан аввал қарзларнинг уз ҳисоб-китоб ҳисобидан тўлов топширикномаси билан ссуда ҳисобига маблағнинг утказилиши орқали.
3. Қарздор товар-моддий бойликлар ва хизматлар учун олинган векселларни банкда ҳисобга олиш орқали.
4. Қарздор банкка топширган гарантия, кафиллик ёки гаров бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш.

Овердрафт

Овердрафтда банк мижозга унинг ҳисоб китоб-ҳисобида қисқа даврда дебет колдик бўлишига рухсат беради. Овердрафтдан фойдаланиш ҳуқуқи банкнинг ишончли мижозларига берилади ва бу овердрафт бўйича кредит шартномаси тузиб расмийлаштирилади. Шартномада берилиши мумкин бўлган кредит сўммаси кўрсатилган бўлади.

Кредит бериш қарздор асосий фаолияти билан боғлиқ товар моддий бойликлар ва хизматлар учун пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини овердрафт ҳисобидан тулаб бериш йўли билан амалга оширилади.

Қарздорнинг овердрафт ҳисобига туланаётган барча сўммалар қарзни қайтаришга йуналтирилади. Шунинг учун овердрафт ҳисобиданги дебет колдиги (қарз сўммаси) маблағ тушишига мувофиқ холда ўзгариб туради.

Қарздор ҳар ойнинг охирида овердрафт ҳисобида кредит колдикни таъмин этиши лозим. Агар овердрафт ҳисобда ой охирида дебет колдик ҳосил бўлса, у қарздорнинг банкдаги депозит ҳисобидаги колдикдан ортиб кетмаслиги керак. Депозит ҳисобда колдик бўлмаганда овердрафт ҳисобда ой охирида кредит колдик таъмин этилмаса, ундаги дебит колдик тугатилгунча қадар кредит бериш тўхтатилади.

Назорат учун савлолар.

1. Тижорат кредити беришнинг қандай усуллари мавжуд?
2. Кредитнинг асосий шакллари айтинг.
3. Истемолчи кредити ва уни турларини айтинг.
4. Банк кредити ва уни турларини айтинг.
5. Контокоррент кредити қандай тартибда берилади?
6. Давлат кредити деганда нимани тушунаси?
7. Ҳалқарокредит ва унинг асосий шакллари тўғрисида нима дея оласиз?
8. Ҳалқаро ташкилотлар берадиган ҳалқаро кредитларнинг хусусий банклар билан берадиган кредитлардан фарқи борми?
9. Алоҳида ссуда ҳисоби бўйича кредитлаш фарқи борми?
10. Овердрафт нима?

10- маъруза: Ўзбекистонда кредитлашнинг хусусиятлари.

Режа:

1. Кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш.
2. Қарзларни суғўрталаш.
3. Кредит фоиз сиёсати.

Таянч ибора. Бизнес, тадбиркор, суғўрта, бизнес план, ҳисобот, рақобат, гаров, кафолат, хусусийлаштириш, бизнес-фонд, солиқ инспекцияси.

Республикада ҳалқ-хўжалигини кредитлашнинг энг муҳим манбаларидан бири хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлардир. Ўзбекистон хусусийлаштиришдан тушган барча маблағларни давлат бюджетига эмас балки хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашга ҳамда бозор инфратузилмасини ривожлантиришга йуналтирилган дунёдаги камдан-кам давлатлардан бири ҳисобланади.

Республикада хусусийлаштирилган корхоналарни кредитлашнинг биринчи хусусияти шундаки, маблағлар давлат тасаруфидан чиқариш ҳисобига ҳосил бўлади ва Давлат мулки кумитасининг махсус ҳисоб варагида жамғарилади.

Иккинчи хусусияти шундан иборатки, республика молия вазирлиги билан келишилган ҳолда кредитдан фойдаланишнинг имтиёзли сурилувчи фоиз ставкаларини белгиланади.

Фоиз ставкасини миқдорини ўзгариши ҳар чоракда юз беради, лекин у ҳар доим республика ўртача банк фоиз ставкасидан паст бўлади. Бундан қўринадики, мулкчилик шаклини нодавлат мулкчилик шаклига ўзгартирилган корхона янги шаклда фаолият кўрсатишнинг биринчи куниданок уз бизнес дастурларини амалга ошириш учун давлат корхоналаридагига нисбатан фойдалирок шартларда олиш имкониятига эга бўлади. Шуниси муҳимки, лоиҳаларни кредитлаш ҳақида қарор фармойиши бериш юқоридан кўрсатиш йўли билан эмас, балки катъий иқтисодий ҳисоблар асосида қабул қилинади.

Қарз олишни расмийлаштириш учун хусусийлаштирилган корхоналар томонидан Давлат мулк кумитасига қуйидагиларни топшириш талаб қилинади:

1. Хат-қарз оладиган корхона кирадиган хўжалик ташкилоти (холдинглар, понцернлар уюшмалар ва ҳақозо) нинг тавсияномаси.

2. Корхонанинг кредит олиш аризаси (маблағ билан таъминлаш бўйича илтимоснома-хат).

1. Лоиханинг бизнес режаси ёки техник иқтисодий асоси унда қуйидагилар акс эттирилиши тавсия қилинади.

1) Ишлаб чиқаришга тавсия қилинаётган товар (хизмат) лар ишлаб чиқариш хажми, ракобатбардошлилик.

2) Бозорни баҳолаш (мавжуд ахвол, сотиш, ракобат).

3) Таваккалчиликни баҳолаш ва суғўрта.

4) Молиявий режа ва молиялаш стратегияси (уз маблағлари ва қарз олинадиган маблағлар ҳисобидан).

5) Лоихани амалга оширишнинг тармоқ ёки календарь режаси.

6) Мавжуд ва зарур микдордаги кувват ҳамда ресурслар (ишлаб чиқариш майдонлари, тахнологиялар, ускуналар, хом-ашё ва материаллар, коммуникация ва ҳақозо).

7) Қарз маблағлардан фойдаланишнинг молиявий натижалари ва кредитни узиш тартиби.

8) Лоихани экологик хавсизлиги.

4. Корхонани руйхатдан утказганлиги ҳақидаги қарор устав ва давлат мулк кумитасининг мукка эгалик ҳақидаги ордери нусхалари.

5. Хизмат кўрсатадиган банкнинг қарз суралаётган пайтда қарз сураётган корхонанинг кредиторлик қарзи бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотномаси.

6. Қарзнинг қайтарилишини таъминлаш кафолати (суғўрта компаниси ёхуд вакил қилинган банкдан гаров ёки кафолат ҳақидаги шартномаси).

7. Корхонани охириги ҳисобот даври (кредит сураб мурожат қилишдан олдинги чорак) учун баланс нусхаси.

Унга рахбар ва бош бухгалтер имзо чекган мухр босилган бўлиши шунингдек қарз олувчи жойлашган манзилдаги солиқ органининг мухри босилган бўлиши, зарур ҳолларда эса қарз олувчининг молиявий ахволи ҳақида аудиторлик ташкилотининг хулосаси бўлиши лозим.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесни кредитлашнинг ҳам узига хос томонлари бор. Бундай гуруҳ корхоналарини кредитлашнинг ҳамда қабул қилинган анъанавий молиялаш маблағларидан ташқари Ўзбекистон Республикасида махсус кредитлаш манбалари мавжуд.

Хукумат қарорига мувофиқ Хусусий тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш мақсадида Республикада махсус фонд яъни Республика бизнес фонди ташкил қилинган.

У жалб қиладиган маблағлар Уздадбиркорбанк орқали жамғарилади ва қуйидаги асосий вазифаларни бажариш учун қайтариш шарти билан кредитлар қурилишида ажратилади.

- лойхани имтиёзли кредитлаш йўли билан хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга молиявий ёрдам кўрсатиш.
- республика ҳудудларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг кенг инфратузилмасини ривожлантиришган кумаклашиши.
- хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес сармоя лойихаларини амалга ошириш учун турли кредит муассасаларидаги қарз сармояни жалб қилиш учун талаб қилинадиган кафолатлар, мажбуриятлар ва кафилликлар бериш.
- лойихаларнинг ҳалқоро андозаларга мос келадиган техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга "грант" тузим ва бериш ҳамда уларни амалга ошириш билан боғлиқ суғўрта полисини коплаш.
- хорижий жохозлар визингини ташкил қилиш асосида хусусий тадбиркорликка ва кичик бизнесга технологик кумак кўрсатиш.

Бизнес-фондини нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун унга бюджетдан ва ҳар йили хусусийлаштиришдан тушадиган ҳамма сўм манинг 50 фоиз миқдорда маблағ ажратилади.

III

Ўзбекистонда кичик бизнес кредитлашдаги яна бир муҳим хусусияти шундаки давлат қарзларни сугирталашнинг ишончли механизмни яратди.

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес суғўрта ҳимояси буйича "Мадад" агентлиги тузилган.

Унинг бўлинмалари республиканинг барча ҳудудларида жойлашган бўлиб, жойларда вужудга келган масалаларни дарҳол ҳал қилишга имкон беради.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларини суғўрталашнинг қуйидаги тартиби тасдиқланган:

1. "Мадад" агентлиги Бизнес фонд билан ёкин алоқада ишлайди, белгиланган тартибда таклифлар ва лойихалар экспертизасини таъминлайди, шунингдек Бизнес фондининг қарз олувчиларга кредитлар ажратиш учун асос бўладиган суғўрта полиси берилишини таъминлайди.

2. Тадбиркор ҳужжатлар мажмуаси (Устав балансин, лойиха, бизнес режаси) билан "Мадад" агентлигига мурожаат қилади.

3. "Мадад" агентлиги топширилган ҳужжатлар экспертизасини утказади: сўнгра экспертиза натижалари агентлик бошқарувига хабар қилинади ва у суғўрта кафолати беришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида қарор чиқаради. Рухсат булгач, тадбиркор билан суғўрта шартномаси тузилади ва шу асосда суғўрта полиси берилади.

4. Тадбиркор шартнома асосида агентликка сугарта тўловини утказади. Агар тадбиркорни суғўрта тўловини тўлашга маблағи бўлмаса у ҳолда тўлов Бизнес фонддан кредит олингандан сўнг амалга оширилади.

5. Кредит ва суғўрта шартномасининг амал қилиш даврида "Мадад" агентлиги ажратилган ва суғўрталанган кредитдан мулжалланган мақсадда фойдаланилаётганлигини текширади.

6. Кредит ёки унинг бир қисми узилмаган ҳолда кредит шартномасининг амал қилиш муддати тугатилгач "Мадад" агентлиги Бизнес фонднинг

маълумоти буйича суғўрта кези келгани ҳақида далолатнома тузади ва 10 кун муддат ичида тўлов топширикномаси буйича Бизнес фонднинг тегишли ҳисоб варагига муаян сўммани утказди.

Бизнес-фонд томонидан кредитларнинг ажратилиши одатда "Мадад" суғўрта агентлиги берган суғўрта полиси ва кредит шартномаси асосида фонд бошқарувининг қарори буйича Уздабиркорбанк орқали амалга ошади.

Имтиёзли кредитларнинг берилиши Бизнес фонд томонидан давлат маблағларидан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилади ва иқтисодиётнинг устивор тармоқларидаги хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таминлашга йуналтирилади.

Имтиёзли кредитларни узиш муддати лойиҳанинг харажатларини коплаш муддатига қараб 10 йилгача муддатга 2 йилдан 5 йилгача имтиёзли давр билан белгиланади. Имтиёзли кредит буйича фоиз ставкаси катъий белгиланмаган.

Кредит ажратиш учун зарур ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Лойиҳанинг кенг (батафсил) Бизнес-режаси.
2. Корхонанинг устави (нотариус ёки ҳокимликдан тасдиқланган бўлиши керак).
3. Корхонанинг солиқ инспекцияси тасдиқлаган баланси.
4. Корхонанинг молиявий ахволи ҳақида банк маълумотномаси.

Объектлар қурилиши 2 млн сўмгача ташкил этадиган лойиҳалар буйича Бизнес-режа бўлимида қуйидаги қушимча ҳужжатлар топширилиши лозим.

- ҳокимликнинг қурилиши учун ер ажратиш ҳақидаги қарори.
- меъморлик режалаш топшириги.
- экологияга салбий таъсири йўқлиги ҳақида табиатни муҳофаза қилиш органларнинг хулосаси.
- объектларни сметаси ва йириклаштирилган смета ҳисоби.
- лойиҳага техникавий экспертиза хулосаси.

Қурилиш ишлари ҳажми 2 млн сўмликдан ортиқ бўлганда:

- ҳокимликни ер ажратиш ҳақидаги қарори.
- меъморлик-режалаш топшириги.
- табиатни муҳофаза қилиш органларининг хулосаси.
- тулик ҳажимдаги лойиҳа-смета ҳужжатлари.
- лойиҳага идорадан ташқари давлат экспертизасининг хулосаси.

Юқорида баён қилинган кредитлаш ва суғўрталаш тизими собик иттифок мамлакатларининг ҳеч қайсисиникига ухшамайди.

IV. Бозор иқтисодиётини ривожлантиришда унга хорижий инвестицияларининг жалб қилиниши ва унда иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бир неча ихтисослаштирилган хорижий фондлар фаолият кўрсатмоқда.

Улардан бири Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш фонди ҳисобланади. АКШ ва Ўзбекистон ҳукумати кумагида тузилган бу фондга анча-мунча ҳуқуқий ва солиқ имтиёзлари берилган. Бу имтиёзлар унга

кичиқ ва ўрта бизнес вакилларига паст фоиз ставкалари буйича кредитлар бериш учун имкон беради.

Фонднинг яна бир узига хос хусусияти, кредитлар беришдан ташқари корхонанинг акциялари мажмуасини сотиб олади ва бевосита инвестициялаш йўли билан тўғридан-тўғри уларни тижорат фаолиятида иштирок этади.

Фонд давлат оппарати таъсиридан бутунлай хали мустакил тизимидадир. Фондни 2 та асосий дастури мавжуд:

1. Тўғридан-тўғри сертификатлаш дастури. Бу дастурга кура, истикболли тижорат корхоналарига, шу жумладан худудга ҳозирги замон технологияларини, молиявий ресурсларни олиб келиши мумкин балган бутун дунё инвеститорлари иштирок этадиган кушма корхоналарга улуш билан хатлашиши ва кредитлаш шаклида тўғридан-тўғри инвестициялар берилади.
2. Алоҳида компания сифатида тузилган лёкин фонд томонидан тулик назорат қилиб туриладиган компания филиали "Кроссроудс" Осиё кредит компанияси кичиқ тадбиркорларга 100 000 АКШ долларигача кредитлар беради.

Биринчи дастур буйича Фонд ўрта хусусий корхоналарга шу жумладан янги тузиладиганларига улуш билан катнашиш шаклида ҳам, кредитлаш шаклида тўғридан-тўғри сармоялар беради. Улуш билан катнашиш шаклидаги инвестицияни амалга оширишда Фонднинг катнашиш улуши одатда 20% дан 40% гачани ташкил қилади. Фонд белгиланган акциядорлик сармоясига кушиладиган минимал бадал 250000 АКШ доллари, максимал бадал 5 000000 АКШ доллари айрим ҳолатлардагина Фонд ушбу чекловлардан истисно қилиш имкониятларини куриб чиқиш мумкин.

Фонд орқали кредит беришда кредитлар АКШ доллариди ёки бошқа катъий валюталарда берилади. Кредитнинг асосий қисми ва фоизлар буйича вақти-вақти билан тўловларни амалга ошириб туриш мажбурий. Осиё кредит компанияси "Кроссроудс" (Кичиқ бизнесни кредитлаш дастури)-бошловчи тадбиркорларга 100000 АКШ долларигача кредит беради. Бажарилиши мажбурий бўлган мақуллаш тадбири ва кредитни узиш дастури маҳаллий банклар билан ҳамкорликда бажарилади.

Маҳаллий компаниялар томонидан ҳам, ҳалқаро компаниялар томонидан ҳам қилинадиган инвестиция таклифлари - агар лойиха ҳеч бўлмаганда озгина маҳаллий улушни уз ичига олса маблағ билан таъминланиши мумкин.

Бўлажак инвестиция олувчилар томонидан аризаларни бериш, фонд аризаларни куриб чиқиш ва мақуллашнинг катъий ҳамда батафсил тадбирлар ва мезонлари белгиланган.

Корхона ва тадбиркорлар фондга лойиха билан мурожаат қилганида таклифни ёзма равишда расмийлаштириш керак. Таклиф қуйидагиларни уз ичига олиши керак; инвестиция учун аризанинг баёни, улуш билан катнашиш ёки кредитдан тушадиган маблағдан қандай фойдаланиши ҳақидаги ёзма тушунтириш, фирма мулкчилик шакли ва раҳбарлик таркибий тузилиши қисқача баёни, таваккалчиликнинг қисқа баёни молиявий кўрсаткичлар ва

тахмин қилинаётган фойдаларнинг таҳлили, лойихага кушиладиган активларга эгалик ҳуқуқини очиқ-ойдин белгилаб берадиган юридик ҳужжатлар.

Фонд учун тахмин қиланаётган чиқиш стратегияси, кузда тутилаётган инвестицияларнинг атроф муҳитга таъсири ҳақидаги ҳужжат, компаниянинг барча маҳаллий қонунларига риоя қилиниши ҳақида фонд раҳбариятини ишонтирувчи хати.

Ариза топширилгандан кейин фонд дастлабки ялпи текшируви утказади. Бу текширув жойни узига боришни молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишни ариза берувчини анкета маълумотларини текширишини, кушиладиган активларни баҳолаш ва ялпи текширув жараёнининг барча жихатларини ҳужжатларни тайёрлашни уз ичига олади. Сўнгра фонднинг юқори раҳбарияти таклифга уз баҳосини беради. Агар зарур бўлса, яна камкустлари тузатилади.

Мақуллаш жараёни: Фонд раҳбарияти таклифни текшириб чиққандан кейин уни узил-кесил куриб чиқиш учун инвестиция кумитасига ёки таркибдаги директорлар кенгашига топширади. Таклиф мақуллашдан кейин томонларнинг узил-кесил келишилганликларини белгиловчи ва ҳамма шартларни камрайдиган юридик ҳужжатларнинг тулик мажмуаси тайёрланади. Барча ҳужжатлар жамланганидан ва барча зарур имзолар қуйилганидан кейингина маблағлар берилади.

V. Инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ҳақидаги қарорни қабул қилишда уларнинг техник-иқтисодий асосланиши жуда муҳим бўгин ҳисобланади. Бу муаммони ҳал қилиш учун Ўзбекистонда республика инжиниринг компанияси "Узинвестлойиха" тузилган. Бу компания акциядорлар жамияти сифатида ташкил этилиб, унинг таъсисчилари етакчи лойиҳалаш институтларидир.

"Узинвестлойиха" инжиниринг компаниясининг асосий вазифалари ва йуналишлари қуйидагилардан иборат.

1. Инвестициядан олдинги тадқиқотларни бажариш (бизнес-режаларни техник иқтисодий асосларни, маблағ билан таъминлаш схемалари ва бошқа материалларни ишлаб чиқариш) ва инвестиция лойиҳаларига доир эксперт-маслаҳат тадбирларни амалга ошириш.
2. Инвестиция лойиҳаларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқариш.
3. Инвестиция лойиҳаларини ҳалқаро андозаларга мувофиқ тайёрлаш учун услубий тавсияномалар, шакллар ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш.

"Узинвестлойиха" йирик инвестиция лойиҳалари устида иш олиб бориш билан бирга кичик бизнес учун жуда зарур лойиҳаларни юқори малакали савияда ишлаб чиқиш билан шугулланишга ҳам жалб қилинган. "Узинвестлойиха" кичик ва ўрта корхоналар учун батфсил маркетинг тадқиқотларни бажаради замонавий тенологияларни ишлаб чиқади.

Назорат учун саволлар

1. Бизнес фонд қачон ташкил этилган?
2. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар қандай мақсадларга сарфланади?
3. Қарз олиш учун тадбиркор қандай ҳужжатларни расмийлаштиришлари керак?

4. Бизнес фонд томонидан қандай мақсадларга кредит берилади?
5. «Мадад» суғурта агентлиги нима мақсадда ташкил этилган?
6. Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесни кредитлашни узиға хос хусусияти борми?
7. Марказий Осиё – Америка тадбиркорликни қуллаб қувватлаш фрондини асосий дастури нима?
8. Узинвестлойиха инжениринг компаниясининг асосий вазифалари ва йуналишлари қандай?
9. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес қандай суғурталанади?
10. Бизнес фонд маблағлари қандай маблағлар ҳисобига ташкил қилинади?

11 маъруза: Кредит хатар ва уни бошқариши.

Режа:

1. Кредит хатарини баҳолаш мезони.
2. Фоиз хавф-хатари.
3. Кредит ва фоиз хатарига таъсир этувчи омиллар.

Таянч ибора. Актив, пассив, фоиз, кредит, мижоз имконияти, гаров, капитал, фоиз, хавф-хатар, ликвидлик, рақобат, баланс.

Ривожланган бир қатор мамлакатларнинг хусусан. АКШ. Германия, Швейцария, Франция каби мамлакатларнинг банк амалетида кредит хавф-хатарини баҳолашининг 5та мезони қулланилади.

1. Мижознинг обрӯ-эътибори
2. Мижознинг имконияти
3. Мижознинг капиталли
4. Шарт-шароитлар

5. Гаров. мижознинг обрӯ-эътибори деганида унинг зиммасидаги мажбурятларни уз вақтида бажариш соҳасида ортирган шуҳрати тушунилади. Мижознинг имконияти деганда, унинг барча операциялар буйича ёки аниқ бир лойиха буйича пул маблағларига эга бўлиш имконияти тушунилади.

Мижоз капиталининг маълум бир қисми кредит суралаётган объектини молиялаштирилишига жалб этилиши керак яъни, хавф-хатарнинг маълум бир қисми мижознинг ҳиссасига ҳам тўғри келиши керак.

Шарт-шароитлар деганда мижоз корхонасига мансуб бўлган тармоқнинг, маҳаллий бозорнинг ва умуман иқтисодиётининг жорий ҳолати тушунилади.

Гаров мижозининг мазмуни шундаки кредит ликвидлик гарови билан белгиланган бўлиши керак.

Фоиз хавф-хатари деганда фоиз ставкаларининг даражаси ва ҳаракатининг ўзгариши натижасида сарар кўриш хавфи тушунилади.

Фоиз хавф-хатари дебиторларни ҳам кредиторларни ҳам уз қарига тортади. Фоиз хавф-хатарини минималлаштириши мумкин. Фоиз хавф-хатарини бошқаришининг бир қанча усуллари мавжуд. Бўлар жумласига қуйидагиларни қиритиш мумкин.

1. Активларни бошқариш

2. Пассивларни бошқариш

3. Фоиз мажмуасини бошқариш

4. ПЭЛни бошқариш Активларни бошқариш, одатда маблағлар маблағи билан тўғридан-тўғри боғлиқ равишда амалга оширилмайди.

Активлар йегиндисининг усиши сабабларини фойдалилик даражасини ва хавф-хатарга учраши эҳтимолларини таҳлил қилиш орқали фоиз хавф-хатарини минималлаштиришга эришиши мумкин. Аммао активларни бошқариш 20 мил билан чеклаб қолади.

1. Активнинг ликвидлилиги ва кредитни тулай олмаслик хавфини мавжудлиги.

2. Бошқа банклар томонидан кредит баҳосини белгилашда ракобатнинг мавжудлиги билан банк пассивларни бошқариш, пассивларга нисбатан, уларни активлар портифелини миқдори ва таркибини белгиловчи муҳим омил деб ҳисоблашга асосланади. Шу сабабли пассивларнинг миқдоирини муддатини ва уларни жалб қилиш ҳаракатларини кредитлар партифел билан мувофиқлаштир иш-фоиз хавф-хатарини минималлашти-ришнинг оқилона йўли ҳисобланади.

Пассивларни бошқаришни узига хос томонлари бор.

1. жалб қилинган маблағларнинг баҳоси банкларнинг кўпчилик кредитларидан келадиган даромадлардан анча паст

2. кредитларнинг фоиз ставкаси бозор орқали аниқ урнатилади ва шунинг учун ҳам депозитларнинг қийматига нисбатан ўзгарувчан ҳисобланади

3. Банклар ва бошқа кредит институтлари томонидан жалб қилинган маблағлар ўзаро кучли ракобатда бўлади.

III. Ҳар бир тижорат банки маълум даражадаги фоиз мартасига эришишига ҳаракат қилади. Бу эса уз навбатида кредит хавф-хатарининг маълум даражасини белгилаб беради.

Фоиз мартасининг даражаси қанчалик юқори бўлса, банкнинг кредит хавф-хатарига йўл қуйиш эҳтимол шунчалик юқори бўлади.

Фоиз мартасини белгилаб қуйилган даражаси қуйидаги омиллар таъсирида вақти-вақти билан ўзгариб туради.

1. Фоиз ставкаларининг ўзгариши

2. Ракобат

3. Хавф-хатар даражасининг ўзгариши

Умуман олганда фоиз мартасини бошқариш мураккаб жараён бўлиб банк операцияларининг, ўзгаришини фоиз ставкаларини ва умуман иқтисодиётдаги ўзгаришларни доимо таҳлил қилиб боришини талаб қилади. Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда кўпчилик банклар катъий белгиланган ставкада кредитлашни амалга ошира олмайдилар. Уз навбатида корхоналар ҳам аҳоли ҳам катъий белгиланган ставкада депозитлар қуйишни хохламайдилар. Инфляция сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик шароитида юз бераётган бўлса, унда фоиз ставкаларни олдиндан чамалашнинг умуман иложи бўлмайди.

Банк балансида катъий белгиланган ҳамда сўзиб юрувчи ставкадаги активлар ва пассивлар бўлишига қарамасдан, активларни муддатлари буйича

мувофиклаштира олмаслиги мумкин шунинг учун банк даромад келтирадиган активларнинг айримларини танлаб олиб фоиз ставкаларнинг ўзгаришини аниклашга ҳаракат қилиш лозим.

Кредитлаш жараёнида банк корхонага тегишли активларни химоя қилиш мумкин.

Агар қуйидаги 3 шарт бажарилса гаров йўли билан кредит хавф-хатарни минимал даражада қисқартириш мумкин.

1. Гаровга олинган активлар бошқа банклар учун гаров объекти бўлмаслиги керак
2. Гаровнинг қиймати берилган ссуда қийматига мос бўлиши керак
3. Гаровга олинган активларнинг ҳолати устидан вақти-вақти билан назорат олиб бориши керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида кредитлар учун гаров объекти сифатида товар моддий қийматлар ва асосий воситалар ишлатилмоқда. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида энг ликвидли ва ишончли гаров объекти бўлиб ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозлари ва ер ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасидан ерга хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги, республикамизда қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги сабабли бу ички муҳим омил гаров объекти сифатида фойдаланиш имкониятини бермайди.

Назорат учун саволлар.

1. Кредит хавф-хатари деганда нимани тушунаси?
2. Фоиз хавф-хатарини бошқаришнинг қандай усуллари биласиз?
3. Активларни бошқариш орқали фоиз хавф хатарини минималлаштириш мумкинми?
4. Фоиз маржасини бошқариш қандай амалга оширилади?
5. Муаммоли ссудалар ҳақида нималарни биласиз.
6. Пассивларни бошқариш орқали фоиз хавф-хатарини қисқартириш мумкинми?
7. Фоиз маржаси бошқариш жараёнига инфляция қандай таъсир кўрсатади?
8. Кредитлаш жараёнида банк активларини химоя қилиш мумкинми?
9. Ликвидли активларни гаровга олиш йўли билан Ўзбекистон Республикасида банк кредитларини таъминлаш имконияти мавжудми?
10. Ҳалқаро кредитлар буйича қарздорлик муаммоси ва уни энг маъқул ҳал этиш йўллари қандай?
11. Умидсиз кредитларни коплашга мулжалланган захира фонди қандай ташкил топади?

12-март: Банк тизими.

РЕЖА:

1. Банклар турлари ва вазифалари.
2. Банк тизими.
3. Банклар фаолиятини ташкил этиш.

Таянч иборалар. Банк, мижоз, инвестиция, марказий банк, тижорат банклари, ипотека банклари, ламбард, пай, акция, кооператив банк.

Ҳар қандай корхона, ташкилот ва ҳўжаликлар ишлаб чиқаришни узликсизлигини таъминлаши ва уни кенгайтириш имкониятларини ишга солишга ҳаракат килар экан алббата критга бўлган эҳтиёж вужудга келади. Корхона, ташкилот ва ҳўжаликларни кридетга бўлган эҳтиёжлари кридет мусасалари тамонидан кондирилади. Кридет мусасалари муаян мамлакат территориясида кридет ишларини амалга оширадиган мусасалар бўлиб улар таркибига банклар, сугута жамоалари, ҳар-хил фондлар ламбарларни киритиш мумкун. Улар орасида банклар тизими муҳим урин тутди. Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлик шартлари асосида уз номидан жойлаштириш учун тузилган муасаса банкидир. Банклар ҳуқуқий шахс ҳисобланади.

Банклар корхона, ташкилот ва аҳолидан пул омонатларини қабул қиладилар ва жойлаштирадилар. Кридетлар берадилар, мижозлар ва гумашта банкларнинг топширигига кура ҳисоб китобларни амалга оширадилар ва уларга касса хизматини кўрсатадилар.

Банклар қонунига ҳилоф бўлмаган ва уз уставларида кузда тутилган бир қанча операцияларни амалга оширадилар яъни:

- а) мижозлар ва гумашта банкларни ҳисоб рақамини юритиш.
- б) инвестиция сарфланган маблағлар эгасининг ёки уларни тассаруф этувчиларнинг топширигига кура капитал маблағларни пул билан таъминлаш.
- в) тўлов ҳужатлари ва бошқа хил қимматли қоғозлар (чеклар, аккредитивлар, векселлар, акциялар, ойлигациялар ва шу кабилар) чиқари.
- г) давлат тўлов ҳужатлари ва бошқа қимматли қоғозларни ҳарид қилиш, сотиш ва сақлаш.
- д) учинчи шахслар учун пул шаклида ижро этиш назарда тутувчи кафиллик, кафолат бериш.
- с) таварлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш юзасидан келиб чиқадиган тўловни талаб қилиш ҳуқуқини олиш.
- ж) асбоб ускуна, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар сотиб олиш ва уларни ижара шароитлари асосида утказиш.
- з) чет эл валюталарини ташкилот ва фуқоролардан ҳарид қилиш ҳамда уларни сотиш.

Шунингдек банк фаолиятига боғлиқ бўлган мусасалар юзасидан маслаҳатлар беришни амалга оширадилар.

Банк операцияларини амалга оширишга ваколати бўлмаган шахслар ва идоралар томонидан бажарилган банк операциялари ҳақий деб ҳисобланмайди.

Банкларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва қимматга эга бўлган материаллар савдо қилиш соҳасида шунингдек суғўртанинг ҳамма кўринишлари буйича фаолиятини амалга ошириш тақикланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк системасига қўйдагилар киради:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муасаса.

- 2) Ўзбекистон Республикаси ташкий иқтисодий фаолияти. Миллий банки.
- 3) Республика хисададорлик-тижорат синаб кўриш банки.
- 4) Республика хисададорлик-аргосаноат банки.
- 5) Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш давлат тижорат банки.
- 6) Пай, акция асосида, шунингдек чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари.
- 7) Коператив ва хусусий банклар.

Тижорат, коператив ва хусусий банклар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларини шарнома асосида курадилар.

Ҳар бир банкнинг вазифалари банклар тамонидан ишлаб чиқарадиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки руйхатида утказиладиган уз уставлари буйича белгиланади.

Тижорат банкларининг фаолияти республика марказий банки тамонидан иқтисодий нормативлар белгилаб бериш ва уларнинг фаолияти устудан назорат қилиш йўли билан боқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни рухсати билан бошқа республикаларда ва банк филиаларини очишга рухсат ёки ҳуқуқ берилади.

Банклар уз фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида уюшмалар, ассоуиациялар, компонетлар тузишлари мумкун.

Ўзбекистон Республикасининг банклари уз филиалларида "Банклар ва банклар тўғрисидаги Ўзбекистон Респубилкасининг 1991 йил 15 II қонунига", уз уставларига амал қиладилар. Банклари қонундан ташқари фаолият кўрсатишга ҳақли эмаслар.

3. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки республиканинг давлат, эмисион ва зохира банки хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳуқуқий шахс хисобланиб Ўзбекистон Республикаси олий кенгаши тасдиқлаган уз уставига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузиладиган шарномалар ва битимлар асосида рубль зиммасига кирувчи давлатларнинг марказий ва миллий банклари билан ҳамда бошқа хорижий давлатларни банклари билан ҳамкорлик килди.

Давлат бошқарув идоралари Ўзбекистон Ресбулкаси Марказий уз ваколоти доирасида амалга оширадиган иш фаолиятига араашишига ҳақли эмасдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий вафалари қўйдагилардан иборат:

- Пул момиласи, кридет бериш, маблағ билан таминлам, хисоб-китоб қилиш ва ташкий иқтисодий алоқа соҳаларида республика иқтисодий ва валюта сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- Хисоб китоб ссуда ва валюта оппарециялари амалга оширишнинг ягона койда нормаларини белгилаш.

- Барча банклар ҳамда кредит муассасалари пул кредит ва валюта операцияларига доир Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қоидаларига риоя этишлари устидан назорат урнатиш.
- Барқарор пул муомиласини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган пулни харид қилишнинг сақлаш.
- Банк ишлари билан шугулланиш учун лицензия бериш.
- Республикаси пул ва кредит тизимида раҳбарлик қилиш.
- Миллий валютани жорий қилиш ва у билан Республика х-х нинг таъминлаш.
- Республиканинг олтин захираси ва олмос фондини шакллантириш.
- Ўзбекистон Республикаси рубль зонасига қириқчи давлатлар ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигинини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қириқлантириш улардан марказий ва миллий банкларда халқаро банкларда ва бошқа молия-қидит ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфатини ҳимоя қилиш.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта фондини вужудга қелтириш, давлат валютасини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича бош ипроил идора вазифасини бажариш.
- Чакана савдо ва чет эл валютасида хизмат қўрсатишга рухсат бериш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки уз зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун тегишли хизматлар ва мусасалар очиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки Ўзбекистон Республикаси олий мажлиси олдида ҳисобдор бўлиб, бошқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимият идора олдида мустақилдир. Марказий банка раҳбарликни раис, унинг мовинлари ва аъзолари иборат бошқарув олиб боради.

Раисни Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлаб сўнгра уни олий мажлис тасдиқлайди.

Марказий банк фаолияти олий мажлиснинг тегишли қумиталари ёки улардан топшириги билан аудитор ташкилотлари томонидан текширилиши мумкун.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ягона пул ҳисоб қитоби, қидит валюта инвестиуияси, эмисия қасса қиёсатини утқазиш мақсадида банк фаолияти масалалари юзасидан уз вақолатлари доирасида республика ҳудида жойлашган барча банклар ва бошқа банк мусасалари учун мажбурий бўлган норматив ҳужатлар қиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қидит ресуслари қуйидагилардан ибарат:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида вужудга қелтирилган устав резерев ва бошқа фондларнинг маблағлари.

- Ўзбекистон Республикаси жамғарма бақидаги пул омонатлари.
- Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати омонатлари.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига тўловчи қидит ресуслари беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул муомлага чиқариш ва мумоладан қайтариб олиш ҳуқиқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул бирликларини муомилага чиқаради, уларни ишқасация қилиш сақлаш ва тошишни ташкил этади. Узининг муассасаларида пул белгилари резерв фондларини вужудга келтиради.

Республика инқасаия бошқармаси узининг барча бўлимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасаруфида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки пул кредит орқали республика иксодини, муомиладиш пул массасинини миқдорини ва структурасини тартибга солиб турувчи идора ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки белгиланган тартибда сакланадиган Давлат пул кредит сиёсати бош йуналишлари асосида пул массаси ҳажми ва структурасининг тартибга солади. Муомиладаги пул массасини солиш тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг миқдорини ўзгартириш, қимматли қоғозлар ва чет эл валютасини ҳарид қилиш ва сотиш. Ўзбекистон Республикаси марказий банкида жойлаштириладиган тижорат банклари мажбурий резервлари нормасини ҳамда фоиз страфкаларни ўзгартириш йўллари орқали амалга оширилиди. Ўзбекистон Республикаси марказий банки тижорат банклари учун охириги бўғин кредитор бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қўйдаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

- а) Тижорат банкларига улар билан келишилган муддатга кредит бериш.
- б) Тўлаш муддати уч ойдан ошмаслиги шарти билан қимматли қоғозларни ва векселларни гаровга олиб, уларнинг белгиланган нархдан 90 фоиздан кўп бўлмаган миқдор кредит бериш.
- в) Чакана савдони амалга ошириш ва чет эл валютасида хизмат кўрсатиш учун рухсатнома бериш.
- г) Пул белгилари ва тангалар таёрлашни таширлиши ва сақлашни ташкил этиш.
- д) Рубль зонасига кирувчи давлатлардан миллий ва марказий банклари билан алакалар урнатиш.
- е) Республика томонидан ҳалқаро молия ташкилотларига аъзолик билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати билан келишилган ҳолда давлат заёмларини жойлаштирган ҳолда улар киймматини тўлаш ва улар буйича фоизлар тўлаш билан боғлиқ операцияларни амалга оширган ҳолда давлат қарзлари ҳисобини юритади.

Тижорат (акцияли, пай асосида ва хусусий банклар юридик ва хусусий) шахсларга қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосларида кредит-ҳисоб китоб ва узга хил банк хизмати кўрсатадилар.

Тижорат банкларини, шунингдек чет эл капитали, иштирокидаги банклар очиш тартиб уларни ташкил этиш учун топшириладиган ҳужатлар мазмунига қуйилган талаблар ва рухсатнома бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади янги ташкил этилаётган ташкил

этилатган тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси марказий банки томонидан банкларга руйхатга олиш умум республика китобида кайт этилган пайтдан ҳуқуқий шахс мазмуни олади.

Тижорат банкларини очиш учун аввало марказий банкдан рухсатнома олиш керак бўлади бунинг учун қўйдаги ҳужатлар топширилиши керак.

1. Лицензия бериш тўғрисидаги илтимоснома.
2. Таъсис ҳужатлари: таъсис шартномаси банк уставлари, устав қабул қилинганлиги ва банкдан раҳбар органлари жойлашган янги тўғрисида мажлис баёни.
3. Иқтисодий асослар ва зарур ҳисоб-китоблар.
4. Муассасаларининг молявий ахволи тўғрисида аудитор ташкилотидан ҳулосаси.
5. Муассислар таклиф қилаётган банк раҳбарларининг (бошқарувчи ва бош мухосиб) касб жихатидан мунофиқлиги тўғрисида маълумотлар.
6. Тижорат банки жойлашган ердаги Давлат банки муассасасини уш бу ҳудудда тижорат банкини очиш мақсадга мофик эканлигини тасдиқловчи ҳулосаси, маҳалий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тижорат банкини очишга розилиги ҳақидаги маълумот.

Раҳбарият таркибида ўзгаришлар содир бўлган тақдирда банк янги тайинланган мансабдор шахсларни профессеинал маҳоратини тасдиқловчи ҳужатларни Ўзбекистон марказий банкига тақдим этади.

Тижорат банклари руйхатидан утказилган вақтдан бошлабгина банк операцияларини амалга оширишлари мумкун.

Тижорат банклари шартнома асосида бир-бирларининг мабларининг депозит кридит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, уз уставларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларни амалга ошириш мумкун.

Мижозларга кридит бериш ва уз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш учун маблағ етишмей қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Ўзбекистон Республикаси марказий банкига мурожат қилишлари мумкун.

Банкларнинг уз маблағлари бўлиб қўйдагилар ҳисобланади:

1. Устав фонди.
1. Резервлар ва фойда ҳисобига вужудга келадиган ҳамда банкнинг баласида турадиган бошқа фондлар.
2. Таскимланмаган фойда, акциячилар ёки пайтлар ўртасида акцияларини тақсимлаш ҳисобига ехуд пай миқдорини ошириш ҳисобига олинган маблағ.

Банкнинг активлари бўлиб эса қўйдагилар ҳисобланади:

- а) Ҳуқуқий ва хусусий шахсларга бериладиган қарзлар.
- б) Қимматли қоғозларга инвестициялар.
- в) Кучмас мол-мулкка инвестициялар.
- г) Бошқа активлар.

Тижорат банклари операциялари буйича фоиз спрафкалари уларнинг узлари томонидан мустакил белгиланади. Аммо бу спрафкалар давлат пул кридит сиёстига бош йуналишларида белгилаб берилган фоиз спрафкалари

сиёсатга асосланган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси марказий банки тамонидан белгиланадиган энг юқори спрафкалардан ортиқ бўлмаслиги керак.

Банк процент спрафкалари - банк ссудасидан фойдалангалик учун белгиланган ҳақ миқдори қарз сўммасига нисбатан проценти ҳисобида ундирилади. Банк проценти страфкаси расмий маълум бир даврда ўзгармейдиган қилиб белгиланади. Бу давлат олган қарзга, давлат ташкилотлари, молия идорали векселлари эвазига бериладиган қарзга шунингдек ишончили даромад келтирувчи қиммат-баҳо қоғозлар ҳисобидан берилган қарзларга талукли.

Банк процент страфкаси қарзни қайси тарзда ва қандай беришига боғлиқ. Агар қаз ҳолқаро валютада ёки ҳалқаро аблигациялар берилган банк процент страфкаси юқори агар миллий валюта берилса паст бўлади. Узоқ муддат қридит процент страфкаси юқори, қисқа муддатлиқарз страфкаси паст бўлади. Қарз ердам беришда берилганда ҳам процент страфкаси имтиезли бўлади. Банк процент страфкаси милимал ва максимал даражаси бор.

Милимал даражадаги банк процент страфкаси банкнинг ҳаротларини коплаб зарур қуринмаслигини тامينлаш керак. Максимал даражаси эса банкка эл қатори фойда қўришнм таъминлаши лозим.

Банк омонат (депозит) лари учун тулайдиган процент спрафкалари ссудадан фойдалангалик учун бошланган процент спрафкаларидан паст бўлади. Бу эса банкларни фойда олиб ишлашини таъминлайди.

Назорат учун саволлар.

1. Банк нима?
2. Марказий банкнинг вазифалари нималардан иборат?
3. Банкнинг қандай турлари мавжуд?
4. Тижорат банклари қандай ташкил этилади?
5. Банкларнинг уз маблағларига қандай маблағларни киритиш мумкин?
6. Банклар учун қандай фаолият тақикланган?
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимиға қайсм муассасалар қиради?
8. Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкаси қим томонидан белгиланади?
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қредит ресурслари қандай маблағлар ҳисобига ташкил этилади?
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қандай операцияларни бажариш ҳуқуқига эға?

13 - маъруза: Молия ва унинг вазифалари.

Режа:

1. Молия ҳақида тушунча.
2. Молиянинг вазифалари.
3. Ўзбекистонни молия тизими ва уни асосий звенолари.

Таянч ибора. Молия, молиявий ресурс, маблағ, қиймат, маҳсулот, ялпи даромад, тақсимлаш, рағбатлантириш, назорат, социал химоя.

Молия кредит муносабатлари пул маблағлари билан боғли муносабатлардир. Бозор иқтисодиётини асосини пул – товар муносабатлари ташкил этади.

Молия – бу халқ хўжалигида пул ресурсларини ҳосил этиш, уларни тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги иқтисодий муносабатларни билдиради.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият, пул талаб қилади. Ишлаб чиқариш кайерда бўлмасин барибир молияни юзага келтиради. Маҳсулот ва хизматлар тақсимлангандан сўнг истеъмол этилиши мумкин. Улар қиймат шаклида тақсимланганда дастлаб турли мақсадларни мулжалланган пул ресурслари ҳосил бўлади. Улар товарларга айрибошланиб, шундан сўнг истеъмол кондирилади. Масалан қиймат шаклидаги маҳсулот тақсимланганда уни яратиш учун сарфланган меҳнат куролларидан қийматни ифодаловчи қисмини амартизация фонди шаклига киради. Бу эса молиявий ресурсга айланади, йиғилиб боради ва унга янги машиналар олиниб, эскирганларини ўрни тикланади. Маълумки умумжамиyat эҳтиёжлари давлат йўли билан кондирилади. Бўларга атроф муҳитни химоя қилиш, мудофа, ижтимоий тартибни сақлаш, бир катор номоддий соҳаларни пул билан таъминлаш, аҳолини ночор катламларини боқиш ва бошқалар киради. Маскур эҳтиёжларнинг қондириш давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқ, лекин бу билан давлат молияни яратади деб тушуниш керак эмас. Давлат молияни яратувчи эмас балки уни шу иштирокчисидир, чунки давлат ишларидан ташқарида ҳам масалан тадбиркорликда, оила дорасида ҳам молия алоқалари мавжуд.

Молия иштирокчилари ҳар хил лекин молияни молия қиладиган умумий асос бор. Бу маҳсулот қийматини тақсимлашдир. Маҳсуло ишлатиш учун тақсимланганда пул шаклидаги молиявий фондлар ҳосил бўлади. Улар табиатан молиявий ресурс ҳисобланади. Молиявий ресурсларни ташкил этишда ва ишлатишда иштирок этувчилар молиявий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. Молиявий муносабатлардан объект пул ресурслари ҳисобланади. Лекин улар албатта моддий маҳсулотдан маълум қисмини узида ифода этади. Молия муносабатларига хос бўлган хусусиятлар молиянинг вазифаларида уз аксини топади.

Молиянинг вазифаси- бу молия моҳиятининг хўжалик фаолиятидаги аниқ куритниш унинг ифодасидир. Молияни – тақсимлаш рағбатлантириш, социал химоя, иқтисодий информация вазифлари мавжуд.

Тақсимлаш вазифаси- молия воситасида жамиятда яратилган ялпи миоллий маҳсулот ва унинг асосий қисми миллий даромад хўжалик субъектлари ўртасида тақсимланиб пул фондарига айлантирилади. Ишлаб чиқаришни узида юз берадиган тақсимлаш бирламчи тақсимлаш деб аталади. Унинг натижасида бирламчи даромад юзага келади: яъни фода, иш ҳақи фонди, социал суғўрта учун ажратмалар, амартизация, пули ташкил топади. Маслан: ишлаб чиқаришда 100милярд сўмлик маҳсулот яратилса унда қиймат

тақсимланиб, 6 миллиард сўмлик амартизация фондига 20 млрд сўмлик иш ҳақиға 15 млрд сўм фоизда социал суғўртаға 5 млрд ажратилади. Амартизация фонди ишлаб чиқаришни қайта тиклашға кетади. Хеч қачон у иш ҳақи сифатида беришмайди. Ёки суғўрта учун сарфламайди. Аксинча амартизация фонди вазифасини иш ҳақи бажара олмайди. Бирламчи тақсимлашдан сўнг иккиламчи ёки қайта тақсимлаш юз беради. Бир марта тақсимланган маҳсулот қиймати молия воситалари: (ердамида) солиқлар ва ҳар хил тўловлар ердамида қайта тақсимланади. Маслан: тақсимланиш туфайли ҳосил бўлган 20 млрд сўм иш ҳақини 5 млрд сўмға тенг қисми даромад солиғи шаклида, 15 млрд сўмлик фойданинг 8 млрд сўмға тенг қисми тўловлар шаклида давлатға теғади. Энди давлат узига теккан 13 млрд сўмни қайта тақсимлайди. 2 млрд сўмни ишсизлик ифодасига, 5 млрд сўмни мудофаға, 5 млрд сўми бошқариш ишға ажратади. Даромад қайта тақсимланганда молиявий муносабат қайтатдан ишлаб чиқариш ва бошқа соҳа, турли корхона тармоқлар ўртасида, корхона ва аҳоли ўртасида юз беради.

Рағбатлантириш вазифаси – молия воситалари орқали хўжалик субъектларини иқтисодий фаолликка ундашдан иборат иқтисодий рағбатлантириш воситаси тақсимотдир. Аммо бундан тақсимлаш рағбатлантириш функцияси айнан бир нарса деб хулоса қилиб бўлмайди, гап шундаки, тақсимлаш ҳар доим ҳам рағбатлантириш мулжалламайди.

Масалан: молиядан пул ажратиб келишлардан бепул уқитиш, даволаш, ногиронларға, кўп болали оилаларға, нафакалар тўлаш бу ишлб чиқаришни рағбатлантирилмайди албатта. Аммо молияда рағбатлантирувчи томон ҳам мавжуд. Бу молия тизимида ишлатиладиган солиқлар, тўловлар, субсидиялар. Солиқдан имтиёз бериш корхоналар ишлаб чиқаришини кнғайтириш учун кетадиган инвестицияни кўпайтиради. Ишловчиларға кўпроқ мокофот бериш таъминлаб, уларни яхши ишлашға ундайди. Бож пулини камйитириш орқали экспорт рағбатлантирилади., импорт қисқартирилади. Керак бўлганда зарарни оплаш учун субсидия бериш корхонани моливия соғломлаштириш воситаси бўлади. Социал химоя воситаси – жамият аъзолари маълум катламларининг минимал тирикчилик юритиш моливия жихатдан таъминлаш туриш яъни молиявий кафолатлашдан иборат. Жамиятда шундай ночор ижтимоий катламлар борки улар объектив сабабларға кура узини – узи тула таъминлай олмайди. Уларни тирикчилигини махсус ташкил этилган пул маблағлари ҳисобидан: маслан ишсизлик нафакалари, болалар учун нафакалар ногиронлик пенсиялари таъминланади. Бу маблағларни нафақат давлат балки корхона ташкаилотлар жамоат бирлашмалари уз маблағлари ҳисобидан уюштирадилар. Молия воитасида аҳолининг маълум катламларини химоя қилиш билан бирға ҳаммага тегишли бўлган оммавий социл кафолатлари ҳам бор. Аҳоли соғлигини таъминлаш умумий ўрта таълим бериш атроф мухитни соғломлаштириш каби сарфлар борки улар борган назарда тутиб молиялаштирилади. Бозор иқтисодиётига утиш даврида нарх кутарилиши муносабати билан аҳоли кўрган зарар қисман компенсацияланади, яъни аҳоли пул даромадлари оширилади. давлат бюджетит датациялайдиган нархлар ва таърифлар амал қилади. Яъни бази товар ва хизматлардан аҳолиға сотиш нархи,

ундан ҳақиқий нархидан анча паст бўлади. Орадаги фарқ давлат бюджети ҳисобидан копланadi. Маслнан Ўзбекистонда 1 кг бугдойни харид нархи 80 сўм бўлган ҳолда 1 кг ун аҳолига 30 сўмдан сотилади.

Иқтисодий ахборот бериш вазифаси – хўжалик субъектлари ва умуман жамият иқтисодий фаолиятнинг моливиya якунлари ҳусусида маълумот ва хабарлар бериб туришдаги иборат бўлиб, иқтисодиётни бошқаришда қул келади. Иқтисодий ҳолат молиyaда узининг миқдорий ифодасини топади. Моливиya кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришнинг канлй ҳолатда эканлигини кузатиш мумкин. корхоналарнинг моливиый ахволига қараб, уларнинг хўжалик фаолияти яхши ёки емонлиги ҳусусида ҳулосага келиш мукин. Моливиый ахборотга қараб тадбиркорлар уз ишининг бориши, уз шароитларининг ахволи, ракобатчилар имконидан огох бўладилар. Тадбиркорлик учун холи моливиый ахборот керак бўлади ва уни аудиторлик хизмати таъминлаб туради.

Аудиторлик хизмати – бу корхоналар, фирмалар, компаниялар хўжалик моливиый фаолиятини таҳлил этиб ҳисоботлар экспертизасини утказиш, уларнинг моливиya ахволи тўғрисида холисона ахборот етказиб туриш ва ҳулосалар чиқаришдир.

Моливиya ахборот моливиый менежментга (бошқариш) хизмат қилади.

Молиya уз вазифаларини аниклаш моливиый воситалар орқали бажарилади – ҳаражатлар амартизация, фойда, акция курси, дивиденд соликлар, тўловлар, бош ҳақи, суғўрта ҳақи субсидия, дотация, компенсация кабилар шулар жумласига киради. Улар айна вақтда моливиый ресурсларни ташкил этадилар. Масалан: дивиденд миқдорининг ошиб бориши акция чиқарган компания моливиый ахволидан яхшилигидан дарак беради. Натижада акция курси ошади, компанияга ташқаридан пул окиб келиши ва унинг зурайиб кетиши таъминланади.

Моливиый ресурслари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун пул манбаи бўлиб хизмат қилади.

Моливиый ресурслар иқтисодиётни кутилмаган ходисалардан масалан: табиий офатлар, фалоқатлардан ёки дунё бозор нарҳини пасайиб кетишидан химоя қилади. Моливиya ресурслар икки турга бўлинади:

1. Микроресурслар.
2. Макроресурслар.

Микроресурслар – корхона, фирма, компания, жамоат уюшмалари доирасида бўлиб, хўжалик субъектларини узига тегишли ва қарз олган пул маблағларидан иборат.

Макроресурслар – улар умумдават микесида ташкил топади. Улар бюджет ҳисобидан ёки бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан пайдо бўлади. Давлат бюджети, пенсия фонди, ишсизлик фонди ва ҳоказолар.

Давлат уз қулидаги молиya ресурсларидан фойдаланиб бюджетдан молиyлаштириш, донгация бериш, соликлардан озод қилиш, соликларни енгиллаштириш орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатади. Молиyani иқтисодиётга таъсири бир катор воситалар ердамида борадики улар барчаси биргаликда молиya механизмини ташкил этади.

Молия механизми молиявий муносабатларни амалда улантиришнинг шакли услубидир.

Назорат учун саволлар.

1. Молия нима?
2. Молиявий ресурслар деганда нимани тушунаси?
3. Молияни қандай вазифалари бор?
4. Аудиторлик хизмати ҳақида нима дея оласиз?
5. Молиявий ресурслар неча турга бўлинади?
6. Корхонани молиявий ресурслари таркиби ва унда уз маблағларининг тутган ўрни қандай?
7. Молиявий ресурслардан фойдаланиш фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун корхонада қандай ишларни амалга ошириш керак?
8. Молияни тақсимлаш вазифасини изоҳланг?
9. Молияни рағбатлантириш вазифасини кузда тутди?
10. Молиявий воситалар нима?

14 - маъруза: Давлат бюджети, унинг моҳияти вазифалари.

Режа:

1. Давлат бюджетива уни моҳияти
 - а) Давлат бюджетини моҳияти ва сиёсий иқтисодий аҳамияти.
 - б) Давлат бюджетининг молия тизимидаги етакчи роли.
2. Ўзбекистон бюджети тизими.
 - а) Давлат ва маҳаллий бюджетилар.
 - б) Давлат бюджетидаромад ва ҳаражатлари.
 - в) Давлат бюджетикамомати.

Таянч ибора. Бюджет, маҳаллий бюджет, яъни миллий маҳсулот, ҳаражат, даромад, марказлаштирилган фонд, камомад, баланс, солиқ, қисқа муддатли мажбурият.

Давлат бюджетидавлат молияси марказий уринни эгаллайди. Бюджети тизими мураккаб механизм бўлибмуайян мамлакатнинг узига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий тузуми, шунингдек давлат қурилишини акс эттиради. Мазкур тизим муайян давлатни тавсифлайдиган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларнинг бутун мажмуи асосида шаклланади.

Мамлакат бюджетининг таркиби аввало унинг унинг давлат қурилишига боғлиқдир. Унитар тузумга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими бамисоли каватли қурилмага – давлат бюджетива маҳаллий бюджетиларга эга бўлади. Федератив тузумга эга бўлган мамлакатларда (АҚШ, ГФР) оралик бўғин – штатлар, улкалар (вилоятлар) ва уларга мувофиқ маъмурий тузилмаларнинг штатлари мавжуд.

Давлат бюджетипул ресурсларининг марказлаштирилган фонди бўлиб, мамлакат ҳукумати давлат аппарати, қуроли кучларни тутиб туриш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажариш учун уни тасарруф

этади. Ҳозирги шарт-шароитда бюджети давлатнинг иқтисодиётини тартибга солиш, ҳўжалик конъюнктурасига таъсир кўрсатиш, шунингдек бухранга карши чора-тадбирларни амалга оширишнинг қудратли воситаси ҳамдир

Ҳозирги давлат бюджети унинг бутун хилма-хил функцияларини акс эттирадиган мураккб, кўп кўринишли хужжат ҳисобланади. Аввало бюджетда давлат ҳаражатлари ва даромадлари тартиби уз аксини топади. Ҳаражатлар бюджети қуролларининг сарфланиш йуналишларининг ва мақсадларини кўрсатади. Уз таркибига кура бюджетининг ҳаражат моддалари қуйидагиларга бўлинади: давлатни бошқариш ҳаражатлари; ҳарбий ҳаражатлар; ижтимоий-иқтисодий ҳаражатлар; давлатнинг ҳўжалик қурилиши ҳаражатлари; ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳаражатлари.

Давлат функцияларининг кенгайиши давлат ҳаражатларининг миқиеслари тез суръатлар билан кўпайишига олиб келади. Улар ЯММнинг усиш суръатларидан анча жадал боради. Масалан, АКШда давлат ҳаражатлари ХХ асрда 350 баравардан кўпроқ ошди. 1980-89 йиллар мобайнидагина федерал бюджети ҳаражатлари икки баравардан кўпроқ ошди (433,5 млрд. АКШ долларидан 877,2 млрд. АКШ долларига етди).

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторлари фаолияти учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ ҳаражатлар давлат ҳаражатларининг энг муҳим моддалари каторига киради. Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга доир, биринчи навбатда – таълим ва соғлиқни сақлаш ҳаражатлари ҳам борган сари кўпроқ урин эғаллаб келмоқда.

Маҳаллий бюджетилар давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг ҳаражатлари ҳисобига биринчи навбатда коммунал коммунал мулк объектлари, йўллар, мактаблар қурилиши алоқа воситаларини ривожлантириш, шунингдек уй-жой қурилиши пул билан таъминланади. Маҳаллий ҳокимият органлари бюджетидан маҳаллий маъмуриятни, шунингдек маҳаллий бюджети муассасаларини тутиб туриш учун ҳам фойдаланилади.

Маҳаллий бюджетилар ҳаражатларида ижтимоий-маданий эҳтиежлар, соғлиқни сақлаш объектларига доир, иқтисодий мувозанатни қуллаб туриш ҳаражатлари ҳам муҳим урин тутати.

Давлат бюджетидаромадлари биринчи навбатда марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ундирадиган солиқлардан, давлат заемлари, шунингдек бюджетидан ташқари ёки мақсадлифондлардан олинувчи тушумлардан иборат бўлади. Бундай фондларни барпо этиш аниқ мақсадлар учун, аввало ижтимоий иқтисодий тусдаги мақсадларга йирик молия ресурсларини сафарбар этиш зарурияти билан шартланган. Улар каторига ижтимоий суғўрта, йўллар қўриш, атроф муҳит муҳофазаси, қадирларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва кўпгина бошқа мақсадлар киради. Уларнинг миқдори мунтазам равишда ошиб бормоқда, бунга АКШ федерал бюджетини мисолқилиб келтириш мумкин, унинг доирасида 800 дан ортик ана шундай фондлар мавжуд.

Миллий даромадни қайта тақсимлаш, мамлакатда янгидан яратилган қийматнинг каттагина қисмини давлат ихтиёрига олиш давлат барча даромадларининг умумий моддий асоси ҳисобланади. Солиқлар, давлат

заемлари, шунингдек бюджетидан ташқари фондлардан тушумлар ана шу қайта тақсимлаш механизмининг энг муҳим таркибий қисимларидир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетисосан соликлар ердамида тупланадиган ҳамда давлат томонидан унинг функциялари ва вазифаларини амалга ошириш учун ишлатиладиган пул маблағларининг марказлаштирилган фондларидир, у қонун кучига эга, республика Олий Мажлиси томонидан тасдикланади.

Давлатнинг иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш асосий воситаларидан бири бўлган бюджети тизими Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетифаолият кўрсатилишининг ташкилий шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети тизими икки бугтндан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети– давлат бюджетии
- Коракалпогистон Республикаси давлат бюджетии, вилоят, Тошкент шаҳри, республика туман ва шаҳарлари маҳаллий бюджетилари.

Ўзбекистон Республикаси бюджетибир бутундир, яъни бюджети тизими барча бўғинлари – давлатнинг ягона давлат бюджетиига кирадиган Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, республика шаҳар ва туман бюджетиларининг узвий бирлигини билдиради. Бюджети бирлигини Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлиги белгилаб беради.

Бюджети тизими бутун республика ҳудуда амал килаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Коракалпогистон Республикаси вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодийривожлантиришга йуналтириладиган давлат ҳаражатларини бир бутун тизимига асосланади.

Бюджетининг яхлитлиги бюджетига доир прогнозлашлар услубияти ва ташкил этилиши бир бутунлигини кафолатлайди.

Бюджетининг яхлитлиги туфайли республика (давлат) Ўзбекистон Республикаси тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилганфондини олади, уни бюджети тизимининг фақат бирор-бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетиига бирлаштириладиган барча бюджетиларнинг мажмуи сифатида ифодаланади.

Республика бюджети тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб қуйилган, унда қуйи бюджетиларнингҳар бири юқори бўғинга кириши кузда тутилган. Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг етакчи бўғини – умумреспублика бюджетии. У умумдавлаттусидаги ва умуман жамият эҳтиёжларини ифодалайдиган тадбирларни молиялаш умумдавлат ресурслари бир қисmini бевосита давлат ҳокимиятининг олий ижроия ва фармойиш бериш органи – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тасарруфида марказлаштиришни таъминлайди. Миллий даромадни Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни умумреспублика бьи орқали тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг муҳим таркибий қисми маҳаллий бюджетилардан иборат. Улар Ўзбекистон Республикаси фаолиятини амалга ошириш учун давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи тасарруфида реал тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри солиштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетига даромадлар келиб туришини кўпайтириш ва ресурслардан авайлаб фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодий ва маданиятнинг гусиш суръатлари маҳаллий резервларини сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса, уз навбатида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини мувофақиятли бажаришга имкон яратади. Маҳаллий бюджетилардан уй-жой-комунал хўжалик ва ободонлаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари (мактаблар, касалхоналар, мактабгача болалар муассасалари ва х.к), ижтимоий таъминотга доир тадбирлар ва ҳоказолар молияланади.

Давлат бюджети даромад ва ҳаражатлар баланси шаклида тузилади ҳамда мамлакат бюджети фондини шакллантириш мабаалари ва ундан фойдаланиш йуналишларини акс эттиради. Шунинг учун хилма-хил алоқаларни акс эттирувчи бюджет кўрсаткичлари аниқ – равшан белгиланиши умумдавлат миқёсидаги фаол молиявий назорат учун асос яратади.

Давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари ва уни амалда ижро этиш жамиятда иқтисодий ва ижтимоий вазиятни бахролаш имкониятини бериб, уни ижро этишда шаклланган, муайян бошқарув ва иқтисодий қарорлар қабул қилишни тақозо этадиган, ҳақиқий маълумотларнинг прогноз маълумотларидан тафовутлар тўғрисида огохлантиради.

Соликлар тизими Республика бюджети тизимининг таркибий қисми бўлиб, давлатда ундириладиган солик ва йигимларнинг, шунингдек уларни ундириш шакл ва усуллариининг мажмуидир. У давлат ҳаражатларининг катта қисмини молиявий ресурслар билан таъминлашга дават этилган ва такрор ишлаб чиқариш жараёнига ва ижтимоий муносабатлар соҳасига таъсир кўрсатишнинг иқтисодий усуллариини амалга ошириш учун фойдаланилади. Солиқ тизимининг таркиби жамият барча ижтимоий катламлари, энг аввало ижтимоий жихатдан энг ночор табакалар манфаатларига буй сундирилган ҳамда республика аҳолисининг турмуш даражасида зарур мувозанатни таъминлашни кузда тутади.

Бюджет жарени давлат даромадлари ва ҳаражатларини баланслашни (тенгалаштиришни) тақозо этади. Бирок малиетда деярли ҳамма мамлакатларда ҳозирги вақтда давлат ҳаражатларининг даромадлардан анчагина микесда ошиб кетиш кузга ташланади. Ҳаётнинг турли соҳаларнда давлат ролининг узлуксиз ошиб бориш, унинг иқтисодий ва ижтимоий функциялари кегайиши, ҳарбий ҳаржатларнинг, давлат апарати хўодимларининг кўпайиш ва ҳоказолар бюджет камомади кўпайиб кетишининг асосий сабаблари ҳисобланади. Бюджет ҳаражатларининг кўпайиши солиқ тушумларининг шак – шубҳасиз кўпайишига

олиб келмайди, кўп мамалкатларда бюджет камомадининг кўпайиши узлуксиз тус ва кенг микес касб этади.

Бюджет камомадларининг динамикаси хўжалик конъюктурасининг жорий ўзгаришлари, ишлаб чиқаришнинг вақти-вақти билан тушкунликлар ва юксалишларини ҳам акс эттиради. Қайта ишлаб чиқаришнинг циклик бухронлари даврида бюджетга солиқ тушумлари сўммаси камаяди. Айни вақтда давлат ижтимоий эҳтиёжларга (ишсизлик нафақаси ва б.), шунингдек иқтисодиётнинг муайян соҳаларини қўллаб-қуватлаш, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар хажмини саклаб қолиш учун уз ҳаражатларини кўпайтиришга мажбурдир.

Давлат молиясининг чуқур балансланмаганлиги оқибати бўлган бюджет камомадлари уз навбатида пул муомаласи соҳасида чуқур ларзаларнинг сабабчиси бўлди. Бюджет камомадларини тартибга солиш ҳозирги давлатнинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятининг энг кескин муаммоларидан бирига айланди.

Давлат кредити бюджет камомадларини коплашнинг энг муҳим шартига айланди. Давлат керидити деганда давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга чиқадиган молиявий-иқтисодий муносабатларнинг бутун мажмуу тушунилади. Бюджет камомадларини коплаш учун давлат қарз олувчи сифатида чиқади. Давлат молия ресурсларини ўзгартириш асосий шакли давлат заем облигацияларини чиқаришдир. Уларни жойлаштириш мобайнида давлат аҳоли, банклар, суғўрта ва саноат компанияларини вақтинча бўш бўлган пул маблағларини жалб этади. Давлат қандай манбалар ҳисобига узи учун зарур ресурсларни сафарбар этиши масаласи пул муомаласи ҳолати ва умуман иқтисодиёт фаолияти учун гоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Агар ҳазина мажбуриятлари хусусий секторда жойлаштирилса, пул ресурсларининг вақтинча уларнингхусусий эгаларидан давлатга қайта тақсимланиши юз беради. Бунинг учун давлат ҳазинаси уз қоғозларини сармоя эгаларини кизиктира оладиган етарлича юқори фоизлар билан чиқариши керак. Давлат қарзи буйича фоизлар туланиши бюджетнинг асосий ҳаражат моддаларидан бири ҳисобланадт. Шундай қилиб, давлат қарзларини хусусий секторда жойлаштириш уз навбатида бюджет ҳаражатларининг янада кўпайишига имкон яратади.

Лекин ҳазина уз мажбуриятларини фақат хусусий секторда жойлаштирибгина қолмай, уларни Марказий (эмиссия) банкда ҳисобга олиши ҳам мумкин. Ҳазина мажбуриятларини ҳисобга олиб, банк муомаласага товар массасининг кўпайиши билан боғланмаган тўлов воситаларинингқушимча хажмини чиқаради. Бундай ҳолда юз берадиган «давлат қарзини пулга айлантириш» кўп мамалкатлар учун анча типик бўлган вазиятни намояна этади, яъни давлатнинг ҳаддан ташқари бўлган ҳаражатларини молиялаш пул муомаласини барқарорлигини кўпоришда бевосита сабабга айланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳукумат ссуда сармоялари бозорига қарз олувчи сифатида қадам қўйганида, бу нарса пул ресурсларининг талаб ва таклифи нисбатига сезиларли таъсир кўрсатади. Фоиз ставкалари анчагина ошади, бунинг натижасида капитал қуйилмаларни молиялашнинг умумий

шарт-шароити емонлашади ва инвесторлар бир қисмини пул бозоридан узиға хос «сикиб чиқариш» юз беради. Ана уш сабабдан келиб чиқиб, кредит хисобига молияланадиган истеъмол ҳаражатлари бир қисмининг ҳам қисқариши эҳтимолдан холи эмас. Давлат қарзларининг бундай оқибатлари иктиодий назрияда икиб чақариш эффекти номини олган. Давлат кредитини ривожлантириш двалат қарзини бошқаришнинг нча мураккаб тузилмасини яратиш билан боради. Янги зайемлар хажмларини, уларни чиқариш муддатларини, хазина мажбуриятларини буйича фоиз хажмларини, уларни жоайлаштириш усулларини белгилаш ушбу бобдаги энг муҳим тадбирлар хисобланади.

Давлат заемлари турли муддатларга чиқарилади ва ана шу белгига кура қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли зайемларга бўлинади.

Улар орасидаги тафовутлар анча шартли. Одатда қисқа муддатли зайемларга 1 йилгача бўлган, ўрта муддатли зайемларга 3-5 йилгача, узоқ муддатли зайемларга 5 йилдан ортиқ муддатга доир зайемлар киритилади.

Муддати буйича қарзнинг турли хиллари ўртасидаги нисбат масаласи давлат қарзини бошқариш учун муҳим аҳмият касб этади. Инфляция тамойилларининг кучайиши ва пул муомалаининг умумман олганда барқароризлиги шароитида қисқа муддатли қарзларнинг салмоғи ошади. Пулларнинг жадал инфляцион кадрсизланиши шароитида инвесторлар уз маблағларини ҳукуматнинг узоқ муддатли мажбуриятларига қуйишдан кочадилар, кредиторлар инфляция жараёнлари таъсирида кадризланиши хавфи билан камрок боғланган қисқа муддатли хазина мажбуриятларини афзал курадилар. Давлат қарзининг мунтазам тусда кўпайиши оқибатида миллий даромад фоиз тўловлари шаклида борган сар кўпрок қайта тақсимланади. Йирик бюджет камомадлари ва давлат мажбуриятлари буйича фоиз тўловлари усиши шароитида хазина қарзларни тўлаш вақтини иложи борица орқага суришга ҳаракат қилади. Ана шу мақсадда давлат зайемларини конверсиялаш тажрибаси қулланилади. Бунда малга оширилаётган тадбирларнинг моҳияти шундан иборатки, қарзни узиш муддати орқага сурилсин, давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари имкони бориа ўрта ва узоқ муддатли мажбуриятларга айлантирилсин. Бунда турли усуллардан фойдаланишлари мумкин. Хазина узининг қисқа муддатли мажбуриятларини (инвесторлар розилиги билан) ўрта ва узоқ муддатли зайемларга алмаштириш мумкин. У узининг қисқа муддатли мажбуриятларини анча юқори фоиз билан янги узоқ муддатли зайем чиқариш хисобига сотиб олиши мумкин. Бу хил тадбирлар қисқа муддатли самара бериши ва ҳукуматнинг молиявий ахволини бир оз енгиллаштириши мумкин, лёкин улар бюджетни мустаҳкам барқарорлаштиришга ердам бера олмайдилар., зеро одатда улар фоиз ставкаларини янада оширишва пиравардида қарзларнинг умумий сўммаси усиши билан боғлангандир. Давлат қарзини бошқаришнинг анча мураккаб механзмидан фойдаланиб, хазина бюджет камомадларини коплаш учун микесига кура улкан молиявий ресурсларни жалб этиши мумкин . бироқ давлат молияни тартибга солганда фақат бюджетнинг балансланганига эришишни кузламайди. Бундан ташқари, бюджет ва кредит-пул сиёсати макроиктисодетни тартибга солшнинг анча кенг вазифаларини ҳам хал этишга

йуналтирилган. Антициклик сиёсат юритиш, иш билан бандликни тартибга солиш, тўловга қобилликнинг умумий даражаси ва умуман фаол ишбилармонликни тартибга солиш шулар жумласига киради.

Талабнинг етарлича эмаслиги ва иқтисодий фаоллик умумий даражасининг пасайиши, иқтисодиётнинг бухронга юз тутиши хавфи шароитида бюджет ҳаражатларини кўпайтириш ва солиқларни пасайтириш чора-тадбирлари омаалга оширилмоқда. Давлат ҳаражатларининг жадал ошиши ялпи талабнинг умумий хажмини кўпайтирмоқда. Солиқларни пасайтириш айниқса ўрта ва майда компанияларнинг капитал қуйилмалари кўпайиши учун анча қулай шар-шароит яратади. Бунда солиқлар камайиши давлат ҳаражатларининг муқаррар равишда давлат бюджетлари камоматини кўпайтириш ва инфляция жараёнларини кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратади.

Ҳаражатларнинг даромадларидан бундай ошиб кетиши актив бюджет камомадлари номини олди. Айни вақтда иқтисодий фаоллик тушқунлиги натижасида давлат даромадларининг қисқариши юзага келтирган камомадлар пассив камомадлар номини олди.

Камомадли молиялаш концепцияси янги кейнисчалик йуналишига мансуб иқтисодчиларнинг назарий ишланмаларида муҳим урин эгалади. Унинг асосий қоидаларидан Ғарб иқтисодчилари уришдан кейинги даврда иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиши моделларини ишлаб чиқишда ҳукумат доираларига амалий тавсияларни ишлаб чиқишда кенг фойдаландилар. Шу билан бирга камомадли молиялаш гояларини амалиётда рўйбга чиқариш қўйилганидек самарали бўлиб чиқмади. Айниқса 60-йиллар ва 70-йиллар бошида намоен бўлганидек, уни қўлланиш иқтисодиётнинг инфляцияга борқарор эмаслигини анчагина кучайтиргани ушбу концепциянинг энг ноҳуш қисмига айланди. Актив бюджет камомадлари бундан қолишмаган ҳолда қарзни пулга айлантиришга, пул массасини ҳақиқатда назоратдан қоли равишда кўпайишига ва миллий валюталарнинг қадрсизланишга имкон яратди. Шу тарзда узок муддатли кўринишда актив бюджет камомадлари муайян шароитда аҳолининг харид қобилияти пасайиши ва иқтисодиётга давлат ҳаражатлари самарадор таъсирининг пасайиши сабабчи бўлиши мумкин. Бундай шароитларда иқтисодиётни «совутиш», инфляцион кизиқ кетишларга қарши кураш давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим муаммоларидан бирига айланди.

Дефляцион (инфляцияга қарши) тадбирларнинг мураккаблиги шундаки, улар давала ҳаражатлари қисқартирилишини, кредит қимматлашини, пул массаси сиқувга олинишини тақозо этади. Бўларнинг ҳаммаси уз навбатида ялпи талабни қишловлашга, капитал қуйилмаларни пасайтиришга, демак, фаол ишбилармонликнинг тушқунлиги ва ишсизликнинг кўпайишига имкон яратади.

Шундай қилиб, давлат қарзлари муаммоси пул муомаласи, бюджет сиёсати, иқтисодий фаолликка ва ижтимоий соҳадаги жараёнларига давлат таъсири самарадорлиги муаммоларининг мураккаб мажмуи билан бевосита боғланган.

Назорат учун саволлар.

1. Давлат бюджетини моҳияти нимадан иборат?
2. Давлат бюджетини молия тизимида қандай урин тутади?
3. Давлат бюджетини даромад нималардан ташкил топади?
4. Давлат бюджетини ҳаражаталари қандай мақсадларга сарфланади?
5. Давлат бюджетини камомати деганда нимани тушунасиз?
6. Давлат бюджетини ким томонидан тасдиқланади?
7. Ўзбекистон Давлат бюджетини неча бўғиндан иборат?
8. Давлат бюджетини даромадлар ва ҳаражатлар баланси нима?
9. Давлат бюджетини камоматини қоплаш учун қандай чора тadbирлар қўлланилади?
10. Давлат заёмлари нима мақсадда чиқарилади?

15 - маъруза: Молиявий назорат.

Режа:

1. Молиявий назоратнинг моҳияти ва бозор иқтисодиёти.
2. Молиявий назорат утказиш турлари , шакллари ва услублари.

Таянч ибора. Аудит, молия тизими, молиявий режа, назорат, ҳисобот, комплекс, ривизия, консалтинг, иқтисод, аудитор.

Ҳозирги кунда олдимизда бозор иқтисодиётига утишдек ута муҳим, мураккаб ва маъсулятли вазифа турибди. Бу вазифани мувофақиятли бажариш кўп жihatдан молиявий ҳарактердаги муомаларни тўғри хал қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ана шу муомалардан бири молиявий соғломлаштириш ва пул муомаласини мустаҳкамлашдир. Чунки амалга оширилатган туб иқтисодий ислохотларнинг мувофақият қозониши, ижтимоий йуналтирилган иқтисодийотни вужудга келтириш, барча ишлаб чиқаришни истеъмолчи эҳтиёжларига қаратиш, тақчиллик ва навбатда туришни бартараф этиш, амалда фуқоралар-нинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш ва юксак унумдорликни рағбатлантириш учун шарт шароит яратиш ана шу муомаланинг тўғри хал этиш билан белгиланади. Шунинг учун ҳам "халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига утишнинг асосий йуналишларига" "молия ва пул" муомаласини соғломлаштириш-барқарорлаштиришнинг асосий вазифа сидир - деб таъкидланган.

Вазирликлар, бирлашмалар ва қорхоналар билан давлат бюджетини ўртасидаги молиявий муносабатларни, улар билан қредит системасини ўртасидаги муносабатларни, қорхоналар билан уларнинг юқори ташкилотлари ўртасидаги молиявий муносабатларни аниқлаш ҳамда тармоқлар ва хўжалик бўғинларида барқарор молиявий ҳолатни таъминлаш молиявий назоратнинг асосий вазифаларига қиради. Шу билан бирга молиявий режаларни тузишда ва уларни ижро этиш жараёнида қорхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва вазирликларининг фаолиятлари устидан оператив равишда молиявий назорат амалга оширилади.

Молиявий назорат давлат молиявий сиёсатини утказилишини таъминловчи давлат назоратининг муҳим бир турларидан биридир. У маорифда, молиявий системанинг ҳамма бўлимлари буйча ресурсларнинг тақсимланиши ва ишлатилишини ифодаловчи давлат назорати шаклини акс эттириб, қабул қилинган қонунларнинг амал қилинишини, давлат ҳокимяти ва бошқарувнинг ҳамма идоралари фаолияти тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини назорат қилишга қаратилган. Молиявий назоратнинг энг асосий функцияларига қуйидагилар киради: давлат маблағларини сарфланишини текшириш, молиявий система барча тармоқларининг даромад ва ҳаражатларининг қонунийлиги; ҳисоб ва ҳисобот қоидаларига амал қилинишидир.

Молиявий назорат давлат ҳокимяти сиёсатининг ҳамма бўғинларинга кумаклашади. Молиявий бошқарув идоралари устидан давлат ҳокимяти ва молиявий ташкилотлар тамонидан назорат урнатилган. Маҳаллий бошқарув идораларининг назорат функциялари қонун чиқарувчи мажлислар ва уларнинг молиявий бюджет ташкилотлари ички ревизия (тафтиш) нинг махсус хизматларига топширилган. Бу идора ва ташкилотлар ҳаражат системаларининг тузилишини тўғрилигини корхона ва ташкилотлар фаолиятида амал қилинаётган қонуний кўрсатмаларга мувофиқлиги, маҳаллий ташкилотлар дастурларининг бажарилишини, қилинган ҳаражатларнинг иқтисодий самарадорлигини сақланишини: молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текширадилар.

Молиявий назорат утказиш давомида шу тафтиш утказиётган корхонанинг ҳатолари ва камчиликларини аниқлаб, уларни нима сабабдан келиб чиқанини ўрганиб, аниқ қилиб, шуларга асосан далолатнома тузилади. Ишлаб чиқаришда молиявий назоратнинг асосий бўлими бўлиб, асосий кўрсаткичларнинг иқтисодий анализи ҳисобланади. Улар корхонанинг ишлаб чиқариши молиявий фаолиятини, ички хўжалик ишларини резервларини очиш ва ишга тўғри йуналтириш, молиявий режанинг бажарилиши йўл-йуриқларини баҳолаш ва шу асосда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатишдан иборатдир. Текширувчининг ахборот базаси бўлиб бухгалтерия ва статистик ўқитнинг маълумотлари, корхонанинг ойлик ва йиллик ҳисоботлари ҳисобланади. Корхона молиявий аҳолини текширишда корхона иш фаолиятининг ҳамма тамонлари ҳисобга олиниб баҳоланади. Яъни ёмон молиявий аҳвол шу билан аниқланадики, унда шахсий айланма маблағларнинг етишмаслиги, режаланмаган капитал қўйилмалар ва капитал ремонт маҳсулотни реализация қилиш плани бажарилмаганлиги, таннархининг ошиши, бракдан маҳсулот йўқотиш.

Молия органларининг назорат функцияси тўғрисидаги масалалар ҳам ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан биридир. Корхонанинг ҳуқуқлари кенгайган бир шароитда улар уз маблағларини сарф қилишда кенг мустақиллик оладилар, чунки уларнинг узлари мустақил равишда молиявий режалар ишлаб чиқадилад ва уз маблағларининг қайси йуналишлари буйча сарфлашни узлари белгилайди. Бундай шароитда корхоналарга урнатилган фойдани тақсимлаш нормативининг стабиллигини таъминлаш, бюджетга тўловларни тўғри амалга ошириш, вазирликларга қилинган ажратмалар ва иқтисодий рағбатлантириш

фондларини ташкил қилиш устидан назорат қилиш молия оганлари ишининг марказида туради.

Молиявий назорат утказувчи идораларга қонун чиқарувчи олий давлат органи, молия вазирлиги, маҳаллий ҳокимят, ички ишлар бошқармаси ва ички хўжалик фаолиятини назорат қилувчи муассасалар қиради.

Олий давлат органи тамонидан утказиладиган назорат, давлат бюджети лойиҳасини куриб чиқиш, тасдиқлаш ва унинг бажариши тўғрисидаги ҳисоботда утказилади. Турли мамлакатларда бюджет кумиталари бўлиб уларнинг вазифаси бюджетда кузда тутилган даромад ва ҳаражатларнинг тўғри ва тулик қонунлаштиришни шунингдек бюджетни бажариш ҳисоботи тўғрилигини текширади. Кумиталарнинг мақсади корхона ва ташкилотлар молияси иш фаолиятининг ҳолати ва танишиш, бу ишларни баҳолаш молия назоратининг кейинги органи - молия вазирлиги ҳисобланади. Унинг бўлимлари вазирликлар молиявий сметаларни анализ қилишни ҳаражатларни молиялаш шунингдек текширув ва ревизиялар утказишни олиб боради. Молия вазирлиги ҳар бир муассасаларидда узининг вакиларига эга бўлиб улар уз навбатида давлат ҳаражатларининг қонунийлигига жавоб берадилар. Бунда назоратчи ҳаражатларнинг белгиланган мақсадга мувофиқлигини бошқа мақсадларга кредитдан фойдаланганлиги ҳаражатга берилган кредит сўмаси етарлигини ҳисоб ва ҳисобот қоидаларига риоя қилинганлигини текширади. Хўжалик ички фаолияти назорати корхона ва ташкилотлар молиявий назорати бўлиб кенг имкониятларга эга. У текшираётган ташкилот ва корхоналарда керакли ҳужжатларни талаб қилиш ушбу корхонани кредитлаётган банк муассасари ҳақидаги маълумотларни талаб этиш; унинг раҳбарларига текшириш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўл-йуриklarини кўрсатиш мумкин. Корхона (фирма) ларнинг молиявий ва тўлов қобилиятини доимий кузатиб боровчи ахборот маълумотлар бериш хизмати ишончли ахборотга эга бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисобининг ахволи аммалдаги қонун талаблари даражасида ва унга ижобий баҳо бериш учун корхонада содир этилган барча хўжалик муаммолар бухгалтерия ҳисобининг услубий қоидаларига тула ва тўғри риоя қилган ҳолда қайд этилганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Корхона (фирма) лардаги бухгалтерия ҳисобининг ижобий баҳолаш учун асос бўлиб, Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамаси молия вазирлиги Давлат бош солиқ бошқармаси тамонидан белгиланган меъерий ҳужжатлар туплами ҳисобланади. Молиявий назорат утказиш муддати ва методларига кура 3 турга бўлинади; дастлабки, жорий ва сўнгги назорат. Дастлабки назорат пул маблағларининг ва моддий бойликларнинг сарфланиши даромадларни келиши билан аниқланади. Бу назорат системасига кредит очиш ва бюджет маблағларини утказишдаги назорат қиради. Жорий назорат бюджет сисъемаларининг бажарилишини ифодалайди. Умолиявий назорат бошқармалари молия вазирлиги ва унинг идоралари, марказий банклар, бухгалтерия зиммасига юклатилган сўнгги молиявий назорат материаллар учети ва ҳисоботи асосида бюджетга даромадларнинг келиши ва ҳаражатларнинг сарфланишидан сўнг олиб борилади. Назоратнинг мақсади

кузда тутилган маблағларнинг туликлиги ва уз вақтида келишини таъминлашдир. Бу назоратнинг методи бўлиб корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини текширувчи ревизия ва аудит ҳисобланади.

Бундан ташқари инспекциялар кузатиш тафтиш ҳам молиявий назоратнинг методлари ҳисобланди. Ревизиялар тулик ва оралик комплекс ва тематик турларга бўлинади.

Тулик ревизияларда корхонанинг ҳамма бўғинларининг фаолияти текширилади оралик ревизияда эса ишнинг бир қисми, бўлими текширувидан утказилади. Тематик текширув бирон аниқ белгиланган масала устидан ревизияни ифодаласа, комплекс ревизиялар текшириладиган ташкилот фаолиятининг тўғри йуналишларини ақс эттиради. Комплекс ревизиялар солиқ ташкилотларининг хизматчилари, эконоμισтлар, програмμισтлар ҳалқаро молия соҳасидаги мутахасислар тамонидан утказилади. Тафтиш назоратининг навбатдаги методи сифатида корхонада молиявий интизомнинг бузилишини фoш этиш мақсадида олиб бoрилади. Ҳисоб маълумотларининг нотўғри кўрсатиши ҳисоб юритиш тартибга солувчи меъерий ҳужжатларнинг бузилганлиги сабабли эмас, балки баъзи нотўғри ҳапракатларнинг салбий оқибатлари сабабли ҳуқуқ бузилишига олиб келади. Масалан: солиқ тўлашдан бош тортиш мавжуд маблағлар билан таъминланган ҳолатларда тўлов мажбуриятларини бузиш хизмат буйча шерикларни янгилаштириш қарз олиш учун сохта асослар яратиш ноқонуний фойда кўриш ушбу ҳаракатларнинг ҳуқуқий баҳоланиши уларнинг сабаб ва мақсадларига боғлиқ. Лекин бу масала терговда белгиланган тартибда ҳисоб принципларига риоя қилинганлиги ёки қилинмаганлиги аникланади.

Молиявий назорат муносабатларини ташкил қилишда қуйидагилар асос бўлиши мумкин: Биринчидан, назорат объектларини мулкчилик ва молиялаштириш манбаъига кура ажратиб олиш, яъни давлат ёки бошқа мулк турларига асосланган объектлар ва ҳўжалик ҳисобидаги бюджетдаги объектлар. Иккинчидан, назорат субъектларини ажратиш, яъни давлат ташкилотлари, жамоат (мустақил аудиторлик ташкилотлари ва корхоналар ичидаги аудитрлик ташкилотлари). Учинчидан, назоратнинг вазифаларини ажратиб олиш бюджет тушумлари ва ҳаражатлари ҳисоботларидаги молиявий ҳамда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ҳақонийлиги, молиявий натижалар устидан назорат зарур ҳолларда мулкнинг сақланиши, назорати ва ҳақазо. Туртинчидан, жумҳурият ва маҳаллий назорат органларининг таъсир доирасини аниқлаш. Молиявий назоратни юқорида келтирилган тартиб асосида тузиш мақсадга мувофиқ бўлиб у асосан мавжуд назорат тармогини қайта кўриш асосида амалга оширилиши мумкин.

Республикамиз мустақиликка эришгандан сўнг корхона ва ҳўжаликлар уз мулкчилик шаклини ўзгартириб давлат тасаруфидан чиқариб оилавий хусусий, коператив, ширкат, кушма, акционер ва бошқа турдаги мулкчилик шаклига утиши муносабати билан уларнинг молиявий ҳўжалик фаолияти устидан юқори ташкилотлар тамонидан утказиладиган тафтишларга чек қуйишга асос яратилди. Бўларнинг ўрнига мустақил равишда фаолият кўрсатувчи Аудитрлик фирмалари тамонидан узаъро тузиладиган шартномалар асосида корхоналар ва

хўжаликнинг молиявий ахволи ҳамда бухгалтерия хисоби ва хисоботининг тўғрилиги буйча текширув утказиш зарурияти туғилди.

Ўзбекистон республикасининг 12-чакирик 11 сесиясида "Аудиторлик фаолияти тўғрисида" ги қонун қабул қилинди. Бу қонунда аудитнинг мустакил молиявий назорат сифатидаги ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Маълумки, бошқариш тизимида хўжалик фаолияти буйча қабул қилинаётган жорий ва стратегик қарорларнинг самарадорлиги кўп жihatдан молиявий маълумотларнинг тезкорлиги ва аниқлиги ишончилигига боғлиқдир. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар тамонлама ишончли диккатга сазавор маълумотларни фақат 3 тамон, яъни хайрихоҳ ва ҳар қандай давлат ва тижорат структураларидан холи бўлган томонгина бериш мумкин. Молиявий назоратнинг янги тури булгач аудитнинг энг дикатга сазавор ва муҳим тамони унинг молиявий маълумотлар сифатда мустакил фикрлашидир. Аудитор ва аудиторлик фирмаларининг асосий мақсади бухгалтерия хисобининг ишончилиги ва содир этилган хўжалик операцияларини амалдаги норматив актларга мувофиқ келишни аниқлашдир. Консалтинг ишлаб чиқариш ва молиявий хўжалик фаолитини таҳлил қилиш ва текшириш ҳамда уларни яхшилаш буйча чора-тадбирларни ишлаб чиқариш солиқларни хисоблаш бухгалтерия хисоби ички молиявий назорат буйча хизматлар қўшма алоқаларни чет эл валюта операцияларни амага ошириш хусусийлаштириш ва бошқа хизматларни уз ичга олади. Ҳар бир корхонанинг ахволи бошқа корхоналар билан рақобат шаклидаги муносабатларга боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молиявий ахволи ва унинг тўлов қобилияти тўғрисидаги ахборот зарур. Тижоратни кредитлаш шароитида (векселлар бериш олиш ва бошқалар хис.) бу ўрта мулкдир. Тижоратдаги шерикларнинг фаолияти ва молиявий ахволининг ишончилиги тўғрисида хатто тассавурга эга бўлиш оқибатида зарар талофатлара олиб келувчи нотўғри қарорлар қабул қилинади. Корхонанинг молиявий ишончилигини ва барқарорлиги тўғрисидаги шериклар ва банкнинг юқори баҳолар корхонанинг ахлокий натижаси бўлиб кредитларнинг жалб этиш учун замин ва улардан самарали фойдаланиш гаровидир. Шунинг учун хисобнинг ишончилиги ва унга асосланган ахборотлар давлат аҳмиятига эга бўлади. Иқсодий ахборотларни аниқ ва ишончлиги давлат белгиланган ҳисоботларнинг эълон қилиниши ва аудиторлик назорат тартиби урнатилишини тақозо этади. Бу тузилган аудиторлик хизматлари кўп тамдан уз авзаликларига эга эканлигини кўрсатди. Биринчидан аудит кўриши натижаси буйча таерланган ҳужжатлар ҳулоса ва таклифлар курик тамом бўлиши билан фақат текширув утказилган ташкилотлар раҳбарларига тақдим этадилар бу деган сўз юқори ташкилотларнинг текширувлар натижаси буйча буйруқлар қабул қилиш улар тамонидан жазо чораларини қўллаш ҳар хил тазиклар утказиш уз узидан йўқолади. Иккинчидан раҳбарлари ҳисобдор шахслар ташкилот уз фаолиятини қай тарзда олиб бораётганлигига ишонч ҳосил қилиб тезда иш фаолиятларни яхшилашда зарур чоралар кўришни ойдинлаштиради. Порахурлик ва тамагарликка чек қўйилади.

Назорат учун саволар.

1. Молиявий назоратни қандай аҳамияти бор?
2. Молиявий назорат турларини айтинг.
3. Молиявий назорат утказувчи идоралар таркибига қайси идоралар киритилади?
4. Тулик ревизиялар қачон утказилади?
5. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?
6. Аудитор ким ва қандай вазифани бажаради?
7. Молиявий назорат утказишдан мақсад нима?
8. Аудитор ва аудиторлик фирмаларининг асосий мақсади нима?
9. Молиявий назорат утказиш муддати ва усуллариға кура неча гуруҳна бўлинади?
10. Молиявий назорат утказувчи идоралар таркибига қайси муассасалар киради?

Маъруза №16: Молия бозори ва уни таснифлаш

Р Е Ж А:

1. Молия бозори ҳақида тушунча ва унинг туркумланиши.
2. Жамғармалар, инвестициялар ва молия бозори.
3. Молиявий активлар тўғрисида асосий тушунчалар.

Таянч иборалар: молия бозори, капитал, тадбиркор, инвестиция, молия институти, молиявий активлар, қимматли қоғозлар, омонатлар, бирламчи бозор, иккиламчи бозор.

1. Молия бозори ҳақида тушунча ва унинг туркумланиши.

«Молия бозори» тушунчаси жуда кенг маънога эга бўлиб, у капитал эгаси ва қарз олувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини ўзида мужассамлантиради. Молия бозори ҳозирги замон иқтисодиётининг «асаб маркази» бўлиб ҳам ҳисобланади. Айни вақтда унинг ривожланиши даражасига қараб мамлакат иқтисодиётининг қанчалик даражада «соғлом» эканлигига баҳо бериш мумкин.

Бутун инсоният тарихи молиявий ресурслардан фойдаланишнинг икки асосий туридан фойдаланганлигидан далолат беради. Яъни нақд пулни сақлаш ёки қимматли қоғозларни сотиб олиш.

Жамғармаларнинг кўзга кўринарли қисми жамиятдаги оилавий ячейкалар томонидан амалга оширилсада, кўп қисми кўп субъектлари томонидан кўп. Ҳозирги тараққиёт эса мана шу ресурсларнинг биринчисидан иккинчисига оқиб келишини тартибга солиб турувчи механизмни ишлаб чиқди. Бу механизм молия бозорларидир.

Ҳозирда молия бозорларининг асосида молия институтлари ёки воситалар туради. Бу бозорда сотувчи ва сотиб олувчилар мавжуд, демак бу ерад товарлар бор, улар сотилади ҳамда сотиб олинади, уз навбатида бу бозорда пул ҳамда бошқа молиявий активлар иштирок қилади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, молия бозорлари бошқа шундай каналлардан озукланадики, унга кура пул мабалглари жамғарма эгаларидан қарз

олувчиларга қараб келади. Иқтисодий адабиётларда бу каналлар икки асосий гуруҳга бўлинади.

Б и р и н ч и г у р у х г а – тўғридан тўғри молиялаштириш киради. Бу молиялаштириш икки турга бўлинади.- капитал молиялаштириш бунда тадбиркор мабалғларни олиб, унинг бир қисмига эгалик ҳудудини ҳам беради. Қарз олиш йули билан молиялаштириш ва бунда белгиланган суммани олдиндан келишилган фоизларда тулаб, эгалик қилиш ҳукукини бермайди.

Мана шу иккала турдаги молиялаштириш қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва амал қилинишига олиб келади.

Молиялаштиришнинг бевосита йули деганда жамғарма қилаётган шахсларнинг молия институтларига булган муносабатлари тушунилади. Бу омонатлар лойиҳаларни молиялаштириш учун сарфланиши зарур.

Бу молиялаштиришнинг бевоситалиги шундаки, омонатчилар лойиҳаларнинг моҳияти учун маблагларни бевосита қўйелмайдилар.

Жисмоний ва ҳукукий шахсларнинг узоқ муддатли омонатлари воситачилар ердамида инвестицион кредитлар бериш учун сарфланиши мумкин. Улар узоқ муддатли қимматли қоғозлар билан барча капитал бозорида олди-сотди қилиниши мумкин.

Омонатлар фақат узоқ муддатли инвестицияларга сарф қилинмасдан, балки қисқа муддатларга ҳам қимматли қоғозлар учун йуналтирилиши мумкин.

Масалан, қисқа муддатли казначей мажбуриятлари, векселлар ва бошқа.

Мана шу қисқа муддатли омонатлар, пул массасининг бошқа элементлари пул бозорини ташкил этади.

Қимматли қоғозлар бозори Европпанинг кўп мамлакатларида савдо капиталининг ривожланишида вужудга келган ва у кўп механизмининг барқарор, ажралмас қисми бўлиб келган.

Ўзбекистонда уларнинг келиб чиқиши мулкнинг хусусийлаштирилиши , акционер давлат ташкилотларининг шаклланиши билан боғлиқ.

Бу бозор бошқа бозор турларидан фарқ қилади, энг тушунарлиси бунда қимматли қоғозлар муомалада бўлади.

Қимматли қоғозлар бозори- бу бозор иқтисодиётининг асосий калити ҳисобланган элементларидандир.

Тижорат банклари 1 йилдан узоқ булмаган муддатларга кредитлар беради . Қимматли қоғозлар бозори эса, исталган муддатларга ҳамда қулай шартлар асосида пул маблагларини муомалада юритиши мумкин.

Бу бозор ҳам бошқа бозорлар каби олди-сотди масалаларида иқтисодий муносабатларни аниқлаб, у ерда талаб ва таклиф вужудга келади.

2. Жамғармалар, инвестициялар ва молия бозори.

Ҳозирги замон молия бозорининг асосини кўп сонли молия муас сасалари воситачилар ташкил этадилар. Бу сотувчилар ва харидор лар яъни, сотиладиган ва харид қилинадиган товар пул ва бошқа молия активлари мавжуд булган бозор. Улар вақтинчалик фойдаланиш учун мажбуриятли қарзлар шаклида ёки бутунлай акцияга олиш мумкин.

Шу билан бирга, молия бозорлари пул маблағлари жамғармаларининг эгаларидан қарз олувчиларга борадиган кўплаб турли туман йуллар билан таъминлаб туради. Иқтисодий адабиётда улар икки асосий турга ажратилади.

Биринчи гуруҳга пул маблағлари бевосита жамғармаларининг эгаларидан қарз олувчиларга борадиган маблағ билан бевосита молиялаш йулари киради. Булар уз навбатида икки турнга булинади: Капитал молиялаш-унга мувофиқ тадбиркор маблағни мулкнинг бир қисмига алмаштириш ҳисобига олади (одий акциялар) қар олиш йули билан молиялаш- унга мувофиқ фирма маблағини олдиндан келишилган фойиз буйича кийин тулаш ва фирмага эгалик қилиш ҳуқуқини олмаслик ҳақида шарт билан олади (облегациялар). Барча қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва фаолият курсатишини белгилайди. Билвосита маблағ билан таъминлашга омонатчиларнинг маблағларининг молия муассасаларига: тижорат банклари, суғурта ва транс компаниялари, пенсия фондлари ва ҳоказоларга қўйишга доир барча операциялар киради. Масалан, молия муассасалари майда ва йирик омонатчиларнинг маблағларидан фойдаланиб турли туман лойиҳаларни маблағ билан таъминлайди. Маблағ билан таъминлашнинг билвоситалиги шундаки омонатчиларнинг ўзлари маблағларни ушбу лойиҳаларга бевосита қўймайдилар.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг узок муддатли пул омонатлари молия воситачилари томонидан инвестиция кредитлари сифатида берилади. Инвестиция кредитлари узок муддатли қимматли қоғозлар билан бирга сармоялар бозорида олди-сотди қилинади. Омонатларни фақат узок муддатли инвестицияларга қўйиш шарт эмас, уларга умри қисқа қимматли қоғозлар- қисқа муддатли хазина мажбуриятлари, векселлар ва ҳоказони сотиб олиш мумкин. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг қисқа муддатли омонатлари ҳамда пул массасининг бошқа элементлари билан бирга улар пул бозорини ташкил қилади.

Пул бозори Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини жорий қилиш объекти ҳисобланади. У кредит муассасаларининг активлари билан савдо қилиш учун мулжалланган: бу активлар марказий банклари кредит энг муҳим ликвидмаблағлари захиралари улиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, активларни қимматлаштириб ёки арзонлаштириб, кўпайтириб ёки камайитириб, марказий банк баъзи банкларнинг кредит беришга ва демак, кредит буйича фойизлар қийматига ва омонатлар буйича фойиз ставкалари қийматига тайерлигига таъсир курсатади.

Пул бозорида давлат хазинасига бевосита нақд пул тушушини таъминлайди ва фирма ёки жисмоний шахсга узларининг вақтинчалик буш маблағларидан даромад олишга имкон беради. Пул бозорисиз тулик маънодаги молия бозори булиши мумкин эмас. Ҳозирча биз расмий молия бозорлари механизмини тушунтирдик, лекин улар билан бирга норасмий молия бозорлари ҳам фаолият кутсатиши мумкин. Уларнинг пайдо булишига сабаб нима ?

Молия тизими етарлича ривожланмаган мамлакатларда кеи инфляция кузатилаётган, е булмаса тулов балансининг мувозанати бузилган жойларда молиявий операцияларнинг кўп қисми айнан уша норасмий бозорлар орқали

юз бериши мумкин. Норасмий бозорлар хар-хил шакилда булиши мумкин: кишлок жойларда ссудалар бериш амалиетидан бошлаб, расмий ташкил қилинганлари билан енма-ен фаолият курсатадиган йирик куламдаги шаҳар биржадан ташкари бозорларигача. Норасмий бозорларда кўпинча чет эл валюталари операциялар объекти хисобланади. Шундай бозорларнинг мавжудлиги, масалан, пул-кредит соҳасидаги, тулов баланси, соликка тортиш, меъерий-хукукий база ва бошқалар буйича масалаларнинг ҳал қилиниши билан боғлиқ.

3. Молиявий активлар тўғрисида асосий тушунчалар.

Талаб корхоналар томонидан яратилади. Сабаби бунга талаб кўп субъектларида даромадларнинг инвестицияларни молиялаштиришга етишмаслиги оқибатидир.

Давлат қимматли қоғозларига қўйидагилар киради:

1. Казначей векселлари – бир йилгача булган қисқа муддатли давлат мажбуриятидир.

2. Ўрта муддатли казначей векселлари – 1 йилдан 5 йил гача муддатда аниқ қилиб, курсатилган фоизларда туланади.

3. Узоқ муддатли казначей мажбуриятлари – Коплаш вақти 10 йилгача ва ундан кўпроқ даврга бўлиб, унга кўпон фоизлари туланади. Унинг амал муддати тугугундан сўнг, эгаси мавжуд қийматни олиши ёки қайта қимматни қоғозларга молиялаштириш мумкин

1) Молия бозор ҳақида тушунча.

2) Капитал молиялаш.

3) Марказий банкнинг пул кредит сиёсати.

Назорат учун саволлар.

1. Ресурслар ва маҳсулотлар бозори деганда нимани тушунасиш?

2. Тўловларни айланиши қандай амалга оширилади?

3. Молия тизимининг вазифалари нималардан иборат?

4. Молия бозори нима?

5. Инвестицияларни қандай молиялаш усуллари мавжуд?

6. Пул бозори молия бозорининг таркибий қисми саналадими?

7. Аҳоли жамғармалари деганда нимани тушунасиш?

8. Молия тизимини кредитлаш вазифасини изоҳланг?

9. Молия бозорида пул маблағлари жамғармаларининг ҳаракатланишини неча гуруҳга бўлинади?

10. Норасмий молия бозорини изоҳланг?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. А. Каримов – Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1993 й.

2. И. А. Каримов – Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишни ўзига хос йўли. Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1993 й.

3. И. А. Каримов –Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида Тошкент Ўзбекистон нашриёти 1995 й.
4. В. А. Чжен – “Пул ва молия бозорлари” Тошкент иқтисодиёт ва ҳуқуқ нашриёти 1997 й.
5. В. А. Чжен – “Бозор очик иқтисодиёт” Тошкент иқтисодиёт ва ҳуқуқ нашриёти 1997 й.
6. В. А. Чжен – “Бозор қонунлари асослари” Тошкент иқтисодиёт ва ҳуқуқ нашриёти 1997 й.
7. Ё. Абдуллаев, Т. Бобоқулов – Кредит. Тошкент меҳнат нашриёти 1997 й.
8. Ўзбекистон Республикаси – Қонунлар ва фармонлар Тошкент адолат нашриёти 1993 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Маразий банки фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар Тошкент 1996 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг банк тизимини такомиллаштириш ва пул кредит муносабатларини барқарорлаштириш чоралари тўғрисидаги 1994 йил 18 март 146 сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг республика банк тизимини бошқариш структурасини ва амалий фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги 1994 йил 3 май 234 сонли қарори. Ўзбекистоннинг янги қонунлари №5 Тошкент адолат нашриёти.
12. Амалий иқтисодиёт дарслик 1996 йил Тошкент Шарқ нашриёти.
13. Амалий иқтисодиёт машқлар тўплами 1997 йил Тошкент Шарқ нашриёти.
14. Эдвен Д. Ж, Долан, Колин Д, Кэмбел – Денги банковское дело и денежно кредитная политика Москва 1993 г. изд ПТД.
15. Ловрушен И. О – Банковские дело Москва 1995 г. Изд. Финансы и статистика.
16. Дробозина Л.А – Финансы, денежные обращение, кредит Москва 1997 г. Изд. ЮНИТИ.
17. Ғофуров Ш, Беркинов М, ва б.- “Қимматбаҳо қоғозлар бозори” Тошкент 1995 й Меҳнат
18. Кэмбелл Р, Макконелл, Стенли Л, Брю – Экономикс Москва 1992 г. изд Республика.
19. Питер С Роуз – Банковский менеджмент Москва 1995 г изд Дело ЛТД
20. И Сирождинов – Ўзбекистонда тижорат банкларининг фаолияти Наманган 1998 й Наманган саноат технология институти кичик босмаҳонаси.

Мундарижа

1. Курснинг предмети ва вазифалари.....	3
2. Пулнинг моҳияти, вазифалари ва иқтисодиётда тутган ўрни.....	8
3. Пулнинг айланиши ва унинг таркиби.....	27
4. Нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб китоблар.....	34
5. Пул бозори.....	40
6. Пул тизими ва унинг таркиби.....	47
7. Ҳалқаро валюта муносабатлари.....	54
8. Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва иқтисодиётдаги роли.....	63
9. Кредитнинг асосий шакллари ва уларнинг моҳиятлари.	73
10. Ўзбекистонда кредитлашнинг хусусиятилари.....	83
11. Кредит хатар ва уни бошқариши.....	92
12. Банк тизими.....	96
13. Молия ва унинг вазифалари.....	105
14. Давлат бюджети, унинг моҳияти вазифалари.....	110
15. Молиявий назорат.....	120
16. Молия бозори ва уни таснифлаш.....	128
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	134

.....